



ISBN: 978-93-54754625-6

БУХОРО ОВЧИЛИГИ



Published by

Novateur Publication

466, Sadashiv Peth, M.S.India-411030
novateurpublication.org


Authors:

Рахмонов Рашит Рахимович

Рахмонов Рашит Рахимович

БУХОРО ОВЧИЛИГИ

МОНОГРАФИЯ



Бухоро – 2023

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ, ФАН ВА
ИННОВАЦИЯЛАР ВАЗИРЛИГИ
БУХОРО ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ**

Рахмонов Рашид Рахимович

БУХОРО ОВЧИЛИГИ

МОНОГРАФИЯ

Бухоро

“Дурдона” нашриёти, 2023

Ушбу монографияда Бухоро вилоятидаги овчилик хўжаликлари ва унга чегарадош бўлган чўл-яйлов минтақаси, воҳалар билан туташ агроцензлардаги ов аҳамиятига эга бўлган сув ва сув олди қушлари, сут эмизувчи ҳайвонлар, сувликларда учровчи балиқлар, уларнинг турли туманлиги, тарқалиши, биоэкологик таснифи, турларнинг табиий ва иқтисодий аҳамияти батафсил баён этилган. Монографияда мамлакатимиздаги, хусусан, Бухоро вилоятида ов аҳамиятига эга бўлган балиқлар, қушлар ва сут эмизувчи ҳайвонлар турларининг рўйхати ва учраш хусусиятлари ҳақида батафсил маълумотлар берилган.

Ушбу монографияда экология, биология, география ва иқтисодий билим асослари таълим йўналишларида таҳсил олаётган олийгоҳ талабалари, академик лицей ва касб-ҳунар мактаб ўқувчилари, биолог, эколог ва географ магистрлар, фан ўқитувчилари, табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ҳамда овчилар ва балиқчилар спорт бирлашмаси ходимлари, табиатни севадиган китобхонлар учун мўлжалланган.

Масъул муҳарир: б.ф.д. проф Холбоев Ф.Р

Такризчилар: б.ф.ф.д., (PhD) Райимов А.Р

б.ф.н., доцент Комилова Б.О

Ушбу монография Бухоро давлат педагогика институти Ўқув – услубий кенгашида тасдиқланган Кўчирма №1, 29 сентябр 2023 йил.

КИРИШ

Халқаро ҳуқуқ нормаларга кўра, биохилма-хилликни муҳофаза қилиш, муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тизимини ривожлантириш, уларни бошқариш ва бутлигини сақлаш ҳамда самарали фаолият юритишини таъминлаш долзарб вазифалардан бири саналади. Дунё миқёсида биологик хилма-хилликнинг муҳим таркибий қисми саналган ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан оқилона фойдаланиш масаласига бугунги кунда алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айниқса ҳайвонот дунёсидан ов қилиш мақсадида кенг ва баъзан тартибсиз фойдаланиш, ов хўжаликларини юритиш соҳасидаги мавжуд муаммолар кўпчилик ҳолларда турларнинг қирилиб кетишига ёки сонини камайишига сабаб бўлмоқда. Бунинг оқибатида айрим турлар ноёб ёки йўқолиб кетиш хавфи остидаги турларга айланмоқда. Шунга кўра, мазкур масалаларни чуқур ўрганиш, уларни ҳал қилиш бўйича тегишли тавсиялар ишлаб чиқиш ҳамда овчилик хўжаликлари юритишни тартибга солиш бугунги кунда долзарб аҳамиятга эга. Қолаверса, ов қилинадиган турлардан барқарор фойдаланиш эвазига аҳолининг иқтисодий, ижтимоий фаровонлигини оширишга эришиш мумкин.

Жаҳонда турли ҳайвонларни овлашга, хусусан, ов туризми билан шуғулланишга бўлган қизиқишнинг йилдан-йилга ошиб бориши сабабли овчилик хўжаликларини юритиш тизимини такомиллаштиришга, овладиган турларни махсус кўпайтиришга ва муҳофаза қилишга ҳамда соҳага илғор тажрибаларни жорий этишга катта эътибор қаратилмоқда. Бу борада, овчилик хўжаликларини юритиш, ов қилишни ташкил қилиш, овладиган турларни махсус кўпайтириш орқали уларнинг барқарорлигини сақлаш ва ов туризминини жорий этиш йўли билан хўжаликнинг иқтисодий самарадорлигини ошириб борилади. Овчилик хўжаликлари фаолиятида замонавий услублар ва технологиялардан фойдаланиш натижасида турларнинг сонини ҳамда уларнинг яшаш муҳитининг барқарорлигини сақлашга эришилди.

Мамлакатимизда табиат муҳофазаси, экологик барқарорлик ва биохилмахилликни сақлаш, қайта тиклашга катта эътибор қаратилиб, унинг

зарур ташкилий-ҳуқуқий ҳамда институционал база яратилди. Конституциямизда ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий захиралар умуммиллий бойлик экани, улардан оқилона фойдаланиш зарурлиги ва улар давлат муҳофазасида эканлиги мустаҳкамлаб қўйилди. Шунингдек, соҳага доир бир қатор қонунлар қабул қилинди. Таъкидлаш лозимки, ҳар бир минтақанинг зоогеографик хусусиятларига ва у ердаги овчилик соҳасининг ўзига хослигига боғлиқ ҳолда, ов объектларининг тури ҳамда овланиш ҳажми ўзаро фарқ қилади. Шунга кўра, муайян ҳудуд учун овладиган турлар рўйхатини тузишга, истиқболли турларни иқлимлаштиришга ва овлаш учун тегишли рухсатномалар беришга нисбатан илмий ёндашиш овладиган турлар сонининг камайиб кетишининг олдини олишда, биотехник тадбирларни амалга ошириш чора-тадбирларини ишлаб чиқишда ҳамда амалиётга жорий этишда муҳим илмий-амалий аҳамиятга эга.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон барқарор ривожланиш учун биологик хилма-хилликни сақлаб қолишнинг ўта муҳимлига алоҳида аҳамият бергани ҳолда бир қатор халқаро ҳуқуқий ҳужжатларга, шу жумладан 1995 йилда Биологик хилма-хиллик тўғрисидаги Конвенцияга қўшилди ва республика ҳукумати томонидан Ўзбекистон Республикасида Биологик хилма-хилликни сақлаб қолиш бўйича Миллий стратегия ва Ҳаракатлар режаси тасдиқланди. Республикамизда биологик хилма-хилликни сақлаш, ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан оқилона фойдаланишга қаратилган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштиришга ҳамда дастурий чора-тадбирларни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилган. Жумладан, мазкур йўналишда амалга оширилаётган ишлар натижасида сони камайиб кетаётган турларга муҳофаза мақоми берилди, муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар майдони кенгайтирилди. Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилишда жамоатчилик назоратидан кенг фойдаланиш имкониятлари яратилди ва ов туризмини амалиётга жорий этиш бошланди.

Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «ижтимоий-иқтисодий ривожланишни жадаллаштириш учун

хар бир худуднинг табиий, минерал-хомашё, саноат, қишлоқ хўжалиги, туристик ва меҳнат салоҳиятидан комплекс ҳамда самарали фойдаланишни таъминлаш» вазифаси белгилаб берилган. Ушбу вазифалардан келиб чиқиб, Бухоро вилоятида овладиган ҳайвонлар фаунасини, биоэкологик хусусиятларини, улардан барқарор фойдаланишни ўрганиш ва асослашга, ов объектлари ҳамда уларнинг яшаш муҳитларига бўладиган антропоген омилларнинг таъсирини аниқлаш ва баҳолашга йўналтирилган илмий тадқиқот ишлари муҳим аҳамият касб этади.

Бухоро вилояти ўсимликлари

Бугун юртдошларимиз Ватанимизнинг бетакрор наботот ва ҳайвонот олами билан ҳақли равишда фахрланади. Диёримизга ташриф буюрадиган сайёҳлар ҳам юртимизнинг азим тоғлар, чўллар, сув ҳавзалари, тўқайзорлар, боғу роғлар, бошқа маданий экотизимлар, уларда учровчи барча тирик организмлар мажмуидан таркиб топган биохилмахиллиги ўзига хос ҳамда ноёб эканлигини ҳамиша эътироф этадилар. Бухоро вилоятининг юксак ўсимликларини Х.Қ. Эсанов (2017) томонидан 62 оила, 294 туркумга мансуб 476 турдан иборат эканлигини қайд этган. Шулардан 11 тур сувда ўсадиган ўсимликлар бўлиб уларга *Ceratophyllum demersum*, *Batrachium divaricatum*, *B. rionii*, *Persicaria hydropiper*, *Myriophyllum spicatum*, *M. verticillatum*, *Apium nodiflorum*, *Veronica anagalloides*, *Potamogeton crispus*, *P. perfoliatus*, *Lemna minor* киради. Бухоро вилоятида сувликларида кўғанинг 4 та тури учрайди. Булар *Typha angustata*, *T. agustifolia*, *T. laxmannii*, *T. minima*. Кўп йиллик илдизпояли ўсимлик, Вобкент, Қорақўл туманларининг зовур, ариқ ва канал сувликларида учрайди. Озиқабоп, доривор, ем-хашак, толали ўсимлик ҳисобланади. *Phragmites australis* (Cav) Trin.exSteud. ўсимлиги Ўзбекистонда камиш туркумига кирадиган ягона тур ҳисобланади. У кўп йиллик ўт ўсимлик бўлиб Бухоро вилоятининг барча сувликларида, ариқ, зовур сувлари, канал атрофларида, базан экинлар орасида учрайди. Ареали қадимий Ўрта ер худуди бўйлаб тарқалган. Ўсимликлардан доривор, ем - хашак, ёқилғи, қурилиш материали, озуқа сифатида фойдаланилади. Мазкур турлар орасида юксак сув

ўсимликлари ҳам келтирилган. Шунингдек, Бухоро вилоятининг юксак ўсимликлари орасида четдан кириб келган ва мазкур ҳудуд учун янги турлар ҳам келтирилган.

Бухоро вилоятининг қумли тупроқларида дарахт, буталар ва ўт ўсимликлари кенг тарқалган. Ҳудуднинг табиатига мос ҳолда мазкур ўсимликлар қисқа вегетация даврига эга. Бундай турларга лондезия (*Londesia eriantha* Fisch. et C. A. Mey.), оқ читир (*Chorispora tenella* (Pall.) DC.), кичик ўсма (*Isatis minima* Bunge.), момикмева (*Lachnoloma lehmanii* Bunge.), Бухоро матиоласи (*Matthiola bucharica* Czerniak.), зиғирбарг ясси мева (*Meniocus linifolius* (Steph.) DC.), чўл бурама меваси (*Streptoloma desertorum* Bunge.), африка читири (*Strigosella africana* (L.) Botsch.), чаёндум читир (*Strigosella scorpioides* (Bunge) Botsch.), қайрилган тетракме (*Tetracme recurvata* Bunge.), тифиз сутлама (*Euphorbia densa* Schrenk.), келин супурги (*Diarthron vesiculosum* (Fisch. et C.A. Mey.) C.A. Mey.), афаноплеруа (*Aphanopleura leptoclada* (Aitch. et Hemsl.) Lipsky.), чиройли хиалея (*Hyalea pulchella* (Ledeb.) K.Koch.), мойчечак (*Microcephala lamellata* (Bunge) Pobed.), қум пиёз (*Allium sabulosum* Steven ex Bunge.), ширач (*Eremurus anisopterus* (Kar. et Kir.) Regel.), илоқ (*Carex physodes* M. Bieb.), ялтирбош (*Bromus danthoniae* Trin.), кўнғирбош (*Poa bulbosa* L.) ва бошқ. киради. Бу ўсимликлар тарқалган муҳитнинг иқлим шароити жуда иссиқ ва қуруқ бўлганлиги сабабли вегетация даврини баҳор охири ва ёз ойлари бошланиши билан тугатади.

Шунингдек, вилоятда фойдали хусусиятлари билан ажралиб турадиган доривор ўсимликлар ҳам кенг тарқалган. Ҳозирги вақтда Бухоро вилоятида 200 га яқин доривор ўсимлик турлари учрайди. Жумладан, сариқ илончўп (*Cistanche flava* (C. A. Mey.) Korsh.), сассиқ коврак (*Ferula foetida* (Bunge) Regel.), шувоқ (*Artemisia annua* L.), сачратқи (*Cichorium intybus* L.), мойчечак (*Microcephala lamellata* (Bunge) Pobed.), қоқиўт (*Taraxacum bicornе* Dahlst.), бангидевона (*Datura stramonium* L.), кийикўт (*Ziziphora tenuior* L.), исирик (*Peganum harmala* L.) ва бошқалар. Ушбу доривор ўсимликлар чўл ва суғориладиган майдонларда тарқалган.

Бухоро вилоятида ўзлаштирилган экин майдонлари ҳам учрайди. Бу майдонларда маҳаллий аҳоли деҳқончилик билан шуғулланади. Экилган кишлоқ хўжалиги экин майдонлари орасида бегона ўсимликлар ҳам учрайди. Шунингдек манзарали ўсимлик сифатида қарағай, қорақарағай, катальпа, япон софораси, шойи акация, маклюра, сохта каштан, шумтол, қайрағоч, заранг, тут ва бошқа бир қанча турлар учрайди. Ўзлаштирилган майдонларда учрайдиган мазкур турлар Бухоро флорасини хилма-хиллигини таъминлашда хизмат қилади.

Мазкур ҳудуд антропоген таъсирлар натижасида интенсив равишда ўзлаштирилаётган ҳудудлардан бири саналади. Унда камёб ва эндемик турларни кўп учратиш мумкин. Ушбу турларнинг кўп учраши ҳудуддаги биохилма-хилликни сақлаш учун муҳим аҳамиятга эга эканлигини кўрсатади. Шу билан бирга, табиий ва антропоген омиллар таъсирида ҳудудга четдан кириб келаётган (адвентив) ўсимликларнинг сони тобора ортиб бормоқда. Бу флоранинг ўсимликларга бойиб бораётганлигидан далолат беради.

Она-табиатимизни ҳар томонлама ҳимоя қилиш — экологик барқарорликни таъминлашнинг асосий шартидир. Шундай экан, республикамызда биологик хилмахиллик объектларини асраб-авайлаш ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, улар яшайдиган муҳитни комплекс муҳофаза қилиш, шунга мўлжалланган ҳудудларни кенгайтириш, янгиларини бунёд этиш ва уларнинг иш самарадорлигини ошириш бўйича бир қанча ишлар амалга оширилаяпти.

Ўзбекистонда овчилик ва ов хўжалиги тўғрисидаги қонуни

Табиий эркинлик ҳолатида яшаётган ёввойи ҳайвонларни (уларнинг яшаш фаолияти маҳсулотларини) тутиш мақсадида уларни излаш, уларнинг изига тушиш ва уларни таъқиб қилиш, тутишга уриниш ёки тутиш (отиш, тутиб олиш) ов қилишдир.

2020 йил 19 май куни Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг ялпи мажлисида мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётига оид бир қатор қонун

лойиҳалари қаторида “Овчилик ва ов ҳўжалиги тўғрисида”ги қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда кўриб чиқилди. Қонун лойиҳаси 2019 йил 21 ноябрь куни қўйи палата мажлисида иккинчи ўқишда 26-моддагача кўриб чиқилган ҳамда лойиҳанинг кейинги моддаларига оид айрим саволлар пайдо бўлгани учун кўмига қайтарилган, улар устида ишлаб сўнгра палата мажлисига қайта киритиш таклиф этилган эди.

Мажлисида ишчи гуруҳи билан депутатлар томонидан кўтарилган масалалар ўрганиб чиқилиб, тегишли ўзгартишлар киритилгани таъкидлаб ўтилди. Чунончи, қонун лойиҳасида алоҳида моддалар келтирилган асосий тушунчалар тегишли моддаларнинг ўзига сингдирилгани сабабли, модда ҳам, тушунчалар ҳам лойиҳадан чиқариб ташланмоқда. Шунингдек, ёввойи ҳайвонлар сонини ва уларнинг овланишини ҳисобга олишни битта моддада берилиши муносабати билан қонун лойиҳасидаги айрим моддалар бирлаштирилди.

Депутатлар томонидан кўтарилган яна бир масала овчи Овчилар ва балиқ овчилари спорт бирлашмаси аъзолигига мажбурийлиги ҳақидаги норма лойиҳадан чиқариб ташланганлиги ушбу ҳужжатнинг аҳамиятли жиҳатларидан бири, дейиш мумкин. Чунки айнан ушбу меъёр ялпи мажлисининг аввалги муҳокамаларида қизғин кўриб чиқилган ҳамда халқ вакиллари эътирозларига сабаб бўлган эди. Шунингдек, табиий сув ҳавзаларида балиқларни умумий фойдаланиш тартибида овлаш масаласида кўтарилган савол бўйича ҳам қонун лойиҳасига тегишли ўзгартиш киритилиб, ноаниқликлар бартараф этилган.

Қайд этилганидек, ёввойи ҳайвонларнинг сонини ҳамда овланган ёввойи ҳайвонларни ҳисобга олиш, шунингдек, уларнинг турларини тартибга солиш аниқлаштирилди ҳамда ёввойи ҳайвонлар ўртасида юқумли касалликлар тарқалишига қарши курашиш бўйича нормалар киритилди. Ёввойи ҳайвонларни тутишга доир квота бўйича ариза бериш муддатлари ва ким томонидан берилиши белгиланди.

Халқаро тажрибани инобатга олган ҳолда халқаси, микрочипи, ёрлиқчаси, тамғаси бўлган ёввойи ҳайвонлар тутилганда овчилик хўжалигининг ваколатли шахсига ёки Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг ҳудудий органига, улар томонидан кейинчалик Фанлар академиясига тақдим этиш учун ахборот тайёрланиши акс этди.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ёввойи ҳайвонларни ов қилиш ҳақ тўлаш асосида амалга оширилади.

Тўловлар ёввойи ҳайвонларни тутишга доир рухсатномада кўрсатилган ҳар бир ёввойи ҳайвон учун киритилади. Тўловлар мазкур рухсатномалар берилаётганда киритилади.

Мазкур ҳужжатнинг қабул қилиниши, таъкидлаб ўтилганидек, ов ҳайвонларидан оқилона фойдаланиш орқали атроф-муҳитни муҳофаза қилиш учун қулай шарт-шароитлар яратилишига, ёввойи ҳайвонлар ҳисобини юритиш, уларни кўпайтириш ва овлаш нормаларини тартибга солиш устидан давлат назорати механизмлари такомиллаштирилишига, ов туризмининг ривожлантирилишига, овчилик хўжаликлари ҳолати яхшиланишига хизмат қилади.

Бухоро вилоятининг сув таъминоти

Сув ер юзидаги ҳар бир тирик жонзот учун энг муҳим ҳаёт манбаи ҳисобланади. Агар денгиз ва океанлар бўлмаса, ер юзида ҳаёт қурилмаган бўларди. Кимёвий тадқиқотлар шуни кўрсатганки, 1 куб см денгиз суви таркибида 1, 5 граммгача оқсил ва кўплаб минераллар мавжуд экан.

Бизга маълумки Бухоро вилоятининг сувга бўлган эҳтиёжи XX асрнинг 60 - йилларига қадар Зарафшон дарёси суви билан қондирилган. Аммо кейинги йилларда экстенсив деҳқончилик юритиш орқали қишлоқ хўжалик экинларидан олинадиган ҳосилни оширишда нисбатан интилиш оқибатида янги ерларнинг ўзлаштирилиши сувга бўлган эҳтиёжнинг ошишига олиб келди. Натижада Зарафшон дарёсидан оладиган сув улуши йилдан-йилга камайиб борди ва XX асрнинг ўрталаридан бошлаб, мазкур дарё суви Навоий вилояти ҳудудида батамон сарфланиб бўлди.

1960 йилдан бошлаб Бухоро вилояти ҳудудида сув танқислиги муаммосини бартараф этиш мақсадида, Амударёдан сув олувчи махсус канал казилди ва унинг тармоқлари турли йилларда ишга тушди (1962 йилда Аму–Қорақўл, 1965 йилда Аму–Бухоро машина каналининг биринчи навбати, 1975 йилда Аму–Бухоро машина каналининг иккинчи навбати). Мазкур каналларнинг сувларини жамланадиган ва улардан мавсумий фойдаланишга мўлжалланган 3 та сув омборлари (Қуйимозор, Тўдақўл ва Шўркўл) ташкил этилди. Бундай ирригация тизимининг шаклланиши Бухоро вилояти аҳолиси ва унинг хўжалигини деярли тўлиқ Амударё сувидан фойдаланиши учун имкониятлар яратди (Назаров, Аллаёров 1994). Юқоридагилар билан боғлиқ ҳолда вилоятда қатор ирригация тизимларининг шаклланиши унинг нафақат ўсимлик ва ҳайвонот дунёси биохилма-хиллигига балки, экотизимдаги туб ўзгаришларга сабаб бўлди. Жумладан, ҳайвонлар яшаш ареалларининг каналлар ва коллекторлар орқали бўлиниши, сизот сувлари сатҳининг кўтарилиши, тупроқнинг шўрланиши, айрим жойларда ксерофил ўсимлик ва ҳайвонот турлари вакиллариининг йўқолиб кетиши ҳамда майда ва мавсумий кўллар сонининг ошишига олиб келди.

Вилоятда сизот сувлари сатҳини камайтиришга қаратилган жуда кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Аммо ушбу оқова сувларнинг бир қисми Порсонкўл зовури орқали Амударё ўзанига, қолган қисми эса Замонбобо, Денгизкўл, Қорақир, Оёқоғитма, Зикри, Девхона, Хадича, Қумсултон каби қатор ташланма кўлларига ташланади. Маълумотларга қараганда вилоятдан оқова сувлар билан оқизиладиган сувлар таркибидаги турли зарарли чикитлар кўлларда тўпланиб бормоқда. Бу эса ўз навбатида экологик муҳитга салбий таъсир этиши тайин. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, сувга эҳтиёжи кам бўлган ўсимлик турлари ва навларини етиштириш, суғоришнинг замонавий усуллари, жумладан томчилаб суғоришни жорий этиш қисман бўлсада экологик муаммоларни бартараф этиш имкониятларини яратади.

Бухоро вилоятининг асосий сув манбаси Аму - Бухоро машина каналлининг (АБМК) I ва II – навбатлари ва Аму - Қорақўл канали бўлиб ҳисобланади. Биринчи навбатдаги АБМК нинг узунлиги 197 км, фойдали иш коэффиценти 80 м³/сек, иккинчи навбатдаги АБМК нинг узунлиги 245,8 км, фойдали иш коэффиценти 112 м³/сек, Аму - Қорақўл каналлининг узунлиги 55 км, фойдали иш коэффиценти 48 м³/сек. Ҳар учала каналнинг фойдали иш коэффиценти 240 м³/сек ни ташкил қилади.

Тупроқ шўрлик даражасини камайтириш, қишлоқ хўжалиги экинларининг сувга бўлган талабини қондириш учун Амударё суви ишлатилади. Суғориш жараёни, шўр ювиш натижасида катта миқдорда сизот сувлари ҳосил бўлади. Бу сувлар йиғилиб катта сунъий кўллар ҳосил бўлмоқда. Бу сувларнинг йиғилишидан қуйидаги сунъий кўллар ҳосил бўлган булар: Денгизкўл, Қорақир, Оғитма, Хадича, Девхона, Зикри, Қумсултон, Замонбобо. Бу кўлларнинг умумий майдони 100 - 110 минг/га, умумий сув ҳажми 5-6 млрд м³ ни ташкил қилади. Бу сувликлардан балиқчилик учун 1950-1960 йиллардан буён фойдаланиб келинмоқда. Балиқ маҳсулдорлиги 12-16 кг/га ни ташкил қилган. Асосан зоғора, орол кизил кўзи, туркистон мўйловдори, Самарқанд храмуляси овланган. Сув – бу ҳаёт! Унинг ўрнини ҳеч нарса боса олмайди. У тирик организмлар учун жуда чекланган, лекин жуда муҳим манба ҳисобланади.

Бухоро вилоятидаги кўллар характеристикаси

Сув сайёрамиз ҳудудининг 70 фоизини қоплайди. Шу билан бирга, ушбу миқдорнинг атиги 3 фоизи чучук сув, яъни ичиш учун яроқлидир. Музликларда жойлашгани сабабли унинг кўп қисмини ишлатиш мумкин эмас. Маълумки, XX асрнинг 2 ярмида сув захираларини ҳудудлар бўйича қайта тақсимлаш, янги ерларни ўзлаштириш ва қатор таъсирлар натижасида кўплаб сунъий антропоген кўллар ҳосил бўла бошлади. Ўрта Осиё кўлларини асосан табиий ва антропоген кўлларга бўлиш мумкин. Антропоген кўлларнинг ҳосил бўлиши инсоннинг хўжалик фаолияти билан боғлиқдир. Ирригация, гидроэнергетика, балиқчиликни

ривожлантириш мақсадларида қурилган сув омборлари, экин майдонларини суғоришда ортиқча сувларнинг ер сиртидаги табиий ҳамда очик карьерлар ўрнидаги ботиқларда тўпланиши натижасида ҳосил бўлган кўллар шу гуруҳга мансубдир. Антропоген кўллар гуруҳини кўйидаги кичик гуруҳларга ажратиш мумкин.

1. Сув омборлари (Тўдакўл, Қуйимозор, Шўркўл)

1.1. Тўдакўл сув омбори 1983 йил ташкил қилинган бўлиб, сув сиғими 875 млн м³, майдони 225,0 км², ўртача чуқурлиги 3,8 м.

1.2. Қуйимозор сув омбори 1957 йилда ташкил қилинган бўлиб, сув сиғими 306 млн м³, майдони 16,3 км², ўртача чуқурлиги 17,3 м.

1.3. Шўркўл сув омбори 1983 йилда ташкил қилинган бўлиб, сув сиғими 180 млн м³, майдони 17,0 км², ўртача чуқурлиги 8 м.

2. Ирригация ташлама кўллари (Қорақир, Оёқоғитма, Замонбобо, Хатича, Зикри, Девхона, Қумсултон, Денгизкўл)

Вилоятдаги жами зовур сувлари 8 та кўлга йиғилади. Мазкур кўллар орасидан эгаллаган майдонинг катталиги ва гидробионтларсонининг кўплиги билан Қорақир кўли алоҳида ўрин эгаллайди.

Бухоро вилояти ҳудудида жойлашган табиий сув ҳавзаларининг гидробиологиясини ўрганилганлиги тўғрисида маълумотлар кам учрайди. Бу эса кўлларни флора ва фаунасини турлар таркибини тўлиқ ўрганилмаганлидидан далолат беради. М.А. Абдуллаев (2003) ва Д.С. Ниёзов (2017) ишларида кўллар ва уларининг ҳолати, гидробиологияси тўғрисида маълумотларни кўриш мумкин.

Бухоро вилоятидаги Денгизкўл, Замонбобо, Қорақир, Оғитма, Девхона, Хадича, Зикри, Қумсултон каби кўллар коллектор сувларининг тўпланиши натижасида пайдо бўлган бўлиб, баъзиларида (Қорақир, Хадича ва Зикри) қиш ойларида сув музлаши кузатилади. Кўллар суви А.О. Алекина (1948) классификацияси бўйича хлорид-сульфатли синф, кальцийли группага киради. Замонбобо, Қорақир, Хадича ва Зикри ҳудудининг 70-80 % қамиш, кўға, ғижжак каби ўсимликлар билан қопланган бўлиб, мавсум давомида 80-

100 кг/м² яшил масса ҳосил қилади. Фитопланктонларнинг 120 тадан ортик тури учрайди. Улар 0,01 дан 0,2 мг/л гача биомасса ҳосил қилади. Зоопланктонларнинг 26 тури, зообентосларнинг 32 та турлари учрайди. Қорақир кўли Бухоро вилоятининг шимолий ғарбида жойлашган. Ёз ойларида сув парланиши билан кўлнинг 40-50 % қисми куриб қолади. Кўпгина макрофитлар нобуд бўлади. Фитопланктонлардан диатом бўлими вакиллари *Cyclotella sp*, *Synedra acus*, *Navicula sp*, *Cymbella parva*, *Nitschia gracilis* ва бошқа турлар кўплаб учрайди. Фитопланктонларнинг умумий биомассасини 60-78 % ни диатомлар, қолган қисмини яшил ва кўк-яшил сувўтлари ташкил қилади. Вегетация даврида фитопланктонларнинг биомассаси 1,1-2,6 г/м³, ёз ойларида миқдори 150-300 минг экз/л, биомассаси 5-6 г/м³ га етади.

Маълумки, Бухоро вилоятидаги суғорма ерлар учта масканда Бухоро, Қорақўл ва Қоровулбозор воҳаларида мужассамдир. Бу ердаги обикор ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш мақсадида зовурлар системаси яратилган. Уларнинг аксарияти, очик зовурлардир. Ҳар йили бир ярим куб км. ҳажмдаги зовур ва оқава сувлар воҳадан ташқарига чиқарилади. Бу турли даражада шўрлаган сувларнинг кичик қисми Катта Тузкон кўлидан Парсонқўл зовури орқали Амударё ўзанига бориб қуйилади. Қолган асосий қисми эса Денгизқўл, Қорақир, Оғитма каби ботиқларга ташланма кўлларга тўпланади.

XX асрнинг 60-70 йилларида шимолий коллектор сувининг Бухоро вилоятининг шимолий ғарбидаги чўл зонасига чиқариб юборилиши натижасида Қорақир кўли пайдо бўлган. Унинг умумий майдони ҳозирги кунга келиб 26 минг гектарни ташкил этади. Қорақир кўлида Пешку туманига қарашли 4 та балиқ овлаш билан шуғулланадиган балиқчилик хўжаликлари ташкил этилган. Балиқчилик хўжаликларининг эгаллаб турган қисми 22,5 минг гектарни ташкил қилади. “Пешкўбалиқ” М.Ч.Ж. 9000 га, “Настарин Сервис Бухоро” М.Ч.Ж. 12000 га, “Нефтьгазмонтаж” М.Ч.Ж. 1350 га, “Қорақўл балиқ агросаноат” М.Ч.Ж. 175 га. Бу хўжаликлар балиқ овлаш билан шуғулланади.

22 март – Бутунжаҳон сув куни, у Бирлашган Миллатлар Ташкилоти

томонидан 1973 йилда таъсис қилинган.

Ўзбекистонда овчилик соҳасининг ривожланиш тарихи

Овчилик соҳасининг ривожланиш тарихини ўрганиш орқали унинг бугунги ҳолатини баҳолаш имкониятини беради. Инсоният ўз тараққиётининг дастлабки давларидан бошлаб бугунги кунга қадар ҳайвонларни турли мақсадларда овлаш билан шуғулланиб келган. Ов қилиш инсоннинг энг қадимги машғулотларидан бири бўлиб, қадимда асосан озиқ-овқат ва кийим-кечакка бўлган талабни қондиришга хизмат қилган бўлса, ҳозирги вақтда ундан саноатда, тиббиётда ва бошқа соҳаларда кенг фойдаланилмоқда.

Адабиётларда республикамиз ҳудудидаги қадимги аҳолининг доимий яшаш манзилларидан (Тешиктош, Омонқўтон, Мочай, Обишир, Замонбобо, Харабодтепа ва бошқалар) *Cervus elaphus* (хонгул), *Capra sibirica* (моғ эчкиси), *Ursus arctos* (қўнғир айиқ), *Lepus tolai* (қум товушқони), *Gazella subgutturosa* (жайрон), *Sus scrofa* (ёввойи чўчқа), ёввойи от, ёввойи қўйлар ва бошқа ҳайвонларнинг суяклари топилган. Бу ҳолат бошқа манбалардаги каби республикамиз аҳолисининг қадимдан овчилик билан шуғулланганлигидан, овладиган турларнинг хилма-хиллиги ва кўплигидан далолат беради.

Мамлакатимиз ҳудудида дастлаб гўшт, тери ва мўйна берадиган ҳайвонларни овлашда махсус ов қуролларидан фойдаланилмаган ёки улар жуда содда тузилишга эга бўлган тош ва суякдан ясалган. Мазкур қуроллардан фойдаланган ҳолда ов қилиш билан Марказий Осиё халқлари жуда қадимдан шуғулланган. Ҳайвонларни овлашга оид маълумотлар Амир Темирнинг “Темир тузуклари”, Алишер Навоийнинг “Лисон ут-тайр” (“Қуш тили”), З.М. Бобурнинг “Бобурнома” асарларида келтирилган. Жумладан, З.М. Бобурнинг асарида қушларнинг миграция йўллари, овнинг турли шакллари ва услублари, лочин ови, қушларнинг хатти-ҳаракатлари ва бошқалар хусусида сўз юритилиши ҳам бундан далолат беради.

Жамият тараққиётининг кейинги босқичларида давлатлараро савдо-сотиқ алоқаларининг йўлга қўйилиши, ов қуролларининг ишлаб чиқарилиши ва такомиллашуви натижасида саноат ва спорт мақсадларида ов қилиш

усуллари шаклланиб, ривожланиб бормоқда. Дастлабки ўқотар қуроллардан фойдаланган ҳолда ов қилиш билан шаҳарларда яшовчи аҳоли шуғулланган. Қишлоқ ва овуллар аҳолиси эса турли йиртқич қушлар (*Falco pelegrinoides* (шахин), *Falco cherrug* (балобан), *Accipiter gentiles* (қирғий), *Accipiter nisus* (миққий), *Aquila chrysaetos* (бургут)) ва тузоқлардан фойдаланган ҳолда ов қилишган ва бу анъана айни вақтда ҳам Марказий Осиё халқларида сақланиб қолган.

Ўзбекистон ҳудудида ўқотар ов қуроллари пайдо бўлгунга қадар, ов қилиш усуллари ва овчилик хўжаликларига тегишли аниқ далилларга асосланган маълумотлар жуда кам. Аммо археологик қазилмалар вақтида топилган тош қуроллар ва темирдан ясалган турли ов қуроллари (найзалар, ўқ ёйлар), ёввойи ҳайвонларнинг суяклари, тошларга чизилган (петроглиф) суратлар, ов жараёнлари ифодаланган миниатюра асарлари қадимда аждодларимизнинг турли ҳайвонларни овлаш билан шуғулланганлигини исботлайди.

Қадимдан қимматбаҳо мўйнага ва ҳайвонларни овлашга ўргатилган ов қушларига эга бўлишга қизиқиш ов қилишни тўғри ташкил этишга туртки бўлган ва натижада ов соҳасининг ривожланишига, унинг муҳимлигига эътибор қаратила бошланган. Овчи қушлар, айниқса, шумкар (*Falco rusticolus*) Фарбий Европада жуда юқори баҳоланган ва ҳатто XIII-XVIII асрларда дипломатик музокаралар предметиға айланган.

XVII–XVIII асрларда ҳайвонот дунёсининг муҳофазаси билан боғлиқ фаолият таҳлили шуни кўрсатадики, жуда кўп қўриқхоналар айнан ов аҳамиятига эга бўлган турларни ва улар яшайдиган муҳитни муҳофаза қилиш мақсадида ташкил этилган. Кейинчалик уларда йўқолиб бораётган ва камёб ҳайвонлар ҳам муҳофаза қилина бошланган. Аҳоли сонининг ошиши сабабли ҳайвонларни овлашга бўлган қизиқишнинг кучайиши овчилик соҳасини ҳам тартибга солувчи қонунчиликнинг шаклланишига асос бўлган. 1730-1775 йилларда Европада табиатни муҳофаза қилишга қаратилган қатор меъёрий ҳужжатлар, жумладан, 1763 йилда “Ов тўғрисида”ги қонун қабул қилинган.

Мазкур қонунга кўра, ҳар қандай ҳайвонни 12 мартдан 9 июлгача бўлган муддатда овлаш чекланган. 1892 йилда Россияда “Ов тўғрисида”ги қонун қабул қилинган ва аммо у амалиётда тўлиқ ишламаганлиги сабабли самара бермаган. Мазкур қонуннинг амал қилиш доираси Сибирь ва Туркистон ўлкаларини камраб олмаган ва бу ерларда овчилик миллий ва маҳаллий анъаналар асосида амалга ошишда давом этган.

Собиқ иттифокда “Ов тўғрисида”ги дастлабки қонун 1920 йилда қабул қилинган бўлиб, унда тўлиқ ва қисман муҳофаза этиладиган турлар ҳамда овладиган турлар рўйхати, ов қилиш турлари ва муддатлари белгилаб берилган. Мазкур ҳужжат асосида овладиган ҳайвонларга нисбатан давлат монополияси ўрнатилган ҳамда уларнинг ҳажмига, меъёрларига, ов муддатига, ов қоидаларига зид ҳолда овланган ов маҳсулотларини сотиш таъқиқланган. Ушбу чора-тадбир овчилик хўжаликлари томонидан тайёрланадиган маҳсулотларнинг давлат томонидан сотиб олинishi, овчилик хўжалиги юритиш ва уни назорат қилиш муносабатларини тартибга солган.

А.К. Рустамов маълумотларига қараганда, Марказий Осиёнинг маҳаллий аҳолиси қадимдан ўзига хос тарзда миллий анъаналарга таянган ҳолда ов қилган ва ов жараёнида ов қушлари ва ов итларидан фойдаланган. Жумладан, Туркманистонда ов жараёнида қадимда бургут (*Aquila chrysaetos*), қирғий (*Accipiter nisus*) ва қарчиғай (*Accipiter gentiles*)лардан, ҳозирги вақтда 2 турдаги лочинлар – итолғи (*Falco cherrug*) ва саҳро лочини (*Falco pelegrinoides*)дан фойдаланилади. 1940-1950 йилларда Қорақумда моҳир овчилар итолғи билан бир овда 10-30 тагача товушқон овлаганлиги, итолғидан жайрон, йўрға тувалоқ, тувалоқ ва қирғовулни ҳам овлашда фойдаланилганлиги қайд қилинган. XX асрнинг бошларида Марказий Қорақумда овга ўргатилган яхши итолғи (*Falco cherrug*) жуда қадрланган ва унинг нархи сифатли эгар билан эгарланган битта туяга тенг баҳоланган.

Кейинги йилларда ўқотар қуролларнинг аҳолига назоратсиз ҳолда сотилиши, аксарият аҳолининг ов ва унинг мазмун-моҳияти тўғрисидаги тушунчаларга эга эмаслиги ва бу соҳада назоратнинг сустлиги уюлмаган

овчилар оммасининг шаклланишига олиб келган. Бунинг оқибатида ҳеч қандай меъёр ва чеклашларни тан олмайдиган браконъерлар деб аталувчи ёввойи табиат қушандаларининг пайдо бўлган ва бу ҳолат бугунги кунда ҳам давом этмоқда.

Ўзбекистонда 1919 йилда дастлабки овчилик хўжалиги Тошкент шаҳри ва Тошкент уездига овчилар бирлашмаси шаклида ташкил этилган. Бирлашмага давлатга мўйна, парранда гўшти ва бошқа ов маҳсулотларини етказиб бериш билан бирга, браконъерликка қарши кураш мажбурияти юклатилган. 1930 йилларда Марказий Осиёда рептилияларни саноат мақсадида овлаш ташкил этилган ва бу мақсадда айрим турлар (*Vipera lebetina* - *грюза*, *Varanus griseus* – *бўз эчкемар* ва *Echis multisquamatus* - *эффа*) овланган ва питомникларда сақланган. 1944 йилда Амударё дельтасида майдони 350 минг га бўлган Амударё ондатра ҳайвонотчилиқ ишлаб чиқариш хўжалиги ташкил этилган ва унда иқлимлаштириш орқали саноат мақсадида етиштириш учун 3345 бош ондатра келтирилган. Кейинчалик 1956 йилда Хоразм ва Тошкент вилоятларида ҳам ҳайвонотчилиқ ишлаб чиқариш хўжаликларида *Ondatra zibethicus* (*ондатра*) дан саноат ови сифатида фойдаланиш йўлга қўйилган, 1950 йилда Сирдарё вилоятига *Myocastor coypus* (*нутрия*) келтирилган ва ўша даврда жами 11 турдаги мўйнали ҳайвонлар овланган. Уларнинг мўйнаси вилоятлардаги тайёрлов идораларига сўнгра Тошкент мўйна-тери базасига топширилган.

Бугунги кунда қайд этилган турлар деярли қирилиб кетган ва фақат ондатра кам сонда сақланиб қолган. Ўзбекистонда 1970 йиллардан кейин мўйна етиштириш кескин камайган ва 2000 йилда саноат усулидаги ов амалий жиҳатдан тугатилган. 1950 йилда республикада *Vulpes vulpes*-*тулки* 54000 бош, *Meles meles*-*бўрсиқ* 1100 бош, *Ondatra zibethicus*- *ондатра* 506.600 бош овланган бўлса, 2017 йилга келиб, мазкур турлар жами 157 бош овланган (*Vulpes vulpes*-*тулки* 4 бош, *Meles meles*-*бўрсиқ* 153 бош). Ўзбекистонда 1950-1970 йилларда жадал ривожланган ва иқтисодий самарадорлиги юқори бўлган саноат усулидаги ов тури бугунги кунда амалга оширилмайди.

Овчилик хўжаликларини юритиш ва уни назорат қилиш ҳам турли даврларда турли идоралар тасарруфида бўлган. Ўзбекистонда 1959 йилда Ўзбекистон овчилар ва балиқчилар уюшмаси ташкил этилган бўлиб, у бугунги кунда ҳам фаолият юритади. Шу даврда фаолият юритган овчилар ва балиқчилар ҳарбий жамияти эса бугунги кунда ўз фаолиятини тугатган.

Маълумотлар таҳлили шуни кўрсатадики, бугунги кунда ҳайвонларни овлашнинг мавжуд бўлган асосий учта туридан (ҳаваскорлик, саноат ва спорт ови) ҳаваскорлик ови, яъни ов маҳсулотларидан асосан гўшт ва кийим-кечак сифатида фойдаланиш энг қадимги ов тури ҳисобланади. Ҳозирги вақтда ҳам Ўзбекистонда, асосан ҳайвонларни овлашда ҳаваскорлик усулидаги овдан кенг фойдаланилади.

Ўзбекистон Республикаси қўшилган “Биохилма-хиллик тўғрисида”ги Халқаро Конвенция олдидаги учта мақсад, яъни биохилма-хилликни, жумладан, ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш, ундан фойдаланиш ва олинган фойдани тенг ҳуқуқлилиқ асосида тақсимлаш овладиган ҳайвон турларини назарий ва амалий жиҳатдан чуқур ўрганишни тақазо этади.

Қорақир кўлида жойлашган овчилик хўжаликлари

1. Ўзбекистон овчи, балиқчи спорт бирлашмаси Бухоро вилоят бўлими "Қорақир" хўжалиги вилоятнинг Пешкў туманига қарашли бўлиб майдони 14175 га. Сувлик майдонига "Қорақир" табиий сув хавзаси 1-контури киради. Қорақир кўлининг катта сув қисмида Қорақир овчилик хўжалиги ташкил этилган. Кўлнинг бу қисми доимий сув билан қопланган қисми ҳисобланади (1 - расм).

2. "Нефтьгазмонтаж" овчилик хўжалиги МЧЖ майдони 8423 га. Сувлик майдонига "Қорақир" табиий сув хавзаси 3-контури киради

3. "Пешку Қорақир Қўрғони" овчилик хўжалиги МЧЖ майдони 10000 га. Сувлик майдонлари "Қорақир" табиий сув хавзасининг кўтарилиши натижасида вақтинча пайдо бўладиган кўлмаклар.

4. "Дамир Султон Файз" овчилик хўжалиги МЧЖ майдони 7039 га. Сувлик майдонига "Қорақир" табиий сув хавзаси 1-контури киради.

Бундан ташқари Қорақир кўлининг катта аквариум ҳудуди ва унинг атрофида "Қорақир" давлат буюртма маскани ташкил этилган. Бу маскан кўл атрофидаги тўқайзорларда учрайдиган турли хилдаги муҳофазага муҳтож бўлган қушлар, кемирувчилар ва сут эмизувчиларнинг айрим турларини ҳимоя қилиб кўпайтиради. Кўл ҳудуди 4 та (катта сув, шўркўл, катта аквариум ва кичик аквариум) контурга бўлинади. Кўлда учрайдиган барча гидробионтларнинг шаклланишида шимолий коллектор асосий манба бўлиб хизмат қилган. Сув ҳавзасининг атрофи юксак сув ўсимликлари бўлган қамиш, кўғалар билан қопланган бўлиб, йирик қамишли тўқайзорларни ҳосил қилган. Бу тўқайзорлар кўпчилик ҳайвонлар учун яшаш, кўпайиш маконлари бўлиб хизмат қилади.

Қорақир табиий сувлиги саёз сувликлардан иборат. Сув манбаси - Шимолий коллектор - 30-40 м³/сек, сув захираси - 1088 миллиард/м³. Айниқса, эрта баҳорда унинг майдони кенгайиб кетади. Кўлмаклар кўпаяди. Июль - августдан бошлаб кўлмаклар қуриydi. Кўп сонли табиий нерест пайтида кўпайган майда балиқлар нобуд бўлади. Балиқларни қутқариш жуда қийин. Яйлов балиқчилигини ташкил қилиш учун катта Қорақир кўли қулай. Умуман, Қорақирни балиқлантириш зичлиги 50 экз/га норма ҳисобланади. Қорақир табиий сувлиги саёз сувликлардан иборат. Сув манбаси - Шимолий коллектор - 30-40 м³/сек, сув захираси - 1088 миллиард/м³.




1 - расм. Қорақир овчилик хўжалиги

Айниқса, эрта баҳорда унинг майдони кенгайиб кетади. Кўлмаклар кўпаяди. Июль - августдан бошлаб кўлмаклар қурийди. Кўп сонли табиий нерест пайтида кўпайган майда балиқлар нобуд бўлади. Балиқларни қутқариш жуда қийин. Яйлов балиқчилигини ташкил қилиш учун катта Қорақир кўли қулай. Умуман, Қорақирни балиқлантириш зичлиги 50 экз/га норма ҳисобланади. Балиқ маҳсулдорлиги паст 0,5-1,0 кг/га. Кўлнинг суви эфтрофлашган - 60-70 % юксак сувутлари копланган, кучсиз шўрланган 8-10 г/л. Ҳозирги кунда ов таркибида *Rutilus rutilus araleysis*- орол вобласи, *Cuprinus caipio* – зоғора, *Silurus glanis* - оддий лакка, *Stizosiedion luciopersa* – оқ сла, *Aspius aspius* – оқ қайроқ балиқлари учрайди.

Кўлнинг ихтиофаунаси ҳам асосан шимолий коллектор суви ҳисобига шаклланган. Шимолий коллектор ихтиофаунаси Зарафшон ихтиофаунаси билан боғлиқ. Балиқ турлари унчалик хилма-хил эмас. Чунки, йиртқич

балиқлар жуда кўп тарқалган. Бундан ташқари балиқхўр қушлар кўплаб учрайди, бу эса балиқ турларининг йилдан йилга камайишига сабаб бўлмоқда. Ҳозирги кунда Қорақир кўлида балиқларнинг 11 тури маълум бўлиб, улардан 5 таси асосий ов объекти ҳисобланади. Балиқчилик хўжаликлари томонида ўсимликхўр балиқларни кўпайтириш амалга оширилмоқда. Балиқларни интенсив етиштириш учун ташланадиган балиқлар асосан йиртқич балиқларга озуқа бўлмоқда. Тадқиқотлар шуни кўрсатдики Қорақир кўлида ўсимликхўр балиқлар учун озуқа етарли даражада. Қорақир табиий кўли (кўллар системаси) Бухоро воҳасининг шимолий ғарбида Бухоро шаҳридан 140 км узоқликда жойлашган. Қорақир зовур–дренаж сувлари тўпланиш ҳисобига ҳосил бўлган (2 - расм).



2 - расм. Бухоро вилоятидаги овчилик хўжаликларининг географик жойлашуви

Кўлнинг асосий сув манбаси ҳисобланган Шимолий зовур Вобкент туманидан бошланиб Шофиркон, Пешкў, Ромитан туманларидан оқиб ўтади. Шу туманлардан чиқадиган сизот сувларининг барчаси шимолий коллекторга

йиғилади. Умумий узунлиги 153,9 км. Сувнинг асосий қисми буғланиш ва филтрация ҳисобига камаяди. Кўлга сув шимолий коллектор орқали 30-40 м³/сек киради. Қиш ва баҳор ойларида коллектор сувининг кўпайиши натижасида кўлнинг майдони, майда кўлмакларнинг ҳосил бўлиш ҳисобига 26,5 – 27,2 минг гектарга етади. Ёз ойларининг юқори ҳароратли кунларида буғланиш ва филтрация юқори даражага чиқади. Натижада кўлга кирадиган сув 5-10 м³/сек гача камайиши ҳисобига майдон анча қисқаради. Бундан ташқари, Шимолий коллектор сувининг пахта суғоришишларига қайтарилиши натижасида ҳам кўлга кирадиган сувнинг миқдори камайиб, кўлнинг майдони 10-12 минг гектарга қисқаради. Кўл саёз максимал чуқурлиги (Катта Қорақир) 5-7 метр, ўртача чуқурлиги 2,0-2,5 метр, минимал 0,7-1,8 метр. Максимал чуқурлиги кўлнинг 10-12% ни, ўртача чуқурлик 15-20 % ни қолган 70-80% ни минимал чуқурлик ташкил қилади. Қирғоғи нишаб қияликдан иборат. Ёзда ва куз ойларида саёз жойлари қуриydi ва эвтрофикация кузатилади. Натижада барча гидотафит ўсимликлар (хара, ғижжак, урут, шохбарг) қуриб қолади. Шу жумладан кўлдаги барча гидробионтлар – майда балиқлар ҳам нобуд бўлади. Шунингучун ҳам май – июн ойларида майда балиқларни қутқариш ишларга катта эътибор бериш лозим. Йиғилган балиқчаларни катта сувликка қўйиб юбориш зарур. Бундай майда кўлмаклар кўлнинг Аквариум бўлимида кўп. Ҳосил бўлган майда кўлмаклар ҳисобига “Настарин Севис Бухоро” МЧЖ хўжалиги майдони 12,5 минг гектарга етади.

Хадича, Зикри ва Девхона кўллар тизимидаги овчилик хўжалиги

"Бухороневтқурилиш-монтаж" овчилик хўжалиги МЧЖ. Бухоро вилояти Қоровулбозор туманига қарашли бўлиб, майдони 40 000 га. Сувлик майдонларига "Зикри", "Хадича", "Девхона" ташлама кўллари киради. Хадича кўли Бухоро вилоятидан 70 км узоқликда жанубий шарқда жойлашган. 1980-1984 йилларда Жанубий коллектор суви ҳисобидан ҳосил бўлган (3 - расм).



3 расм "Зикри", "Хадича", "Девхона" кўлларига бориладиган Гаванна кўприги



4 - расм. "Бухоронептқурилиш-монтаж" овчилик хўжалиги МЧЖ

Сув сиғими 203,1 млн м³, ҳозирги кундаги сув ҳажми 120,5 млн м³. Девхона орқали сув олади. Макрофитлардан сув кирадиган жойда қамиш, лух учрайди. Сувўтлардан уруть, рдест, рогалистик учрайди. Зоопланктон 16 турдан иборат. Коловраткалар 9 тур, кладоцералар 4 тур, копеподалар 3 турни ташкил қилади.

Хадича кўли саёз, 10-15 минг га, Аму-Бухоро каналининг ўнг томонида жойлашган, максимал чуқурлик 8 м, ўртача 2-3 м, сув ҳажми 200-300 млн.м³. "ГД" зовуридан сув олади. Сув жанубий коллектор орқали келади. Катта майдони юлғун ва унинг сув остида қолган пояси, саксовулнинг сув остига қолган қисми билан қопланган. Кўлнинг 70-80% ни макрофитлар, қамиш, лух билан қопланган. Сувўтларидан рдест қоплайди. Фитопланктон тахминан 30 тури учрайди (Сайфуллаев Г. М. ва бошқалар, 2003). Юксак даражали ўсимликлардан: *Potamogeton sp.*, *Typha angustifolia L.*, *Phragmites communis communis Trin*, *Scirpus sp* билан қопланган.



5 – расм. "Бухоронептқурилиш-монтаж" овчилик хўжалиги МЧЖ



6 – расм. "Бухоронептқурилиш-монтаж" овчилик хўжалиги МЧЖ

Сув ҳарорати ўртача йил давомида $18-22^{\circ}$ ни ташкил қилади. Йилнинг ёз фаслида ҳарорат максимал $28-30^{\circ}$ қайд қилинади, минимал ҳарорат қиш фаслида $4-6^{\circ}$ кузатилади; сув тиниқлиги $1,5-2,0$ м, қиш фаслида тиниқлик юқори $2,5-3,0$ м бўлади. Сув муҳити (рН) ўртача $7,6-7,8$ ни ташкил қилади. Сувдаги эриган O_2 анча паст $6-8$ м/л ёки $60-70\%$ тўйиниш даражасига эга юқори кўрсаткич кўлнинг очик жойида соат 15.00 да $10-12$ мг/л ёки $105-120\%$ тўйиниш (ёз пайтида аниқланган) сувнинг БПК кўрсаткичи анча юқори $8-12$ мг/л сувдаги биоген моддалар азот ва фосфор (N, P) нинг кўрсаткичи $2,0 - 2,5$ мг/л ни ташкил қилади. Умумий минералланиш кўрсаткичи $15-17$ г/л. Хатича кўлининг суви А.О.Алекин классификациясига мувофиқ (1948) хлорид сульфатли сув синфига ва кальцийли сув гуруҳига мансубдир. Макрофитларнинг маҳсулдорлиги қуйидагича: лух $30-40$ кг/м², қамиш $30-65$ кг/м², рдест $8-10$ кг/м², хара $3-5$ кг/м², юмшоқ сув ўти маҳсулдорлиги кўрсаткичи нисбатан паст. Дағал сув ўтлари ва уларнинг қолдиғи ниҳоятда

кўп. Хатича кўлининг фитопланктони асосан диатом сув ўтларидан (55-65%), кўк яшил сув ўтларидан 25-30 % ҳамда яшил сув ўтларидан (5-8 %) иборат. Фитопланктон миқдори 10-15 млн. Хуж/л, биомассаси 0,001-0,002 мг/л. Хатича кўли фитопланктонининг ялпи маҳсулдорлиги 45-50 тоннага яқин. Хатича кўлининг зоопланктони 23 турдан иборат, булар *Rotatoria* 11, *Cladocera* 7 ва *Copepoda* 5 турдан иборат.

Доминант турлар бўлиб *Synechaeta pectinata* Enrenb, *Polyartra vulgaris* Carlin, *Brachionus quadridentatu* Hermann, *Keratella quadrata* (O.F. Mull), *Diaphanosoma Brachyurum* Liesin vicinus Ulian, *Acanthocyclops* sp кабилар ҳисобланади. Зоопланктон биомассаси 1,5-2,2 г/м³.

Зообентос 17 турдан иборат бўлиб, асосан хирономид личинкалари устунлик қилади. Доминант турлардан: *Polypedilum aberrans* Jghern, *Orthocladus* sp, *Cricotopus silvestris* F, *Chironomus plumosus* L. *Cruptochironomus conjugens* K, *Pelopia villipennis* (K) Tshern.



7 – расм. "Бухоронефтқурилиш-монтаж" овчилик хўжалиги МЧЖ

Хадича кўлининг сув билан таъминланиши асосан Қарши коллектори орқали амалга оширилади. Ёғингарчиликка боғлиқ ҳолда кўлнинг майдони ўзгариб туради. Масалан, қурғоқчил келган 2000 – 2001 йилларда Хадича кўлининг 40 – 70 % қисқариб кетди. Серсув йилларда 10 – 15 минг гектарга етади. Сув танқисликларида унинг майдони 9 – 10 минг гектарни ташкил қилади. Кўл ниҳоятда ясси бўлиб, унинг чуқур жойи 6-8, ўртача 2-3 метр.

Зикри (Кемачи) кўли Бухоро вилоят Қоровулбозор туманида жойлашган, чуқурлиги 5 м, ўртача 2-2.5 м. Зикри ташлама кўл бўлиб, Бухоро шаҳридан 80 км жануби шарқда жойлашган. 1990 йилларда пайдо бўлган кўл атрофи ўсимликлар билан қопланган бўлиб, суви шўрланган. Сув олиш манбаси Девхона ўзани. Сув сиғими 80 млн м³. Ҳозирги кундаги сув ҳажми 58 млн м³ (Абдуллаева М.А., 2003). Зикри кўли оқова сувлардан ва Қарши коллекторидан асосий сувни олади. Майдони 1600 га, чуқурлиги 8 м, сув сиғими 110 млн/м³. Ёз ойларида сув сатҳи кескин тушиб кетади. Бунинг сабаби қуйиладиган сувнинг камайиши ва буғланишнинг юқори бўлишидир.

Зикри кўлида 200 га яқин тур қишлайдиган, учиб ўтувчи ва уя қурувчи қушлар рўйхатга олинган. 2000-2005 йилларда 42 турнинг қишлаши аниқланди. Бу ерда нодир қуш турларидан жингиладор бирқозон, белоглазая чернет, савка. Турли йилларда сув ҳавзасида қишловчи турлардан доминантлик қиладиганлари қашқалдоқ – *Fulica atra* ва кулранг ғоз – *Anser anser*. Кўп сонли учровчи турлардан ёввойи ўрдак – *Anas platyrhynchos*, красноголовая чернет – *Aythya ferina*, красноносый нырок – *Netta rufina*, широконоска – *Anas clypeata*, чирок-свистунок – *Anas crecca*. 2006 йилда учиб ўтишда ва уя қуришда 32 тур қайд қилинди. Булар орасида- жингиладор бирқозон – *Pelecanus crispus* ва савка – *oxiura leucocerphala*. (Лановенко Е. Н., 2008).

Девхона кўли. Бухоро вилояти Қоровулбозор туманида жойлашган. Умумий майдони (Абдуллаев М. А. ва бошқалар, 2003) 10 – 12 минг гектар, сув сиғими 250 – 300 млн/м³. энг чуқур жойи 38 – 42 метр, ўртача 15 метр.

Коллектор суви ва Қарши коллекторидан сув олади. Умуман ўсимликлари йўқ. Ниҳоятда чуқур кўл бўлганлиги учун қушлар ҳам жуда кам учрайди.

Шўркўл сув омбори овчилик хўжаликлари

1. "Ғиждувон Шўркўл" овчилик хўжалиги МЧЖ. Бухоро вилояти Ғиждувон туманига қарашли бўлиб, майдони 5014 га. Сувлик майдонига "Шўркўл" сув хавзаси қиради.

2. Ўзбекистон овчи, балиқчи спорт бирлашмаси "Шўркўл" хўжалиги. Бухоро вилояти Ғиждувон туманига қарашли бўлиб, майдони 2000 га.

Шўркўл сув омбори Бухоро вилоятининг Ғиждувон ҳамда Навоий вилоят Конимех туманлари чегарасида жойлашган бўлиб, Бухоро шаҳридан 125 км шимолда ўрнашган. Шўркўл 1983 йилда ишга тушган. Майдони 4200 - 5000 га, сув сиғими 170-230 млн м³. Энг чуқур жойи 12-13 м, ўртача 8 м. (Абдуллаев М.А 1995). Максимал чуқурлиги – 20 – 25 метр. (Тошов Ҳ., 2008). Шўркўлга 3 та манба Конимех, Зарафшон ва Аму Бухоро канали сув ташлайди. Шўркўлнинг вазифаси сувни йиғиш яъни сув омбори вазифасини бажариб, Шофиркон тумани ерларини йил давомида сув билан таъминлашдан иборат.



8 - расм. Шўркўл овчилик хўжалиги

Сув кўлнинг сув ўсимликлари билан қопланганлиги 10 % ни ташкил қилади. Ҳозирги вақтда (20 октябрь 2000) сув фақат чуқур жойда сақланган. 5-10 м³/сек сув келаяпти. Микрофитлар-сув омборининг сув келадиган канал атрофида ва сув омборининг юқори қисмида учрайди. Макрофитлардан асосан қамиш, лух учрайди. Микдори унчалик кўп эмас. Фитопланктонезда анча хилма-хил 130 дан ортиқ тур учрайди. Коловраткалар 9 тур, клодоцера 8 тур ва 5 тур копепода. Зообентослардан асосан хирономид, олигохета, моллюска пелаго бентосдан дарё қисқичбақаси, креветка ва мизид учрайди. Шўркўлнинг сув таркиби хлоросульфатли бўлиб, юқори минераллашган – 12097,3 мг/л.

Қорақўл давлат ўрмон ов хўжалиги

Қорақўл давлат ўрмон-ов хўжалиги (директори К.Боқиев, Ноёб хайвонлар парваришчиси Х.Муродов, Егер И.Олимов, Илмий ходим Б. Ботиров) 1992 йил 12-октябрдаги 469-сон Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан ўрмон-ов хўжалиги ташкил этилган. Қорақўл ДУОХ ер майдони 6473,6 га, Ўрмон билан қопланган майдон 4146,4 га, Маданий ўрмонзорлар 129 га, туташмаган ўрмонзорлар 629 га, сийрак

ўрмонзорлар 423 га, тақир ерлар 576,4 га. Хайдаладиган ерлар 21,7 га, Яйловлар 14,4 га, сувлик майдон 122,2 га, ботқоқликлар 386,7 га, йуллар 3,6 га, бошқа ерлар 150,2 га майдонни ташкил этади.

Ўрмон хўжалиининг вазифаси давлат ўрмон фонди ерига, ўрмонзорлар ташкил килиб, ўрмонзорларни сақлаб ва қўриқлаб, ўрмон ерларидан ва ресурслардан самарали фойдаланиш, кўчатхоналар ташкиллаштириш, кўкламзорлаштириш ва ободанлаштириш ишларини олиб боришдан иборат. Қорақўл давлат ўрмон-ов хўжалиги битта бўлим, бешта айланмадан ташкил топган.

Қорақўл давлат ўрмон –ов хўжалиги ўрмонзори ер майдани чегаралари – Тузкон кўли, Тўқсон ота, Қорақўл ўрмон хўжалиги, Қорақўл ихтисослашган дориворчилик ўрмон хўжалиги ва Жондор давлат ўрмон хўжалиги билан туташган.

Ўрмон хўжалигининг асосий вазифаларидан бири бўлган, ўрмон ёнғинини олдини олиш мақсадида бир қанча ишлар олиб борилмоқда. Бўлимларда ўрмон ёнғинининг олдини олиш ишларини амалга ошириш, ёнғинга қарши йўлаклар тозалаш, янгидан очиш, ўрмонзорлар билан чегарадош фермер хўжаликлари, овул фуқаролар йиғинлари, мактаблар ва фуқаралар орасида тушунтириш профилактика ишлари олиб борилмоқда.

Ўрмон хўжалиги экин ерларида қишлоқ хўжалиги экинларини экиш, майда шохли чорва моллар, асаларичилик ва паррандачиллик йўлга қўйилган.

Қорақўл давлат ўрмон ов хўжалиги ҳудудида тулки, тўнғиз, қум товушқони, чия бури, ёввойи мушук, бўрсик, типратикан каби турли туман ёввойи ҳайвонлар мавжуд. Қушлардан ўрдақлар, ғоз, қашкалдок, қирғовул, кўк кабутар, гўнг қарға, бургут ва бошқа турлар мавжуд. Ҳайвонларни бошқа турларини ҳам учратиш мумкин.



9 - расм. Қоракўл давлат ўрмон ов хўжалиги

Тузкон (Замонбобо) кўли. Бухоро вилояти Қоракўл туманида жойлашган. Саёз кўллар тизимига киради. Кўл 70 % ўсимликлар билан қопланган. Асосан тростник, лух, сувўтларидан уруть, рдест, роғолистик учрайди. Диатом сувўтлари, кўк яшил сувўтлари ҳам ўсади. Зообентос асосан харономидалар кесишмасидан иборат. Энг чуқур жойи 5-6 м, ўртача 2-3 м. Ўсимликлар билан қопланганлиги 90 %. Хара, рдест, тростник, камиш, роғоз ва бошқалар доминантлик қилади (Абдуллаев М.А. 1995).

Сув сиғими 150 млн м³. Ҳозирги кундаги сув сиғими 72 млн м³. сув олиш манбаси Марказий Бухоро зовури. Порсонкўл коллектори орқали Амударё билан туташган. Сув сиғими 250 – 300 млн/м³. кўлнинг 70-75 % юксак сув ўтлари билан қопланган. (Абдуллаев М.А. ва бошқалар, 2003). Маълумотларга кўра умумий майдони 8 минг гектар.

Вилоятда суғориладиган ерлардан тўпланган ер ости ва оқава коллектор сувлари йиғилиб, кўлларнинг ҳосил бўлишига олиб келди. Буларнинг шўрланиш даражаси, ўсимликлар қоплами бир-биридан фарқ қилади. Бухоро вилояти Олот тумани, кейинги йилларда Қоровулбозор воҳасида

суғориладиган ерларнинг кўпайиши, саноат ишлаб чиқаришнинг кенгайиши натижасида бу воҳада ҳосил бўладиган оқава ва коллектор сувлари миқдори ҳам ошиб бормоқда.

Бу эса вилоятда янги кўлларнинг сонини ортишига олиб келади. Ҳозирги кунда воҳадаги бу сувлвр йиғилиб, Қоровулбозор зовури орқали Аму-Бухоро каналини кесиб ўтиб, Қумсултон ботиғига келиб тушмоқда. Натижада бу ерда Қумсултон кўлининг шаклланишига олиб келди.


Қумсултон кўлидаги овчилик хўжаликлари

Ўзбекистон овчи, балиқчи спорт бирлашмаси Бухоро вилоят бўлимига қарашли "Қумсултон" хўжалиги, Бухоро вилояти Жондор, Олот, Бухоро туманларига қарашли бўлиб, майдони 7200 га, шундан шундан **3800** гетарни сувости ерлари, **3400 гектар** қамишзор ва қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган ер майдонларни ташкил қилади. "Қумсултон" табиий сув ҳавзасининг умумий **7200** гектар майдоннинг-**2711** гектари қисми Жондор тумани ҳудудида; шундан 2244 гектари туман захира ерлари ҳисобида, 467 гектар қисми Жондор давлат ўрмон хўжалиги ерлари;-**2855** гектар қисми Бухоро туманидаги "28803-сонли" ҳарбий қисм ерлари;-**1634** гектар қисми Олот тумани давлат ўрмон хўжалиги ҳудудида жойлашган.



10 - Расм Қумсултон кўлига сув ташлайдиган ўтказгич қувурлар

"Қумсултон" кўлининг сув сиғими 252,5 млн м³. Ҳозирги кундаги сув ҳажми 164,2 млн м³. Майдони 100 км², энг чуқур жойи 4,5 м, ўртача 2-2,2 м. Ўсимликлар деярли кўп эмас, сабаби янги кўл кўпроқ юлғун ўсган. Келгусида унинг майдони янада кенгайиши кузатилмоқда. Сабаби Когон, Бухоро, Жондор туманларидаги оқова ва коллектор сувларининг бир қисми 2009 йилдан бошлаб шу кўлга ташлана бошлади. Ҳар йили кузги -қишги, қишги – баҳорги ҳайвонларни ҳисобга олиш ҳайвонларни қишги ноқулай об ҳаво шароитида сунъий озиқлантириш, баҳорда балиқлар, ва қушларга кўпайишлари учун турли туман биотехник тадбирлар олиб борилади. Бу тадбирлар ов мавсуми тугугач ҳайвонларни муҳофаза қилиш биологик хилма хилликни сақлаш учун муҳим аҳамият касб этади.



11 - расм. Қумсултон овчилик хўжалиги харитаси

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 20 октябрдаги "Биологик ресурслардан фойдаланишни тартибга солиш ва табиатдан фойдаланиш соҳасида рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш тартиби тўғрисида"ги 290-сон қарори билан тартибга солинади.

**Ўзбекистонда овлашга рухсат этилган хайвон турларининг Бухоро
вилоятида учраши ва овланиши**

№	Ўзбекистонда овлашга рухсат этилган турлар	Ўзбекистон да расмий равишда овланган турлар	Овлашга рухсат этилган турларнинг Бухоро вилоятида учраши ва овланиши
1	<i>Sus scrofa</i> (Linnaeus,1758)	О	О
2	<i>Capra sibirica</i> (Pallas,1776)	О	Н
3	<i>Capreolus pygargus</i> (Pallas,1771)	О	Н
4	<i>Hystrix indica</i> (Kerr,1792)	О	Н
5	<i>Lepus tolai</i> (Pallas, 1778)	О	О
6	<i>Myocastor coypus</i> (Molina,1782)	О	НО
7	<i>Ondatra zibethicus</i> (Linnaeus,1786)	НО	НО
8	<i>Vulpes vulpes</i> (Linnaeus,1758)	О	О
9	<i>Canis lupus</i> (Linnaeus,1758)	О	НО
10	<i>Canis aureus</i> (Linnaeus,1758)	О	О
11	<i>Felis silvestris ssp.ornata</i> (Grey, 1832)	НО	НО
12	<i>Felis chaus</i> (Gueldenstaedt,1776)	НО	НО
13	<i>Meles meles</i> (Linnaeus,1758)	О	О
14	<i>Matres foina</i> (Erxleben,1777)	НО	Н
15	<i>Mustela vison</i> (Schreber,1777)	НО	Н
16	<i>Marmota caudata</i> (Geoffroy, 1844)	О	Н
17	<i>Phalacrocorax carbo</i> (Linnaeus,1758)	О	О
18	<i>Botaurus stellaris</i> (Linnaeus,1758)	НО	НО
19	<i>Anser anser</i> (Linnaeus,1758)	О	О
20	<i>Tadorna ferruginea</i> (Pallas,1764)	ОН	ОН
21	<i>Tadorna tadorna</i> (Linnaeus,1758)	ОН	ОН
22	<i>Anas platyrhynchos</i> (Linnaeus,1758)	О	О
23	<i>Anas crecca</i> (Linnaeus,1758)	О	О
24	<i>Anas strepera</i> (Linnaeus,1758)	ОН	ОН
25	<i>Anas penelope</i> (Linnaeus,1758)	ОН	ОН
26	<i>Anas acuta</i> (Linnaeus,1758)	ОН	ОН
27	<i>Anas querquedula</i> (Linnaeus,1758)	ОН	ОН
28	<i>Anas clypeata</i> (Linnaeus,1758)	ОН	ОН
29	<i>Netta rufina</i> (Pallas,1773)	О	О
30	<i>Aythya ferina</i> (Linnaeus,1758)	О	О
31	<i>Aythya fuligula</i> (Linnaeus,1758)	ОН	ОН

32	<i>Bucephala clangula</i> (Linnaeus,1758)	OH	OH
33	<i>Mergus merganser</i> (Linnaeus,1758)	OH	OH
34	<i>Tetraogallus himalayensis</i> (G.R.Gray,1843)	HO	H
35	<i>Alectoris chikar</i> (J.E.Gray,1830)	O	HO
36	<i>Ammoperdix griseogularis</i> (Brandt,1843)	HO	O
37	<i>Perdix perdix</i> (Linnaeus,1758)	HO	H
38	<i>Perdix dauuricae</i> (Pallas,1811)	HO	H
39	<i>Coturnix coturnix</i> (Linnaeus,1758)	HO	HO
40	<i>Phasianus colchicus</i> (Linnaeus,1758)	O	OH
41	<i>Rallus aquaticus</i> (Linnaeus,1758)	HO	HO
42	<i>Gallinula chloropus</i> (Linnaeus,1758)	HO	HO
43	<i>Fulica atra</i> (Linnaeus,1758)	O	O
44	<i>Burhinus oedicnemus</i> (Linnaeus,1758)	HO	HO
45	<i>Vanellus vanellus</i> (Linnaeus,1758)	HO	HO
46	<i>Vanellochettusia leucuraus</i> (Lichtenstein,1823)	HO	HO
47	<i>Gallinago gallinago</i> (Linnaeus,1758)	HO	HO
48	<i>Scolopax rusticola</i> (Linnaeus,1758)	HO	H
49	<i>Pterocles orientalis</i> (Linnaeus,1758)	O	OH
50	<i>Syrrhaptes paradoxus</i> (Pallas,1773)	O	OH
51	<i>Columba livia</i> (Gmelin,1719)	O	O
52	<i>Columba palumbus</i> (Linnaeus, 1758)	O	OH
53	<i>Streptopelia decaocto</i> (Frivaldszky,1838)	HO	HO
54	<i>Streptopelia orientalis</i> (Latham,1790)	HO	H
55	<i>Sturnus vulgaris</i> (Linnaeus,1758)	HO	HO
56	<i>Acridotheres tristis</i> (Linnaeus,1766)	HO	HO
57	<i>Pica pica</i> (Linnaeus,1758)	HO	HO
58	<i>Corvus monedula</i> (Linnaeus,1758)	HO	HO
59	<i>Corvus frugilegus</i> (Linnaeus,1758)	HO	HO
60	<i>Corvus corone</i> (Linnaeus,1758)	HO	HO
61	<i>Corvus cornix</i> (Linnaeus,1758)	HO	HO

Изоҳ: О – расмий равишда овланган тур; HO–учрайди, овланмайдиган тур; OH–учрайди, расмий равишда овланмаган тур; H–Бухоро вилоятида учрамайдиган тур. Мазкур рўйхатга заҳарли умуртқасиз ҳайвон турлари киритилмади.

Бухоро вилоятида овланадиган ҳайвон турларининг биоэкологик хусусиятлари

Ов аҳамиятидаги турларнинг биологик ва экологик хусусиятларини локал ҳудудларда ўрганиш, уларни муҳофаза қилиш, турлар хилма-хиллиги, барқарорлиги ва яшаш муҳитини сақлаш ҳамда

улардан оқилона фойдаланишда муҳим аҳамиятга эга. Турларнинг яшаши учун оптимал шароитларни яратишга йўналтирилган биотехник тадбирлар айнан уларнинг биоэкологик хусусиятларини ўрганиш орқалигина амалиётга жорий этилиши мумкин.

Қуйида овлаш учун рухсат этилган, овлаш таъқиқланган ва ноқонуний овладиган асосий турларнинг биоэкологик хусусиятларига тегишли материаллар келтирилган бўлиб, унда турларнинг тарқалиш хусусиятлари, уларни овлашдан кўзланган мақсад, популяциянинг ҳозирги ҳолати, турларга антропоген омилларнинг таъсири ва унинг оқибатлари ҳамда турларнинг муҳофазаланиши масалалари муҳокама қилинган.

Ёввойи чўчқа – *Sus scrofa*. Ёввойи чўчқа Ўзбекистондаги йирик ва ҳаваскор овчилар учун муҳим саналган ов объектидир. Бухоро вилоятида учровчи популяция вакилларининг биологик хусусиятлари бошқа популяциялардан деярли фарқ қилмайди. Аммо яшаш муҳитининг ўзига хослигига боғлиқ ҳолда, бу ердаги популяцияларнинг озуқа таркиби Ўзбекистоннинг тоғ ўрмонзорларида учровчи популяцияларидан ажралиб туради. Бухоро шароитида ёввойи чўчқалар озуқа таркибининг асосини қамиш ва қўғаларнинг илдиз поялари ташкил этиши қайд этилган. Шу асосда айтиш мумкинки, овчилик хўжаликларида ёввойи чўчқанинг ҳаёти тўлиқ сув ҳавзалари ва уларнинг қирғоқ зонасида қамишзорлар билан боғлиқ. Ҳавзадаги сув сатҳининг ўзгариши, чорвачилик, браконьерлик, қамишларнинг ёқиши уларнинг сонини белгиловчи асосий омиллар саналади. Айниқса кўллардаги гидрорежимнинг ўзгариши уларнинг озиқасини камайишига ва натижада озиқ излаб очиқ майдонларга, қўшни кўллар ва агроценозларга киришига ва овчиларга осон ўлжа бўлишига олиб келади.

Маълумотларига қараганда, 1977 йилда республикадаги овчилик хўжаликларида ёввойи чўчқанинг сони 5800 та бўлган. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасидан олинган маълумотларга қараганда, 2014-2017 йилларда овчилик хўжаликлари кесимида уларнинг

ўртача сони 3812 та бўлган ва шу даврда ҳар йили ўртача 74 бош овланган. Ушбу маълумотлар унинг сонини камайганлигини кўрсатади.



12 - расм. Ёввойи чўчқа – *Sus scrofa*

Бизнинг ҳисоб натижаларимизга кўра, 2014-2017 йилларда Қорақир овчилик хўжалигидаги ўртача сони 35 та бўлган, йиллик овланиш ҳажми 3,25 тани ташкил этган. “Peshku Qoraqir Qo`rg`oni” МЧЖ овчилик хўжалигида ўртача сони 30 тани, йиллик овланиш ҳажми 3,75 тани, Қорақўл ўрмон-ов хўжалигида эса ўртача сони 26 тани ташкил этган. Қайд этилган даврда Қорақўл ўрмон-ов хўжалиги, Шўркўл ва Зикри овчилик хўжаликларида ёввойи чўчқа умуман овланмаган.

Яшаш жойида табиий озуқаси камайиб кетган даврларда, баъзан кўлдаги хилват ва ҳимояланган жойлардан чиқиб, қишлоқ хўжалик экинлари экилган очиқ майдонларга, айниқса, маккажўхори далаларига озикланиш учун ўтади. 2014 йил 24 сентябрь куни Зикри овчилик хўжалигида учровчи 2 та ёввойи чўчқанинг Қоровулбозор туманининг “Бўзачи” МФЙда худудида жойлашган фермер хўжалигининг маккажўхори экилган ерларга кириб келганлиги қайд этилган.

Овчилар ва дехқонлар билан олиб борилган сўровномлар натижасида 1977-1982 йилларда Тузкон кўлидан 30-40 км узоқликда жойлашган собиқ Ўзбекистон жамоа хўжалигининг маккажўхори экилган далаларига ёввойи чўчқаларнинг озиқланиш учун келганлиги ва уларнинг айримлари овланганлиги аниқланди.

2018 йилнинг 26 май куни Қорақўлда аҳоли пунктидан узоқда жойлашган фермер хўжалигининг арпа экилган даласида 1 дона чўчқанинг излари борлиги кузатилган. 2018 йилнинг июнь ойида Бухоро вилоятидаги Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси тасарруфидаги Қорақўл доривор ўсимликлар етиштиришга ихтисослашган хўжаликда битта чўчқа овланган. Бу чўчқаларнинг агроценозларга Тузкон кўлидан келиш эҳтимоллари бор. Эҳтимол 2018 йилдаги сув тақчиллиги чўчқаларнинг озиқ излаб агроценозларга келишига сабаб бўлган бўлиши мумкин. Ўрганишлар натижасида овчилар ва браконьерларнинг Қорақир кўлидаги қамишларни ёқиш ва қўлбола тузоқ қўйиш орқали ов қоидаларини қўпол равишда бузиб ёввойи чўчқаларни овлаши ҳам аниқланди.

Мазкур ҳолатлар чўчқаларнинг браконьерлар томонидан ноқонуний овланишига сабаб бўлади ва шу асосда айтиш мумкинки, вилоятда бир йилда қанча ёввойи чўчқа овланганлигини аниқлаш имкони йўқ.

Браконьерлик билан бир қаторда, кўлларнинг қирғоқ зонасида чорва молларининг (йирик ва майда туёқли моллар ва отлар) боқилиши чўчқанинг озуқа ресурсларининг камайишига, яшаш муҳитидаги вазиятнинг ёмонлашувига ва натижада сони камайишига сабаб бўлмоқда. Айниқса, йирик шохли чорва моллари кўлнинг қамиш ва қўға ўсган соҳилидан анча ичкарига кириб озиқланиши чўчқаларнинг озуқа захираларининг камайишига ва бошпаналарининг бузилишига олиб келиши қайд этилди.

Қиш мавсумидаги қаттиқ совуқли кунларда кўлларнинг тўлиқ музлаши ҳам чўчқа ва бошқа гидрофил қушлар ҳаётига салбий таъсир кўрсатади. Жумладан, 2007-2008 йилларда қишнинг қаҳратон келиши Қорақир ва Тузкон

кўлларида бошқа ҳайвон турлари қатори чўчқаларнинг ҳам кўплаб нобуд бўлишига ва осон ўлжа бўлишига сабаб бўлган.

Бухоро вилоятидаги кўлларнинг қирғоқ қисмларида қалин қамишзорлар шаклланган. Қамишзорлар чўчқалар учун асосий озуқа, бошпана бўлиш билан бир қаторда, баҳор ва ёз ойларида қамишзорларда баъзан чигирткаларнинг кўпайиб кетиши қайд этилди. Чигирткалар ҳам чўчқаларнинг севимли озуқаси саналади. Шу нуқтаи назардан қараганда, вилоятдаги сув ҳавзалари қирғоқларида қалин бўлиб ўсган қамишзорлар ёввойи чўчқалар ҳаётида трофик ва топик аҳамиятга эга.

Таъкидлаш лозимки, яқин-яқинларгача миллий хусусиятлар билан боғлиқ ҳолда, маҳаллий аҳоли чўчқа гўштини истеъмол қилмаган ва у ҳаваскорлик мақсадида овланмаган. Бугунги кунда ушбу тур ов муддатларига риоя қилган ҳолда ва белгиланган квоталар доирасида овлаш, яшаш муҳитининг барқарорлигини сақлаш ва айрим биотехник тадбирларни ўтказиш йўли билан муҳофаза қилинади. Уни тўлақонли муҳофаза қилишда халқаро амалиётда кенг қўлланиладиган усулларни жорий этиш, жумладан, махсус кўпайтириш, ов маданиятини юксалтириш, бу ишга кенг жамоатчиликни жалб этиш ва сунъий озиклантириш каби тадбирларни амалга ошириш талаб этилади.

Бўрсик – *Meles meles*. Тунги ҳаёт кечириши, кам сонда учраши сабабли ушбу турнинг биологик хусусиятларини ўрганиш анча мураккаб. Шундай бўлишига қарамасдан, Бухоро шароитида бўрсикнинг ўзи қовлаган ёки бинолар поли тагидаги доимий уяларда яшаши аниқланди. Унинг баҳорда кўпинча май ойида 4 та бола туғиши ва шу даврда туллаши кузатилди. Унинг кўпроқ уясида унча узок бўлмаган жойдаги юксак ўсимликларининг илдизидан озуқа сифатида фойдаланиши кузатилди. Бўрсик қолдирган издан ташқари, ўсимлик илдизини ўзига хос қовлаш хусусияти ҳам бу турнинг шу атрофда учрашини кўрсатувчи белги бўлиб хизмат қилади.

2014-2017 йилларда республикадаги овчилик хўжаликларида бўрсикнинг умумий ўртача сони 3542 та бўлган (2054-6016) ва ҳар йили ўртача

126 та овланган. Тадқиқотлар натижасида, қайд этилган йилларда вилоятдаги Қорақир овчилик хўжалигида унинг ўртача сони 79 тани, ўртача овланиш ҳажми 15 тани ташкил этди. Мос равишда, Зикри овчилик хўжалигида 34; 6, Peshku Qoraqir Qo`rg`oni” МЧЖ овчилик хўжалигида 32; 4., Қоракўл ўрмон-ов хўжалигидаги 43 тани ташкил этган ва бу хўжаликда бўрсик овланмаган.

Бўрсик вилоятдаги деярли барча кўлларда учрайди. Унинг учрашини белгиловчи муҳим омил сифатида ҳавзанинг қирғоқ зонасида қамиш ва шу қаби бошқа қирғоқ ўсимликларининг бўлишини кўрсатиш мумкин. Турли касалликларни даволаш мақсадида табибларнинг тавсияларига кўра, гўшти ва ёғи учун ноқонуний овланиши қайд этилади.

Ўрганишлар натижасида 2016-2017 йилларда Шўркўл овчилик хўжалиги яқинидаги Эчкилисойда чўпонлар томонидан 5 дона бўрсикнинг уясини қазиб орқали овлангани аниқланди. 2017 йил июнь ойида “Жайрон” экомарказининг атрофидан тутилган бўрсик Бухоро давлат университетининг зоомузейига топширилган.

Аҳоли билан ўтказилган сўровномалар асосида, 1990 йилларда Шофиркон тумани Мингчинор ҳудудида жойлашган болалар оромгоҳи биноси полининг остида ҳар йили май ойида уя қуриб болалайдиган бўрсик оиласининг яшаши ва шу атрофдаги чўл билан чегарадош бўлган канал ва коллекторлар атрофида ҳам бўрсикларнинг кўплаб учраши аниқланди. 2017 йилдаги кузатувларимизда оромгоҳ ва унинг атрофидаги ерларнинг тўлиқ ўзлаштирилганлиги ва бу атрофда бўрсикларнинг учрамаслиги кузатилди.

Ҳозирги кунда бўрсиклар Кўпинча кўллар атрофидаги қамишзорларда жумладан нам ва зах жойларда одамлар фаолияти кам олиб бориладиган жойларда учратиш мумкин.



13 - расм. Бўрсик – *Meles meles*

Таъкидлаш лозимки, табиблар томонидан турли касалликларни даволаш учун беморларга бўрсик гўшти ёки ёғининг шифобахшлигини тавсия қилиниши бу тур сонининг тубдан камайишига сабаб бўлмоқда.

Қум товушқони – *Lepus tolai*. Маълумотларга қараганда, 2014-2017 йилларда республика бўйича овчилик хўжаликларида қум товушқонининг умумий ўртача сони 128443 та бўлган (111.941-140.642), ушбу даврда ҳар йили ўртача 6886 бош овланган. Қайд этилган даврда Бухоро вилоятидаги Қорақир овчилик хўжалигида ўртача сони 1680 тани, ўртача овланиш ҳажми 592 тани ташкил этди. Шўркўл овчилик хўжалигида мос равишда 793; 225, Зикрида 926; 360, Қоракўл ўрмон-ов хўжалигида 628; 70, Peshku Qoraqir Qo`rg`oni” МЧЖ овчилик хўжалигида 487; 75 та.

Маълумотларга қараганда, 1970-1975 йилларда Олот, Қоракўл ва Жондор туманлари билан чегарадош чўл зонасида товушқонлар жуда кўп бўлган ва ўша даврларда овчилар уларни асосан тунда трактор ва автомашиналар фараси ёруғлигидан фойдаланган ҳолда овлашган.



14 - расм. Қум товушқони – *Lepus tolai*

Бунда ҳар бир овчи бир тунда ўртача 10 тагача товушқон овлаган. Эндиликда бу жойларнинг табиий ландшафти тубдан ўзгарган ва ўрмонлар эса йўқолиб кетган.

Қайд этилган йилларда товушқон белгиланган ов муддатларига асосан овланган ва товушқон ови нафақат ҳаваскорлик балки саноат ови сифатида амалга оширилган. Унинг мўйнаси махсус қабул пункларида қабул қилинган ва кейинчалик қайта ишланган.

Қум товушқони сонининг кескин камайганлиги ва унинг мўйнасини қабул қилувчи ташкилотларнинг тугатилиши бу турнинг ов объекти сифатидаги аҳамиятини ҳамда товушқон овига бўлган қизиқишни пасайишига олиб келган. Сонининг камайиб кетишига сабаб бўлган омиллардан яна бири, унинг яшаш муҳитининг деградацияланиши, яъни саксовул, қандим, юлғун, янтоқ ва шу каби бошқа ўсимликларнинг ёқилғи ва ем-хашак сифатида йиғиштириб олиниши, чорва туёғи сонининг ошиши туфайли унга озуқа ва бошпана бўлувчи манбаларнинг кескин камайиши ва бошқа омиллар билан боғлиқ.

Чўл биоценозларида қум товушқонининг табиий душманлари саналган тулки ва чиябўрилар сонининг ошганлиги “йиртқич-ўлжа” типдаги биотик алоқаларнинг кескинлашувига олиб келса, бу жойларда чорва моллари туёғининг ошиши трофик муносабатларнинг рақобат кўринишида намоён бўлишига сабаб бўлмоқда. Ҳар иккала вазият ҳам товушқонлар сонининг камайишида намоён бўлади. “Йиртқич-ўлжа” типдаги алоқалар чўпонларнинг итлари ва йиртқич қушлар томонидан ҳам содир этилади. Жумладан, 2004 йил май ойида Қоракўл туманининг Хўжам-Сайёд худудида уркининг 1 та жўжали уясида ўлдирилган товушқон боласи топилди.

Қум товушқонининг ҳаёти овланадиган бошқа турлар каби, сув ҳавзалари билан бевосита боғлиқ эмас. Унинг асосан ўрмон фондига тегишли ерларда яшашини инobatга олган ҳолда айтиш мумкинки, қум товушқонини муҳофаза қилиш ва самарали фойдаланишни тўғри йўлга қўйишда ўрмонни химоя қилиш соҳасидаги муаммоларни ҳал этиш долзарб саналади. Шу нуқтаи назардан қараганда, ов объекти сифатида қум товушқонини муҳофаза қилишда ўрмончилик ва овчилик хўжаликларининг ўз фаолиятларини мувофиқлаштирган ҳолда олиб бориши, ўрмонлаштириш ва яйловларни қайта тиклаш масалаларига эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ.

Тулки – *Vulpes vulpes*. Маълумотларга кўра, 2014-2017 йилларда республика бўйича овчилик хўжаликларида тулкининг умумий ўртача сони 4301 та бўлган (2953-5830). Овланиш ҳажми эса жуда кам, яъни 2014-2015 йилларда республикадаги овчилик хўжаликларида умуман овланмаган, 2016-2017 йилларда мазкур хўжаликларда жами 11 бош тулки овланган. Бухоро вилояти шароитида тулкининг биологик хусусиятлари яхши ўрганилмаган. Тадқиқот давомида унинг каналлар ва эски карьерлар қирғоғига, тепаликларнинг ён бағрига қурилган бир нечта уялари топилди. Май ойларида унинг уяларида тўлиқ шаклланган болалари борлиги аниқланди. 2014 йилнинг 11 май куни Шофиркон туманининг Мингчинор худудидаги эски карьер қирғоғидан топилган тулки уяси олдидан қирғовулнинг пат ва парлари, эчкемарнинг боши, Ўрта Осиё чўл тошбақасининг косалари қолдиғи топилди.



15 расм. Тулки – *Vulpes vulpes*

Унинг уй паррандаларига хужум қилиши, овчилик хўжаликларига тухум босаётган қушлар, уларнинг тухум ва жўжаларини нобуд қилиши бир неча бор қайд этилди. Мазкур ҳолатлар унинг озуқа таркиби жуда хилма-хиллигидан далолат беради.

Ҳисоб натижаларига кўра, 2014-2017 йилларда Бухоро вилоятидаги Қорақир овчилик хўжалигида тулкининг ўртача сони 93 тани, Шўркўлда 51 тани, Зикрида 32 тани, Қоракўл ўрмон-ов хўжалигида 73 тани, Peshku Qoraqir Qo`rg`oni” МЧЖ овчилик хўжалигида 71 тани ташкил этди. Ушбу даврда Peshku Qoraqir Qo`rg`oni” МЧЖ овчилик хўжалигида жами 25 бош тулки овланган.

Г.И Ишунин ва Х.С. Салихбаев Самарқанд вилоятида 1950 йилда 11384 та, 1960 йилда 7406 та тулки териси тайёрланганлигини ва худди шунга ўхшаш кўрсаткичлар республиканинг бошқа вилоятларида ҳам қайд этилганлигини, тулкининг сон динамикаси озуқа микдорининг динамикасига (кемирувчилар, товушқон) боғлиқлигини таъкидлайди. Юқоридагилардан кўриниб

турибдики, Ўзбекистонда тулкининг сони камайиб кетиши билан бирга, овланиш ҳажми ҳам кескин камайган.

Кейинги йилларда тулки, шунингдек, чиябўриларнинг овчилик хўжаликлари ва аҳоли яшаш жойлари яқинида йиғилиши ҳисобига уларнинг сони йилдан-йилга ошиб бормоқда ва айрим салбий ҳолатларнинг намоён бўлишига олиб келмоқда. Аҳоли билан ўтказилган ёзма ва оғзаки сўровномалар ҳам буни тасдиқлайди. Бундай вазиятни шаклланиши саноат ови сифатидаги аҳамиятининг йўқолиши сабабли деярли овланмаслиги ҳамда табиий яшаш муҳитларида озуқа ресурсларининг камайиб кетганлиги билан изоҳланади. Ҳозирги вақтда республикада саноат овининг йўқлиги тулки ва чиябўрининг ов объекти сифатидаги аҳамиятининг йўқолишига ҳамда сонини бошқариш йўналишидаги ишларнинг етарли даражада бажарилмаслигига сабаб бўлмоқда.

Чиябўри – *Canis aureus*. Кейинги йилларда Ўзбекистонда, жумладан Бухоро вилоятида чиябўри сони ошиб бормоқда. 2014-2017 йилларда республикадаги овчилик хўжаликларида чиябўрининг умумий ўртача сони 3789 та бўлган (678-6106). Мазкур даврда республика бўйича фақат 2015 йилда 100 донга чиябўри овланган. Чиябўрининг яшаш муҳити, хатти-ҳаракатлари, ов объекти сифатидаги аҳамияти ва бошқа экологик хусусиятлари тулкиларникиги ўхшаш, аммо унинг сони тулкига қараганда кўпроқ. Давлат статистика қўмитасининг ҳисоботларига кўра, 2017 йил овчилик хўжаликларида 2953 бош тулки, 4382 бош чиябўри ҳисобга олинган. Ўзбекистон овчи ва балиқчилар спорт бирлашмасининг ҳисоботида эса шу йили 600 бош тулки, 3283 бош чиябўри ҳисобга олинганлиги қайд этилади. Қўмита ва бирлашманинг ҳисоботларидаги кўрсаткичлар бир-бирига мос келмайди, худди шундай маълумотлар бошқа турларнинг умумий сони ва овланиш ҳажмлари тўғрисидаги ҳисоботларда ҳам учрашини таъкидлаш мумкин.



16 - расм. Чиябўри – *Canis aureus*

Аҳоли билан олиб борилган сўровномалар XX асрнинг 60-йилларида чиябўрининг Бухоро шаҳри атрофида ҳам кенг тарқалганлигини, кейинчалик унинг сонини бошқариш бўйича олиб борилган профилактик тадбирлар натижасида унинг бу ерлардан йўқолиб кетганлигини кўрсатади. Тадқиқотларимизда унинг аҳоли пунктларига яқин жойларда озиқланишда учраши ва тунги пайтлари паррандаларга хужум қилиши оқибатида баъзан хўжаликларга зиён етказиши қайд этилди. Мазкур ҳолатларнинг тунда содир бўлиши кузатилади. Бу эҳтимол унинг маданий ландшафтларда яшашга мослашганлиги ва сонининг ошганлиги билан боғлиқ.

2014-2017 йилларда Қорақир овчилик хўжалигида чиябўриларнинг ўртача сони 171 тани, Шўркўлда 73 тани, Зикрида 55 тани, Қоракўл ўрмон-ов хўжалигида 112 тани, Peshku Qoraqir Qo`rg`oni” МChJ овчилик хўжалигида 113 тани ташкил этди.

Ҳозирги вақтда чиябўри саноат ови сифатидаги аҳамиятини йўқотганлиги сабабли жуда кам сонда овланади. Масалан, 2014-2017 йилларда вилоят бўйича жами 30 бош чиябўри овланган (Peshku Qoraqir Qo`rg`oni” МЧЖ овчилик хўжалиги).

1990 йилларга келиб саноат овининг бутунлай тугаши, табиий яшаш муҳитларининг деградацияланиши Бухоро вилояти шароитида чиябўри ва тулкиларнинг яна қайта урболандшафтлар атрофида озикланиш учун йиғилишига ва баъзан парррандачиликка зиён етказишига сабаб бўлмоқда. Иккинчидан, тулки ва чиябўриларнинг аҳоли яшаш жойлари яқинида учраши, уларнинг дайди ит ва мушуклар ҳамда бошқа ҳайвонлар билан трофик алоқада бўлиши турли хавфли касалликларнинг (қўтир, кутириш) тарқалиши ва юқишига олиб келиши мумкин. Жумладан, 2002 йилда Угом-Чотқол миллий боғи ва Чотқол қўриқхонаси давлат инспекторлари, ўрмончилар ҳамда маҳаллий аҳоли томонидан мазкур боғ ва қўриқхонада бўри, чиябўри ва тулкиларнинг қўтир касаллиги билан касалланиб нобуд бўлганлиги, 2010 йилда Паркент ўрмон хўжалигида қўтир билан касалланган тулки ва чиябўрилар борлиги қайд этилган. Шу асосда мазкур масалани бартараф этиш йўналишидаги профилактик тадбирларни, яъни тулки, чиябўри, дайди ит ва мушуклар сонини бошқаришни йўлга қўйиш зарур.

Ғозсимонлар – Anseriformes. МДХ давлатларида, жумладан, Ўзбекистонда учровчи сувда сузувчи қушлар овланадиган турлар орасида ўзининг тур таркиби ва овланиш ҳажми бўйича юқори кўрсаткичга эга.

Сувда сузувчи қушларнинг, жумладан, ов аҳамиятига эга бўлган турларнинг ов хўжаликларига тегишли сув ҳавзаларидан ташқари бошқа кўлларда, жумладан, Тўдакўл ва Қуйимозор сув омборларида, Денгизкўл ва бошқаларда ҳам учиб ўтиш, қишлаш ва уя қуриш даврида учраши тўғрисида жуда кўп маълумотлар бор. Ғозсимонларга тегишли турларга оид маълумотлар кўп бўлишига қарамасдан, улар мазкур турларнинг ов объеклари сифатидаги ўрнини (ов қилинадиган ҳудудлар бўйича тарқалиши, сони, овланиш ҳажми, уларнинг яшаш муҳитларига турли омилларнинг таъсири, муҳофазаланиши) ёритиб бериш учун етарли эмас.

Бухоро вилоятидаги сув ҳавзалари сув ва сув олди қушларининг яшаши ва айниқса миграцияси даврида муҳим аҳамиятга эга. Е.Н. Лановенко, Э.Ш. Шерназаров, А.К. Филатов маълумотларига кўра, орнитологик буюртмахона

мақомига эга бўлган Рамсар рўйхатига ва Мухим орнитологик ҳудудлар рўйхатига киритилган Денгизкўлда 1986 йилда 504 мингта, 2009 йилда 9500 та сувда сузувчи қушларнинг учраши қайд этилган. Кейинги йилларда вилоятдаги сув ҳавзаларида сув ва сув олди қушларининг тур таркиби ва сонида юз бераётган ўзгаришларни Орол денгизида ва умуман ирригация тизимида содир бўлаётган ўзгаришлар натижаси сифатида баҳолаш мумкин. Бу ўз навбатида орнитофауна трансформацияси билан боғлиқ ҳолда, Бухоро вилоятидаги сув биоценозларини муҳофаза қилиш масалаларининг долзарблигини янада оширади.

Овчилик соҳасига тегишли ҳисоботларда ғозсимонларнинг фақат овланиш ҳажми тўғрисидаги маълумотлар учрайди ва улар ҳам турлар кесимида эмас, балки умумий тарзда, яъни ғозлар ва ўрдақлар шаклида берилган. Ўзбекистонда 7 турдаги ғозлар, 20 турга мансуб ўрдақларни овлашга рухсат берилганлигини ҳисобга олганда, ушбу маълумотлар умумий хусусиятга эга бўлиб амалиётда фойдаланиш имконини бермайди. Шу сабабли тадқиқотлар давомида вилоятда овланадиган ғозсимонлар турларининг овчилик ҳўжаликлари кесимида тарқалиши ва ўртача йиллик сони ўрганилди.

Бухоро вилоятида ва республикамизнинг бошқа вилоятларидаги овчилик ҳўжаликларида ҳам ғозлардан асосан кўк ғоз (*Anser anser*) овланади ва у овланиш ҳажми бўйича ҳам етакчи ўринни эгаллайди. Овчилик ҳўжаликларининг ҳисоб натижаларига кўра, 2014-2017 йилларда Ўзбекистонда ғозларнинг ўртача сони 232.640 та бўлган (209.630- 272.742). Шу давр мобайнида республика бўйича ўртача ҳар йили 9342 та ғозлар овланган.

Қорақир овчилик ҳўжалигида 2014-2017 йилларда кўк ғознинг ўртача сони 1834 тани ва овланиш ҳажми эса 925 бошни ташкил этди. Мос равишда: Шўркўл овчилик ҳўжалигида 420; 168 та, Зикри овчилик ҳўжалигида 1.809; 517 та, Қорақўл ўрмон-ов ҳўжалигида 231; 31та, Peshku Qoraqir Qo`rg`oni” МЧЖда 1267; 337 та.



17 – расм. Кўк ғоз *Anser anser*

Тадқиқотлар натижасида вилоятдаги сув ҳавзаларига кўк ғозларнинг асосан қишлаш учун учиб келиши, уя қуришда жуда кам сонда учраши аниқланди. Унинг тухум қўйилган уялари 2001 йил 5 апрелда Қорақир кўлида ($n=3$), 2008 йил 28 март куни Тўдакўл сув омборининг дамба қисмида топилди ($n=2$). Топилган уялар орасидаги ўртача масофа 30 метрни ташкил этди. Уяларнинг сув сатҳидан баландлиги 10-20 см.ни, уялар кенглиги 65-75 см.ни, уя косасининг чуқурлиги 18-14 см.ни, уя косасининг эни 40-47 см.ни, тухумли уялардаги тухумлар сони 6-8 тани ташкил этди. Тухумларнинг ($n=14$) ўртача морфометрик ўлчамлари қуйидагича: оғирлиги ўртача 156,5 гр (142,0-170,0); узунлиги 86,5 мм (84,5-88,5); эни 59,3 мм (56,0-61,2).

Ҳисоботлар таҳлилига кўра (2014-2017й.), республика бўйича ўрдакларнинг сони 1.604.516 та бўлган (1.314.200-1.751.140) ва улардан ҳар йили ўртача 50844 бош ўрдаклар овланган. Таъкидлаш лозимки, ўрдакларнинг сони бўйича ҳисоботлар тур даражасида эмас, балки умумий тарзда берилганлиги сабабли қайси турдан қанча миқдорда овланганлигини, қайси турнинг сони ошган ёки камайганини аниқлашнинг ҳамда овлаш учун

квоталарни илмий асосда белгилашнинг имкони йўқ. Бундай ҳолат турдан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш тадбирларини амалга оширишда кийинчилик туғдиради.

Тадқиқот давомида нафақат Бухоро вилоятидаги овчилик хўжаликларида, балки Ўзбекистондаги бошқа овчилик хўжаликларида ҳам кенг тарқалган ва кўп овладиган 4 турдаги (Олмабош – *Netta rufina*, Қизилбош – *Aythya ferina*, Ёввойи ўрдак – *Anas platyrhynchos*, Чуррак – *Anas crecca*) ўрдакларнинг овчилик хўжаликларидаги сони ва овланиш ҳажми тўғрисида материаллар йиғилди.



18 – расм. Олмабош – *Netta rufina*



19 - расм. Қизилбош – *Aythya ferina*



20 – расм. Ёввойи ўрдак – *Anas platyrhynchos*



21 – расм. Чуррак – *Anas crecca*

Ўрдақларнинг сони аниқлаш бўйича ўтказилган ҳисоб натижаларига кўра, 2014-2017 йилларда Қорақир овчилик хўжалигида юқорида қайд этилган 4 турга мансуб ўрдақларнинг ўртача йиллик сони 10488 тани, овланиш ҳажми 3755 тани ташкил этди. Мазкур кўрсаткичлар мос равишда: Шўркўл овчилик хўжалигида 7209, 827; Зикри овчилик хўжалигида 7042, 1655; Қоракўл ўрмон-ов хўжалигида 2357, 296; Peshku Qoraqir Qo`rg`oni” МЧЖ да 5122, 187 та.

Ов мавсумида учровчи сувда сузувчи қуш турлари ва уларнинг сон динамикаси кескин ўзгарувчан хусусиятга эгалиги аниқланди. Бундай ўзгаришлар нафақат йиллар кесимида, ҳатто баъзан сутка давомида ҳам қайд этилди. Жумладан, баъзи сутка давомида қўлда ғоз ёки ўрдақларнинг турлари ва сони жуда кўпайиб кетса, баъзида кескин камайиши ёки умуман учрамаслиги кузатилди. Бу ҳолат эҳтимол, қўлларнинг ўзаро яқин жойлашганлиги сабабли қушларнинг суткалик кўчиб юришлари, қўлнинг

трофик ва топик алоқалардаги тутган ўрни, антропоген омиллар зўриқишига берилганлик даражаси ва бошқа омиллар билан боғлиқ.

Ўрдакларнинг вилоятдаги Қорақир, Тузкон, Хадича ва Зикри каби кўлларда ҳамда бошқа кичик ташлама кўлларда уя қуриб кўпайиши аниқланди. Кўпайиш даврида эса жуда кам сонда бўлса ҳам, доимий тарзда учраши кузатилади. Эҳтимол, мазкур хусусиятларни миграция, овчилар босими ва бошқа омиллар таъсирида қушларнинг кўлларабо кўчиб юриши, уя қуриш жойлари танлангандан сўнг кўчиб юришнинг кескин камайиши билан изоҳлаш мумкин.

Бундай кўчиб юришлар баъзан ўрдакларнинг қиш мавсумида аҳоли пунктлари яқинида, жумладан, шўр ювиш мақсадида суғорилган далалар, айниқса, бедапоёлар, кичик кўллар ва коллекторларда учрашига сабаб бўлади. Қиш совуқ келган йилларда ўрдакларнинг, айниқса, чурракнинг суғорилган далаларда тез-тез учраши ва овчилар томонидан овланишини аниқланди. Яшаш муҳитидаги салбий ўзгаришлар ғозсимонларнинг ўзлари учун ноқулай бўлган жойларда озикланиш ва дам олишда учрашига сабаб бўлиши аниқланди. Жумладан, Бухоро шаҳридаги сил диспансери ёнида шаклланган ташландиқ кўлда 07.01.1996 й. 2 та ва 22.03.1996 й. 5 та ёввойи ўрдакларнинг учраши кузатилди.

Қашқалдоқ – *Fulica atra*. Қашқалдоқ Ўзбекистонда кенг тарқалган ва ўтроқ ҳолда яшовчи тур бўлиб, республика бўйича унинг йиллик ўртача сони 2014-2017 йилларда 628.957 тани (487.445- 814.350), ўртача йиллик овланиш ҳажми 11040 тани ташкил этди. Бухоро вилоятидаги овчилик хўжаликларида ушбу даврда қашқалдоқнинг ўртача сони ва овланиш ҳажми қуйидагича: Қорақир овчилик хўжалигида ўртача сони 5896 та, овланиш ҳажми 650 та, Шўркўлда ўртача сони 7171 та, овланиш ҳажми 158 та, Зикрида ўртача сони 10899 та, овланиш ҳажми 1125 та, Қорақўл ўрмон-ов хўжалигида ўртача сони 2253 та, овланиш ҳажми 50 та, Peshku Qoraqir Qo`rg`oni” МЧЖ овчилик хўжалигида ўртача сони 3495 та ва бу хўжаликда қайд этилган йилларда қашқалдоқ овланмади.



22 – расм. Қашқалдоқ – *Fulica atra*

Қашқалдоқ қиш мавсумида вилоятдаги сув ҳавзаларида кўп сонда учрайди, аммо кўпайиш даврида сони кескин камаяди, айрим кўлларда уя куриб кўпаяди. Унинг 6 та тухумли уяси 2000 йилнинг 15 май куни Қорақир кўлидан топилди, ушбу кўлда 2000 йил 7 июль куни қашқалдоқнинг 4 та жўжаси билан сузиб юргани кузатилди. 2000 йил 25 июнь куни Вобкент балиқчилик хўжалигида топилган қашқалдоқ уяси йиртқичлик оқибатида нобуд қилинганлиги аниқланди, яъни уяда қашқалдоқнинг пат-парлари, уя атрофида сувга тушган тухум топиб олинди. 2001 йил 25 май куни мазкур кўлда 8 та тухум, шу уядан 5 метр узоқликда яна олтита тухум босиб ётган қашқалдоқ уяси топилди. Топилган уяларнинг сув сатҳидан баландлиги 20-30 см.ни ташкил этди, уя материали сифатида эса қамиш ва қўға баргларида фойдаланилганлиги аниқланди. Уяларнинг ўлчамлари қуйидагича: эни 38,0 см., бўйи 15,0 см., чуқурлиги 5,5 см. Тухумларнинг ўлчамлари (n=20) қуйидагича: узунлиги ўртача 50,5 мм (49,2-51,5), эни ўртача 32,9 мм. (20,8-34,2), оғирлиги ўртача 32,2 гр. (30,0-35,5).

Биз тадқиқотларимиз давомида кўлларда бирор бир турнинг қашқалдоқ каби жуда кўп сонда йиғилишини қайд этмадик. Жумладан, 13.10.2005 й. Хадича кўлининг шимолий қирғоқ билан чегара қисмида 400 мингдан ортиқ қашқалдоқларнинг жуда зич ҳолатда учраши кузатилди. Қашқалдоқ вилоятдаги барча сув ҳавзаларида, қиш ва баҳор ойларида баъзан суғорилган далаларда ва ҳатто шаҳарлардаги кичик сунъий кўлларда кам сонда (5-10 тагача) учрайди.

Катта қоровой – *Phalacrocorax carbo*. Ўрганилган овчилик хўжаликларида катта қоровойнинг ўртача сони ва овланиш ҳажмлари куйидагича: Қорақир овчилик хўжалигида ўртача сони 872 та, овланиш ҳажми 242 та, мос равишда Шўркўлда 656; 85, Зикрида 1170, 172 та, Қоракўл ўрмон-ов хўжалигида 22, Peshku Qoraqir Qo'rg'oni" МЧЖ овчилик хўжалигида 462. Охирги иккита хўжаликда 2014-2017 йилларда катта қоровой овланмаган.



23 - расм. Катта қоровой – *Phalacrocorax carbo*

Катта қоровойнинг кўпайиш даврида вилоятдаги балиқчилик хўжаликларида ва бошқа кўлларда колония ҳосил қилган ҳолда учраши қайд этилди. Унинг кўпайиш даври иқлим шароитига қараб, февраль ойининг охири

ва март ойининг бошларидан бошланади. Уясини сувдаги юлгун ва саксовулларга куради. Уялар бир-бирига яқин баъзан ёнма-ён тегизиб, баъзан ярус ҳосил қидиб устма-уст қурилади. Уяларнинг сув сатҳидан баландлиги 50-140 см гача бўлади. Уянинг ташқи девори турли ўсимликларнинг шох-шаббалари, ички девори эса сув ўтлари, қамишнинг юмшоқ қисмларидан ташкил топади. Уялардаги тухумлар ($n=14$) сони 2-3 та, тухумлар узунлиги 55,6х66,4 мм. (61,0 мм.) эни 37,0х42,5мм. (39,5 мм.).

Катта қоровой спорт ва ҳаваскорлик овининг объекти бўлишига қармасдан, гўштининг сифатсизлиги сабабли деярли овланмайди. У вилоятдаги балиқчилик хўжаликларида балиқ билан озиқланиши сабабли хўжаликка етказадиган зарарини камайтириш мақсадида жуда кам сонда овланади. Бундай овни турнинг сонини бошқариш йўналишидаги ов сифатида баҳолаш мумкин.

Қорабовур – *Pterocles orientalis*. Тадқиқот ўтказилган йилларда вилоятдаги Қорақир овчилик хўжалигидаги ўртача сони 735 тани, овланиш ҳажми 242 тани ташкил этди. Мос равишда Шўркўлда 867, 200, Зикрида 2262, 676, Peshku Qoraqir Qo`rg`oni” МЧЖ да ўртача сони 325 та. ни ташкил этган, овланмаган. Қоракўл ўрмон-ов хўжалиги эгаллаган майдонда қорабовурнинг учраши қайд этилмади, аммо улар Қоракўл туманида кам сонда учраб туради.

2015-2017 йилларнинг сентябрь-октябрь ойларида қорабовурларнинг 10-50 тадан иборат гуруҳларини вилоятнинг Қоравулбозор туманидаги фермер хўжаликларининг кузги буғдойдан бўшаган далаларида озиқланишда ва учиб ўтишда учраши бир неча маротаба қайд этилди. 26.04.2016 йилда мазкур туман чегарасида жойлашган “Жайрон” питомнигида ҳар бири 20 тагача қушдан иборат бўлган бир нечта гуруҳи қайд этилди. Питомникнинг муҳофаза мақомига эгаллиги ва унинг ҳудудида кўлларнинг бўлиши қорабовурларнинг яшаши учун қулайлик яратади. Қорабовурнинг сони Қоравулбозор туманида вилоятдаги бошқа туманларга қараганда кўп.



24 - расм. Қорабовур – *Pterocles orientalis*

Бу ҳолат мазкур туманнинг асосан кузги буғдой етиштиришга ихтисослашганлиги, фойдаланиш учун қулай сув ҳавзаларининг мавжудлиги ҳамда табиий муҳитнинг қорабовурларнинг яшаши учун нисбатан қулайлиги билан изоҳланади.

Маълумотларга кўра, ҳозирги вақтда вилоятда қорабовурлар сони камайиб кетган. Бизнингча, бу вазият уларни режасиз ва кўп сонда овлаш билан эмас, балки яшаш муҳитининг антропоген трансформацияси билан узвий боғлиқ.

Кўк каптар – *Columba livia*. Жуда кўп сонда овладиган тур бўлишига қарамай, кейинги 4 йил ичида вилоятда уни овлаш учун квоталар белгиланмаган. Шундай бўлишига қарамай, ҳар йили қиш мавсумида аҳоли пункларидаги турар жой бинолар чордоқидан жуда кўп миқдорда овланиши қайд этилди. Бугунги кунда республикамизда каптарлар худди шунингдек, аҳоли яшаш муҳитларига яқин жойларда браконьерлик усулида овладиган бошқа турларни ҳам назорат қилиш имкони чекланган.



25 - расм. Кўк каптар – *Columba livia*

Чил каклик *Ammoperdix griseogularis* Ўзбекистоннинг тоғли ҳудудлари, қолдиқ тоғлар ва жануби-шарқий Қизилқумда учрайди. Каклик ўтроқ ҳаёт кечирази, вақти-вақти билан озуқа, сув ёки ёғингарчилик шароитлари билан боғлиқ бўлган кичик масофага кўчиши мумкин. Масалан, ёзги жазирама иссиқ бошланиши билан у тоғ этакларидан юқорига, сув ва булоқлар кўп бўлган жойга кўчиб ўтади.

Товуқсимонлар орасидан кам учрайдиган моногам оилалар ҳосил қилади. Чучук сув бўлмаганда шўр сувни ҳам ичади. Уяси озгина чўп ва қуриган ўтлар билан қопланган чуқурчадан иборат бўлиб, буталар ёки қоялар остига қуради. Маҳаллий овчилар томонидан овланади. Яшаш муҳити ўзгариши, кўриқ ерлар ўзлаштирилиши натижасида чил каклик ареали тобора қисқариб кетмоқда. Чил какликнинг озиқланиши бўйича маълумотлар кам. Баъзи хўрозлари тухум босишда ҳам иштирок этади. Тош ва буталар остига ёки қалин ўтлар орасига уя қуради. Май ойида урғочиси 8 тадан 24 тагача тухум қўяди, июнь ойида тухумларидан жўжалари очиб чиқади. Ўнинчи куни аста уча бошлайдилар.



26 – расм. Чил каклик *Ammoperdix griseogularis*

Баъзи хўрозлари тухум босишда ҳам иштирок этади. Тош ва буталар остига ёки қалин ўтлар орасига уя қуради. Май ойида урғочиси 8 тадан 24 тагача тухум қўяди, июнь ойида тухумларидан жўжалари очиб чиқади. Ўнинчи куни аста уя бошлайдилар. Бир неча оила жўжалари бирлашиб кишни бирга ўтказадилар. Ўсимликларнинг яшил қисмлари, уруғлари, хашаротлар, тут мевалари билан озиқланади. Эркаклари урғочиларидан ранглари билан фарқланмайди. Қиш ойларида тоғларнинг пастки қисмларига ва қалин қор ёққанда қояли жанубий қияликларга тўпланадилар.. Тумшуклари қа оёқлари ёрқин қизил рангда.

Маълумотларга қараганда каклик 16 та кенжа тур ҳосил қилади. Улардан Ўрта Осиёда *Alectoris kakelik shestoperovi* Sushk (Ғарбий Копеттоғ), *A. k. laptevi* Dem. (Катта Балханлар, Устюрт, Манғишқлоқ), *A. k. subpallida* Sar. (Қизилқум тоғлари, Хисор тизмасининг жануби-ғарбий қисмлари), *A. k. korovviakovi* Sar. (шарқий Копеттоғ ва Туркманистоннинг жануби-ғарбий тоғлари), *A. k. falki* Hart. (Помир Олой ва Ғарбий Тянь-Шань), *A. k. pallescens* Hume (Бадахшон), *A. k. dzungarica* Sushk. (Жунғор олатоғ ва Тарбағатай), *A. k.*

pallida Hume. (Қирғизистоннинг жануби-шарқий қисмларида).

Баъзида кузда дон экинлари майдонларида озиқланса ҳам каклик қишлоқ хўжалигида фойдали қушлар сирасига киритилади, чунки у кўплаб зараркунанда ҳашаротларни еб фойда келтиради. Каклик сеvimли ов объекти ҳисобланиб ҳар йили тоғли ҳудудларда овчилар томонидан кўплаб овланади.

Бухоро вилоятида Оёқ оғитма кўли атрофлари кўп сонда учрашини кузатилди. Бунинг асосий сабаби бу кўл атрофида қолдиқ тоғларнинг учраши билан характерланади.

Ноқонуний овладиган ҳайвон турлари.

Овчилик хўжалиги ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан оқилона фойдаланишга доир биотехник тадбирларни ўтказиш, ёввойи ҳайвонлар сонининг ҳисобини ҳамда тутиладиган ёввойи ҳайвонларнинг ҳисобини юритиш, шунингдек юридик ва жисмоний шахсларга овчилик хизматлари кўрсатиш билан боғлиқ фаолиятни амалга ошириш учун ов қилиш жойлари ҳудудида ташкил этилади. Аммо Бухоро вилоятида кўпгина турдаги ҳайвонлар ноқонуний равишда овланган. Уларнинг айримлари жуда кам сонда овланади. Жумладан, *Canis lupus*- бўри ҳар икки уч йилда 1-2 дона овланса, *Felis libyca*-чўл мушуги 5-10 дона овланади, бошқалари эса ҳар йили даврий равишда, айримлари эса кўп сонда овланиши қайд этилади. Улар орасида овлашга рухсат этилмаган *Merops persicus* кўк қурқунак ва “Ўзбекистон Қизил китоби”га киритилган балиқлар, судралиб юрувчилар, қушлар, ҳамда сут эмизувчилар синфи вакиллари турларнинг учраши ҳам аниқланди. Мазкур турларнинг тегишли рухсатномасиз овланишини ҳисобга олган ҳолда, бундай овни браконьерликка тенглаштириш мумкин.

Маълумки, овлашга рухсат этилган турлар махсус муҳофаза мақомига эга эмас ва улар овчилик хўжаликларида маълум даражада муҳофаза қилинади ҳамда ноқонуний овланиши назорат қилинади. Хўжаликлар эгаллаган майдон ташқарисида ов объектларини ва умуман ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва назорат қилиш фаолияти бугунги кун талабларига жавоб бермайди. Шу асосда айтиш мумкинки, Ўзбекистонда йўқолиб кетиш хавфи остидаги

турларни муҳофаза қилиш бўйича ҳаракатлар Дастури доирасида олиб борилаётган чора-тадбирлар ҳали ҳам етарли даражада эмас.

Бўри, қашқир (*Canis lupus*) — итсимонлар оиласига мансуб йиртқич сут эмизувчи ҳайвон. Европа, Осиё ва Шимолий Америкада тарқалган. Ўзбекистоннинг чўл, даштлари, ўрмон, тўқай, тоғ ва тоғ этакларида тарқалган; қор ва муз билан қопланган баланд тоғлар ва тундрада ҳам яшайди. Бўри қоялар орасига, тўқайлик ва жарликларга, қуруқ қамишзорларга уя қуради. Тулки инларидан ҳам фойдаланади. Бўри уясида болалайди ва болаларини парвариш қилади. Чорвачилик туманларида подалардан узоққа кетмайди. Бўри январ ойидан бошлаб урчийди. Урчиш вақтида эркаклари урғочисини таллашиб қаттиқ уришади. Бўри моногам ҳайвон. Жуфти узоқ муддат сақланиб қолади. Ҳомиладорлик даври 62 - 65 кун. Ёш бўри 3-5 та, қариси 6-8 та, баъзан 10-13 та бола туғади. Боласини 5-6 ҳафта эмизади. Боласи 3 ҳафталигида инидан чиқа бошлайди. Урғочиси эмизикли даврида эркаги овқат олиб келиб туради. Болалари гўшт билан озиқланишга ўтгандан сўнг она бўри ҳам ўлжа тутиб кела бошлайди. Август охиридан бошлаб ёш бўрилар ҳар хил майда кемирувчиларни тутиб ея бошлайди. Сентябрда катталари билан биргалашиб, уй ҳайвонларини ва ёввойи ҳайвонларни ов қилишга ўрганади. Ноябрьга қадар 10-15 та бури гала бўлиб юради. Ўлжа топиш қийин бўлиб қолганда битта ёки иккитадан бўлиб, тарқалиб кетади. Эркаги 2 ёшида, урғочиси 2—3 ёшида вояга етади. Бўри 15-16 йил яшайди. Йилида икки марта — баҳор ва кузда туллайди. Бўри кучли, чидамли ва чаққон, ҳид билиш ва эшитиш органлари яхши ривожланган ҳайвон. Гўшт билан озиқланади, баъзан олма, қовун, тарвуз каби меваларни ҳам ейди. Асосан, уй ҳайвонлари ва ёввойи ҳайвонлар, қуён, юмронқозиқ каби кемирувчилар, қушлар, ҳатто ўлимтиқлар билан озиқланади. Бўри жуда очкўз, иккитаси битта қўйни еб қўйиши мумкин. Подага ҳужум қилганда кўп қўйни нобуд қилади. Бир нечта Бўри биргаликда ёки туда бўлиб ов қилади. Қутурган ва очикқан бўрилар одамга ҳам ҳужум қилиши мумкин. Бўрининг 12 та кенжа тури бор. Ўрта Осиёнинг чўл, дашт ва паст тоғларида чўл бўриси (*Canis lupus campestris*), Помир тоғларида тибет бўриси (*Canis*

lupus laniger) кенжа турлари яшайди. Баъзан қора Бўри ҳам учрайди, унинг териси қимматбаҳо ҳисобланади. Ўзбекистонда чўл бўриси тарқалган. Бухоро вилоятида Қорақир кўли атрофида бир икки йилда бир жуфт бўрилар пайдо бўлади, моҳир овчилар томонидан отиб олинади. Акс ҳолда чорвачиликга катта зиён етказади. Бухоро вилоятидаги Қорақир кўли атрофидаги чорва подасига ҳужум қилиб бир тунда 80 бош қўй қўзиларни бўғизлаб ташлаганини гувоҳи бўлдик.



27 - расм. Бўри *Canis lupus*

Чўл мушуги (сабанча) - *felis lybica* Чўл мушуги уй мушугига ўхшаса ҳам, анча катталиги ва рангининг турғунлиги билан фарқ қилади. Чўл мушуги нисбатан кичик йиртқич ҳайвон. Урғочиси эркагидан кичикроқ. Танасининг узунлиги (думсиз) 50-60 см га етади, думи 28-35 см бўлади. Танасининг сарғиш-қўнғир тусда, орқа томони юмалоқ қорамтир доғлар билан қопланган, думида 6-8 та қорамтир ҳалқа бор. Африка, Ўрта ва Марказий Осиёда, Кавказбуйи, Жануби-шарқий Европада тарқалган. Айрим чўл мушуклари биринчи бўлиб 10000 йил олдин хонакилаштирилган ва уй мушугининг авлоди бўлган. Ўзбекистон барча ҳудудларда, яъни чўлларда, кўллар

якинидаги қамишзорларда, тоғ этакларида, камдан-кам ҳолда тоғларда тарқалган. Адирларда, ўтли ва тошли ёнбағирларда, қояли дараларда учрайди. Қизилқумнинг жануби-шарқий қисми ва Айдаркўлнинг атрофида кўп тарқалган. Чўл мушуги Нурота тоғ тизмасининг марказий ва ғарбий қисмларида денгиз сатҳидан баландлиги 1800 м гача учрайди. Қояларнинг ёриқларида, ғорларда, ҳарсанг тош уюмларида, жарликларда ўзига бошпана топади. Кўпайиш даврида тулки, жайра, бўрсиқларнинг ташландиқ инларида яшайди. Чўл мушуги асосан тунги ҳаёт кечиради. Кемирувчилар, кушлар, калтакесаклар, йирик ҳашаротлар билан озиқланади, резавор мева, жийда ва бошқа ўсимликларни ейди. Айрим ҳолларда товуқларни ўғирлайди. Ов вақтида секин ўлжанинг олдига бориб, кўкқисдан ташланади. Дарахтларда бемалол юради ва кушларни дарахтларда тутиб олиши мумкин. Ўрта Осиёда чўл мушуги феврал-март ойларида жуфтлашади. Одатда 1та урғочига 2-3та эркак мушук тўғри келади, шунинг учун улар ўртасида доимо урушлар бўлади. Апрель-май ойларида урғочи одатда 2-5 та (кўпинча 3та) мушукчалар туғади. Мушукчалар онаси билан 5-6 ойгача бирга яшайди. Эркаги насл тарбиясида иштирок этмайди.



28 - расм. Чўл мушуги *Felis libyca*

Ондатра – *Ondatra zibenthicus*. Ондатра - сув ҳавзалари ва камишзорларда яшайдиган йирик кемирувчи. Танаси семиз, боши катта эмас, ковоктумшук, қулоғи калта, орқа оёғида сузиш пардаси бор. Панжалари орасида парда борлиги ва думи ён томонларида яссилашган, узун бўлганлиги учун ондатра яхши сузади ва шўнғийди. Оғирлиги ўртача 1-1.5 кг (1.8 кг гача), танасининг узунлиги 23-26 см, думининг узунлиги 18- 26 см. ранги қўнғир, жигарранг ёки қора. Эркаги ва урғочиси ранги ва катталиги билан ажратилмайди. Мўйнаси жуда қалин, бу эса танаси сув ўтказмаслигини билдиради. У доимо жунини парвариш қилади: мой билан ёғлайди ва тарайди. Ондатранинг ватани Шимолий Америка, Европага биринчи марта 1905-йилда олиб келинган ва бугунги кунгача жуда яхши мослашиб, Евросиёнинг ўрта қисмида, яъни Ғарбий Европадан то Узоқ Шарқгача тарқалган. Бизнинг республикамизга 50 йил олдин олиб келинган. Ҳозир Ўзбекистоннинг барча текислик сув ҳавзалари - қўллар, дарёлар ва каналларда тарқалган. Айдар-Арнасой қўллар тизими, унинг сони сув сатҳининг ўзгаришига ва браконьерлик туфайли доимо ўзгариб туради. Ондатра яхши шўнғийди ва сузади, сув остида 15 дақиқа туриши мумкин. Кам сувли, қишда музламайдиган сув ҳавзаларини, оқмас ёки секин оқимли, сув сатҳи доимий ва қирғоғи ўсимликга бой жойларда яшайди. Оила бўлиб инларда яшайди. Баланд қирғокларда инлар қуради, ер ости йўлларнинг 2-3 дан 10 м гача узунлиги. Инга кириш сув остида жойлашган ва ташқаридан кўринмайди, ин камералари сув сатҳидан баландроқда жойлашган. Баъзан ин камералари икки қаватли ва йўллар билан бирлашган бу сув сатҳининг ўзгариш ходисалари билан боғлиқ. Энг совуқ вақтларда ҳам инида доимо илиқ бўлади. Ботқоқли қирғокларда ондатра 1-1.5 м баландликда балчиқ билан ёпиштирилган камишпоялар ва лухдан «хоначалар» қуради. Кундалик яшайдиган инлардан ташқари сузадиган озиқа майдончаларни қуради. Турли хил сув ўсимликлари билан, баъзан итбалиқлар, қурбақалар, майда балиқлар билан озиқланади. Ондатранинг урғочиси йилнинг илиқ даврида 4-5 та марта насл келтиради. Эркаги урғочига озиқани келтиради, наслни яшаб кетишини осонлаштиради.

Одатда бир наслда 7-8 та болалар бўлади, 10 кунда улар сузишни, бир ойда эса мустақил озиқа топадилар. Ёш ондатралар ота-онаси билан қишлагга қолади, баҳорда эса тарқалиб кетади. Ондатра муҳим овладиган хайвонлардан ҳисобланади, мўйнаси учун овланади.

Бухоро вилоятида кенг тарқалган тур бўлиб, овчилик хўжаликларидан ташқари, кўллар ва коллектор-зовурларда учрайди. Уни овлаш кеч куздан бошланиб, то қишнинг охирига қадар давом этади.

Мўйнасига бўлган талабнинг юқорилиги сабабли 1985-2000 йилларда жуда кўп миқдорда овланган. Меъёридан ортиқча овлаш, овни назорат қилишнинг сустлиги, коллектор-зовурларда сув сатҳининг кескин пасайиши ва баъзан ёз ойларида қуриб қолиши бугунги кунда ондатра сонининг камайишига ва айрим жойларда умуман йўқолиб кетишига олиб келаётганлиги аниқланди.

Саноат овининг тугатилиши, унинг мўйнасига бўлган талабнинг пасайишига қарамасдан, республика бўйича, жумладан, Бухоро вилоятда бу турнинг браконерлик усулида овланиши овланиши қайд этилди. 2018 йил декабрь ойида Қорақир кўлида 98 бош ондатранинг ноқонуний овлаганлиги аниқланди. Вилоятдаги коллекторларда ҳар йили бу турнинг ноқонуний равишда овланиши кузатилади. Маълумотларга қараганда, 2019 йилда Ўзбекистондан овланган 1505 та ондатра мўйнасининг қўшни Қозоғистонга ноқонуний олиб ўтаётганлиги аниқланган.



29 - расм. Ондатра – *Ondatra zibenthicus*

Охирги йилларда ондатранинг балиқ билан озиқланиш орқали балиқчилик соҳасига зиён етказиши, ирригация тизимларида биозарарланишда иштирок этиши тўғрисида турли фикрлар бор. Бизнингча мазкур масалалар илмий асосда чуқур ўрганишни тақазо этади.

Кўк куркунак – *Merops persicus*. Кўк куркунак Ўзбекистонга уя қуриш учун учиб келувчи тур саналади. Унинг Бухоро вилоятига учиб келиши апрель ойининг иккинчи ўн кунлигига, учиб кетиши эса октябрь ойининг охирларига тўғри келади. Кўк куркунак асаларичиликка зиён етказиши сабабли, асаларичилик билан шуғулланувчи тадбиркорлар уни асосан пневматик куроллардан фойдаланган ҳолда олишади. Бу турнинг овланиши овнинг амалдаги турларига унча мос келмайди. Бундай овни турнинг сонини бошқариш мақсадида амалга ошириладиган ноқонуний ов сифатида тавсифлаш мумкин.



30 - расм. Кўк куркунак *Merops persicus*

Ўзбекистон Республикаси Қизил китобига киритилган ҳайвонлар

“Ўзбекистон Қизил китоби”га киритилган сут эмизувчилар, қушлар, судралиб юрувчилар, ҳамда балиқлар синфи вакиллариининг биологик таснифи. Ўзбекистоннинг биринчи Қизил китоби 1983 йилда нашр қилинган бўлиб, унга умуртқали ҳайвонларнинг 63 тури киритилган эди. Фанлар академиясининг саъй-ҳаракатлари билан юртимиз фаунасининг шу кундаги аҳволини ва кўпгина ҳайвонлар турлари мақомини баҳолашга имкон берувчи жуда бой маълумотлардан 2016 йилда нашр қилинган Қизил китобга сут эмизувчиларнинг 30 тури (кенжа турлар билан 32), қушларнинг 48 тури (кенжа турлар билан 51), судралиб юрувчиларнинг 16 тури, балиқларнинг 17 тури (кенжа турлар билан 18), ҳалқасимон чувалчангларнинг 3 тури, моллюскаларнинг 14 тури (кенжа турлар билан 15) ва бўғимоёқлиларнинг 60 тури (кенжа турлар билан 61) киритилган. Қизил китобнинг янги нашрига кенжа турлар билан биргаликда сутэмизувчиларнинг 30, қушларнинг 52 тури, судралиб юрувчиларнинг 21 тури, балиқларнинг 18 тури, ҳалқасимон

чувалчангларнинг 3 тури, моллюскаларнинг 15 тури ва бўғимоёқлиларнинг 67 тури киритилган.

Ов қилишга тақиқ белгиланган Ўзбекистон Республикаси
Қизил китобига киритилган қушлар ва сүтэмизувчи ҳайвон
турларининг рўйхати **2 жадвал**

Ўзбек тилида	Русс тилида	Илмий (лотин)
Сүтэмизувчилар	Млекопитающие	Mammalia
Узун игнали кирпи	Длинноиглый еж	<i>Hemiechinus hypomelas</i>
Кичик такабурун	Малый подковонос	<i>Rhinolophus hipposideros</i>
Бухоро туншапалак	Бухарская ночница	<i>Myotis bucharensis</i>
Оқ қоринли ўқ қулоқ	Белобрюхий стрелоух	<i>Otonycteris hemprichi</i>
Кенг қулоқли қат-қат лаб	Широкоухий складчатогуб	<i>Tadarida teniotis</i>
Кўк суғур	Сурок Мензбира	<i>Marmota menzbieri</i>
Виноградов қўшоёғи	Тушканчик Виноградова	<i>Allactaga vinogradovi</i>
Гептнер митти қўшоёғи	Карликовый тушканчик Гептнера	<i>Salpingotus heptneri</i>
Қорсак	Қорсак	<i>Vulpes corsac</i>
Сариқ сассикқўзан	Степной хорек	<i>Mustela eversmanni</i>
Олақўзан	Перевязка	<i>Vormela peregusna</i>
Тяншон қўнғир айиқ	Тянь-Шанский бурый медведь	<i>Ursus arctos isabellinus</i>
Асалхўр	Медоед	<i>Mellivora capensis</i>
Ўрта Осиё кундузи	Средноазиатская выдра	<i>Lutra lutra seistanica</i>
Сиртлон	Полосатая гиена	<i>Hyaena hyaena</i>
Қум мушуги	Барханный кот	<i>Felis margarita</i>
Манул	Манул	<i>Felis manul</i>
Қорақулоқ	Каракал	<i>Caracal caracal</i>
Туркистон силовсини	Туркестанская рысь	<i>Lynx lynx isabellinus</i>
Қоплон	Леопард	<i>Panthera pardus</i>
Илвирс (Қор қоплони)	Снежный барс	<i>Panthera uncia</i>
Хонгул (Бухоро бўғуси)	Бухарский олень	<i>Cervus hanglu bactrianus</i>
Морхўр	Винторогий козел	<i>Capra falconeri</i>
Устиюрт қўйи (Арқал)	Устиюртский баран	<i>Ovis vignei arcal</i>
Бухоро қўйи	Бухарский горный баран	<i>Ovis vigei boharensis</i>
Тяншон тоғ қўйи	Тянь-Шанский горный баран	<i>Ovis ammon karelini</i>
Қизилқум архари	Баран Северцова	<i>Ovis ammon severtzovi</i>

Сайғоқ (Оқ куйрук)	Сайгак	<i>Saiga tatarica</i>
Жайрон	Джейран	<i>Gazella subgutturosa</i>
Кулан	Кулан	<i>Equus hemionus</i>
Қушлар	Птицы	Birds
Пушти сақоқуш	Розовый пеликан	<i>Pelecanus onocrotalus</i>
Жингалак сақоқуш	Кудрявый пеликан	<i>Pelecanus crispus</i>
Қорабузов- кичикқоравой	Малый баклан	<i>Phalacrocorax pygmaeus</i>
Кичик оқ қарқара	Малая белая цапля	<i>Egretta garzetta</i>
Сариқ қарқара	Желтая цапля	<i>Ardeola ralloides</i>
Туркистон оқ лайлаги	Туркестанский белый аист	<i>Ciconia Ciconia</i>
Қора лайлак	Чёрный аист	<i>Ciconia nigra</i>
Қошиқбурун	Колпица	<i>Platalea leucorodia</i>
Қоравой	Каравайка	<i>Plegadis falcinellus</i>
Қизилғоз	Фламинго	<i>Phoenicopterus roseus</i>
Вишилдоқ оқ қуш	Лебедь-шипун	<i>Cygnus olor</i>
Қийқирдоқ оқ қуш	Лебедь-кликун	<i>Cygnus Cygnus</i>
Оқ пешонали кичик ғоз (Чинкироқ ғоз)	Гусь-пискулька	<i>Anser erythropus</i>
Қизилтомоқ ғоз	Краснозобая казарка	<i>Branta ruficollis</i>
Мармар чуррак	Мраморный чирок	<i>Marmaronetta angustirostris</i>
Олақанот	Белоглазый нырок (Белоглазая чернеть)	<i>Aythya nyroca</i>
Оқбош ўрдақ	Савка	<i>Oxyura leucocephala</i>
Сувқийғир	Скопа	<i>Pandion haliaetus</i>
Узун думли сувбургут	Орлан-долгохвост	<i>Haliaeetus leucorhynchus</i>
Оқ думли сувбургут	Орлан-белохвост	<i>Haliaeetus albicilla</i>
Болтаютар	Бородач	<i>Gypaetus barbatus</i>
Журчи (Кал жўрчи)	Стервятник	<i>Neophron percnopterus</i>
Қумой	Снежный сип (Кумай)	<i>Gyps himalayensis</i>
Оқ бошли қумой	Белоголовый сип	<i>Gyps fulvus</i>
Тасқара	Чёрный гриф	<i>Aegypius monachus</i>
Илонхўр бургут	Змееяд	<i>Circus gallicus</i>
Чўл бўқтаргиси	Степной лунь	<i>Circus macrourus</i>
Чўл бургути (Қорақуш, ғажир)	Степной орёл	<i>Aquila nipalensis</i>
Катта олачипор бургут	Большой подорлик	<i>Aquila clanga</i>
Қиронқора	Могильник	<i>Aquila heliaca</i>
Бургут	Беркут	<i>Aquila chrysaetos</i>
Қирғий бургут	Ястребиный (длиннохвостный) орёл	<i>Hieraetus fasciatus</i>

Кичик бургут	Орёл-карлик	<i>Hieraaetus pennatus</i>
Куйка (чўл миккийси)	Степная пустельга	<i>Falco naumanni</i>
Итолғи	Балобан	<i>Falco cherrug</i>
Лочин	Сокол-сапсан	<i>Falco peregrinus</i>
Маллабош лочин (Сахро лочини)	Шахин (Рижоголовый сокол)	<i>Falco pelegrinoides</i>
Зарафшон қирғовули	Зарафшанский фазан	<i>Phasianus colchicus</i>
Оқ турна	Стерх (Белый журавль)	<i>Leucogeranus leucogeranus</i>
Тўхта тувалоқ	Дрофа (Дудак)	<i>Otis tarda</i>
Бизғалдоқ	Стрепет	<i>Tetrax tetrax</i>
Йўрға тувалоқ	Дрофа-красотка (Джек)	<i>Chlamydotis macqueenii</i>
Чўл жиктоғи	Степная тиркушка	<i>Glareola nordmanni</i>
Тарғоқ	Кречётка	<i>Chettusia gregaria</i>
Катта ветеренник	Большой веретенник	<i>Limosa limosa</i>
Катта узунбурун (Узунбурун балиқчи)	Большой кроншнеп	<i>Numenius arquata</i>
Ингичка тумшукли Балиқчи	Тонкоклювый кроншнеп	<i>Numenius tenuirostris</i>
Осиё моки лойхўраги	Азиатский бекасовидный Веретенник	<i>Limnodromus semipalmatus</i>
Қорабош балиқчи	Черноголовый хохотун	<i>Larus ichthyaetus</i>
Оқбовур	Белобрюхий рябок	<i>Pterocles alchata</i>
Қора каптар	Бурый голубь	<i>Columba eversmanni</i>
Гуррак	Обыкновенная горлица	<i>Streptopelia turtur</i>

Изоҳ: Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ов қилиш ва ов ҳўжалигини юритиш Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 8 июлдаги “Ов қилиш ва овчилик ҳўжалиги тўғрисида” ЎРҚ-627-сон Қонунига мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг Қизил китобида киритилган камёб ва йўқолиб бораётган ёввойи ҳайвонлар турларини табиий яшаш муҳитидан ажратиб олишга ушбу Қонун қоидаларига мувофиқ алоҳида тартибда, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг ҳулосаси инобатга олинган ҳолда ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори асосида Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан бериладиган рухсатнома бўйича йўл қўйилиши мумкин.

Бухоро вилояти ва унга чегарадош ҳудудларда олиб борилган шахсий кузатишларимиз, илмий изланишларимизга асосланиб вилоят ҳудудида ов маданияти, ов қилиш тўғрисидаги билим ва кўникмаларининг пастлиги туфайли баъзи овчиларимиз томонидан “Ўзбекистон Қизил китоби”га

киритилган айрим ҳайвонларни қонунга ҳилоф равишда овланишини гувоҳи бўлдик.

Жайрон - *Gazella subgutturosa*. Кузатишларимиз натижасида жайроннинг вилоятдаги мустаҳкамланган қумликлар, тошлоқ ясси тепаликларнинг шувок ўсадиган жойларида нисбатан кўпроқ учраши аниқланди. Асосан, кундузи озукланади, кечаси дам олади, ёз фаслида эса эрталабки ва кечки соатларда, баъзан тунда ҳам фаол бўлади. Кундуз кунлари қум тепаларининг оркасида ёки буталарнинг соясида дам олади. Одатда озиқланиш ва дам олишда кичик подалар ҳосил қилади ва бундай подалар ёзда 4-7 тадан, қишда 8-10 таси бир бўлиб юради, баъзан жуфт-жуфт бўлиб ёки алоҳида-алоҳида ҳолида учрайди.

Баҳорда ёввойи ҳолда ўсувчи бошоқли ўсимликлар, ёзда шўradoшларларнинг турлари ва шувоклар, қуз ва қиш ойларида ўсимликларнинг самони, буталарнинг мева, уруғ ва шохлари билан озиқланиши кузатилди.

Жайронинг озуқа мўл жойларга кўчиб юриши, ичимлик сифатида кўллардан ташқари, артезиан қудуқлари ва коллекторлардан фойдаланиши сабабли, вилоятнинг чўл зонасида тарқоқ ҳолда тарқалади. Бундай тарқалиш уларнинг браконьерлик усулида ва чўпонлар томонидан овланишига, бу овни назорат қилишнинг мураккаблашувига олиб келмоқда. Ўрганишлар натижасида чўпонларнинг янги туғилган жайрон болаларини чўпон итлари ёрдамида ушлаб олиш ҳоллари қайд этилди.

Қорақўл ўрмон-ов хўжалигида ўтказилган кузатишлар натижасида у ерда ярим тутқунликда яшовчи жайронларнинг томоқ соҳасида яра пайдо бўлаётганлиги натижасида ҳам нобуд бўлиши аниқланди. Айни вақтда бу касалликнинг олдини олиш бўйича профилактик тадбирларнинг амалга оширилмаслиги кузатилди. Эҳтимол шундай касалланиш табиий шароитда яшовчи жайронларда ҳам учраши ва уларнинг нобуд бўлишига сабаб бўлиши мумкин.



31 - расм. Жайрон - *Gazella subgutturosa*

Зарафшон қирғовули – *Phasianus colchicus*. Зарафшон дарёси ва Қашқадарё воҳаси: Самарқанд, Бухоро, Навоий ва Қашқадарё вилоятлари. Ўзбекистондан ташқарида: Тожикистон. Европа, Ғарбий ва Ўрта Осиё, Афғонистон, Хитой Корея ва Узоқ Шарқда – бошқа кенжа турлари. Яшаш жойлари. Тўқайзорлар, соҳилбўйи қамишзорлари, суғориладиган ерлар (кўчиш). Сони. 1960-1970 йй. кескин қисқариб, ареали жанубида умуман йўқ бўлиб кетган. Ҳозирда сони барқарорлашган (жами 5 мингга яқин) бўлсада, бироқ муҳофаза чораларига боғлиқ (Зарафшон кўрикхонасида – 2 мингга яқин). Ўтган асрнинг 90-йилларида Зарафшон кўрикхонасида 3.5 минг атрофида яшаган. 2015 йилга келиб уларнинг сони 1,6 мингтагача камайиб кетган. Пахта экин майдонларининг қисқариши ва уларнинг донли ҳамда сабзавот экинлари билан алмашиши туфайли қирғовуллар агроландшафтларда жойлашиб ола бошлади ва бу одатий тус олди. Айни пайтдаги аниқ сони маълум эмас, 20 мингдан ортиқ дея тахмин қилинади. Яшаш тарзи. Полигам. Инини ерга қуради. Март-июль ойида 4-16 та тухум қўяди ва 23- 24 кун босиб ётади. Полопонлари август-сентябрь ойларидадан уча бошлайди. Ҳашаротлар,

чаканда мевалари ва ўтларнинг уруғлари билан озиқланади. Чекловчи омиллар. Тўқайзорларнинг қисқариши, сувлоқлар йўқлиги, ёнғинлар, тошқинлар, браконьерлик, 1960-1970 йилларда пестицидларнинг ҳаддан ташқари кўп қўлланилиши. Кўпайтириш. Зарафшон қўриқхонасида кўпайтириш тажрибаси мавжуд. Муҳофаза чоралари. Овлаш тақиқланган. Зарафшон қўриқхонасида муҳофаза остига олинган

Бухоро вилоятида кенг миқёсда, яъни агроценозлар саналади. Кейинги йилларда донли экинлар майдонининг кенгайиши бу турнинг кўпайиши ва озиқланиши учун бироз қулайлик яратилишига ва сонининг ошишига олиб келмоқда. Бу каби турларнинг маданийлашган ландшафтларда учраши табиий яшаш жойларидаги шароитларнинг ўзгариши билан узвий боғлиқ бўлиб, уларнинг ноқонуний овланишига ҳам сабаб бўлади.



32 - расм. Зарафшон қирғовули – *Phasianus colchicus*

Уяларини ерга, канал ва ариқларнинг қирғоғидаги қалин бутазорларга, буғдой ва беда экилган далаларга қуради. Аммо буғдой ва беда экилган далаларга қурилган уяларнинг аксарияти ўрим даврида ёки бошқа сабаблар

билан nobуд бўлиши қайд этилди. Баъзан тухум босиб ётган қушларнинг дайди ит ва мушуклар томонидан nobуд қилиниши кузатилади. Тухумдан чиққан жўжажар жуда чаққон бўлиб, хавф сезилганда уясида чикиб қалин ўтлар ичида яшириниб олади.

Бухоро вилоятида уни овлаш асосан, ноябрь ойида, пахта далаларидаги ўзапояларни қирқиш даврида ҳамда агроценозлар атрофидаги қамишзорларда амалга ошади.

Вишилдоқ оққуш Лебедь-шипун *Cygnus olor*

Амударё сув ҳавзаси (уялаш); Қизилқум чўли (кўчиш), Бухоро вилояти (уялаш, учиб ўтиш, қишлаш). Ўзбекистондан ташқарида: Евроосиёнинг шимоли. Уялаш ва учиб ўтиш йўлида асосий ҳудудлар – Судочье, Ҳадича ва Денгизкўл кўллари, қишлашда – Ҳадича ва Денгизкўл. Яшаш жойлари. Денгиз қирғоқлари, ташлама сув кўллари ва сув омборлари. Сони. 1950-йилларда жанубий Оролбўйида кўп учрар эди, ҳозирда яшаш жойларининг айримларида йўқ бўлиб кетган. Амударё дельтасида 2000 йиллар бошида 300–400 га яқин жуфти уялаган, эндиликда бу кўрсаткич анча камайди. Бир неча юзтаси кичик (2–15) галаларда учиб ўтади ва қишлайди. Ҳозирги вақтда Судочье кўлида 100 жуфт атрофида уяласа, Мошанкўл ва Хўжакўлда 10 га яқини уялайди ва учиб ўтиши қайд қилинади. Бухоро вилоятида кейинги ўнйилликларда сони ортиб бормокда. У ерда тахминан 250 жуфти уяласа, турли йилларда 4 мингдан ўртиқ қишлаб қолади. Денгизкўл ва Ҳадича кўлида камида 200 жуфти уялайди, тахминан 3–4 мингтаси қишлайди. 2000–2005 йилларда минтақада 800 га яқини қишлаган. Муҳофаза чоралари. Овлаш тақиқланган. Судочье ва Денгизкўл (уялаш), Тузкон, Қорақир (учиб ўтиш) ва Денгизкўл (қишлаш) буюртмахоналарида муҳофаза остига олинган.



33. Расм Вишилдоқ оққуш - *Cygnus olor*


Оқ пешонали кичик гоз. *Anser erythropus* Амударё ва Сирдарё ҳавзалари, Оролбўйи жануби, Денгизкўл, Айдаркўл, Чордара, Толимаржон, Жанубий Сурхон сув омбори (учиб ўтиш, қишлаш) ва Термиз яқинидаги Амударё қайирлари. Ўзбекистондан ташқарида: Евроосиё шимолидаги тундра зонаси (уялаш); Россия, Қозоғистон, Туркменистон (учиб ўтиш, қишлаш). Яшаш жойлари. Дарё ўзанлари ва дельталари, сув ва қирғоқбўйи ўсимликлари гуж бўлиб ўсган йирик сув ҳавзалари. Сони. Доимо кам бўлган. Ҳозирда 200 тадан 2 мингтагачаси (дунёда популяциясининг 0,5–5% и) учиб ўтади ва қишлайди. Қишлов даврида мазкур турга мансуб қушлар мунтазам учрамайди. 2003 ва 2005 йилда Амударё қайирларида (мос равишда 54 ва 30 та) қайд қилинган. 2007 йили Чимкўрғон сув омборида 16 таси қишлаган. Толимаржон сув омборида 2008 йилнинг январь ойида 22 та, 2015 йилнинг декабрь ойида 20 га яқини қайд қилинган. Учиб ўтиш пайтида Амударё қайирларида сони бир неча ўнлаб ва юзга яқин бўлган галалар кузатилади. Овлаш тақиқланган. Судочье, Қорақир, Тузкон буюртмахоналарида муҳофаза остига олинган.



34. Расм. Оқ пешонали кичик ғоз *Anser erythropus*

Қизилтомоқ ғоз *Rufibrenta ruficollis*. Қорақир, Айдаркўл, Тузкон, Денгизкўл к., Чордара с.о. (қишлаш). Ўзбекистондан ташқарида: Шимолий Сибирь тундраси (уялаш), Каспий денгизи жануби, Эрон, Ироқ (қишлаш); Қозоғистон, Туркменистон (учиб ўтиш). Яшаш жойлари. Сув ва қирғоқ бўйи ўсимликлари ғуж бўлиб ўсган йирик ва чуқур сув ҳавзалари

Яшаш жойлари. Сув ва қирғоқ бўйи ўсимликлари ғуж бўлиб ўсган йирик ва чуқур сув ҳавзалари.



35. Расм. *Қизилтомоқ ғоз* *Rufibrenta ruficollis*

Сони. Доимо кам бўлган. Ҳозирда бир неча донадан бир неча ўнтагача учиб ўтади. Арнасой кўлида 2004 йилнинг март ойида умумий сони 20 тагача бўлган бир қанча галаси, 2005 йилнинг сентябрь ойида 7 дона кузатилган. Жанубий сув ҳавзаларида (Қумкўрғон ва Октепа сув омборлари) номунтазам равишда бир қанчаси қишлайди. Дунёдаги популяцияси (38500 та) қисқариб бормоқда.

Муҳофаза чоралари. Овлаш тақиқланган. Қорақир, Тузкон, Денгизкўл буюртмахоналарида муҳофаза остига олинган.

Олақаном *Aythya nyroca* Амударё, Сирдарё, Зарафшон дарёси сув ҳавзалари (уялаш, учиб ўтиш, қишлаш). Ўзбекистондан ташқарида: Шарқий Европа жануби, Сибирь жануби, Хитой (Шинжон), Мўғулистон (уялаш), Ғарбий Европа жануби, Шимолий Африка, Эрон, Покистон, Ҳиндистон (қишлаш). Яшаш жойлари. Сув ўсимликлари ғуж бўлиб ўсган текисликдаги йирик сув ҳавзалари.

Сони. 1960-йилларда Амударё ва Сирдарё ҳавзаларида учраши одатий эди. 2000 йилгача 3-4 минг донаси уялаган, 7 мингга яқини қишлаган. Ҳозирги

вақтда 500 тачаси ин куради ва қишлайди. Судочье кўлида 2000-2001 йилларда бир нечтасигина уялаган. Кўчиш даврида 204 тагача кузатилган. Айни пайтда коллекторлар ҳудудида 40 га яқини уяласа, кузги кўчиш мавсумида 200 га яқини кузатилади. Мошанкўл ва Хўжакўлда 40 тагача уялайди, 2000 тагача учиб ўтади. Учиб ўтишда Шегекўл ва Макпалкўлда 9-28 та қуш, Оқсоға артезиан қудуғи кўлобида 3 та қуш кузатилган. Арнасой кўлида 1998- 2006 йилларда – одатий уяловчи тур. Уялаш тугагандан сўнг 40-60 тадан галалар ҳосил қилади. Тузкон кўлида 300 тагача қуш. Бухоро вилоятида 1998-2015 йилларда Тўдакўл сув омбори, Ҳадича, Еттикўл, Денгизкўл, Зикри кўлларида 1-2 жуфтдан уялаган. Июнь ойида Денгизкўлда 19 та қушдан иборат гала қайд қилинган. Уяловчи популяция тобора камайиб бормокда. Учиб ўтишда 6-8 та қушдан иборат галалар учрайди. 2000 йилда жанубий сув ҳавзаларида ва Сирдарёнинг ўрта оқимида 900 дан зиёд қуш қишлаган, 2003-2005 йилларда – 100 тага яқин, ҳозирги вақтда бу кўрсаткич 50 дан ошмайди.

Муҳофаза чоралари. Овлаш тақиқланган. Судочье, Денгизкўл, Қорақир, Тузкон кўллари буюртмахоналарида муҳофаза қилинади.



36 Расм. Олақанот *Aythya nyroca*

Оқбош ўрдак *Oxyura leucocerphala* Жанубий Оролбўйи (уялаш, кўчиш), Бухоро вилоятидаги сув ҳавзалари (номунтазам уялаш); Амударё ва Сирдарё водийси, жумладан, Фарғона водийси, Марказий Қизилқум, Мирзачўл (учиб ўтиш); Денгизкўл (қишлаш), Ҳадича, Зикри кўллари, Тўдакўл сув омбори (номунтазам қишлаш). Ўзбекистондан ташқарида: Ғарбий Сибирь жануби, Қозоғистон, Волга дарёсининг қуйи қисми, Туркменистон, Туркия, Покистон (уялаш); Жанубий Европа, Шимолий Африка, Озарбайжон, Эрон, Покистон ва Ҳиндистон (қишлаш). Яшаш жойлари. Текисликдаги серқамиш чучук ва нимшўр кўллар. Сони. Сони беқарор бўлган мазкур тур даврий равишда йўқолиб кетиш хавфи остида қолади. 1930-йилларда Ўрта Осиё ва Қозоғистонда 30 мингдан ортиғи яшар эди. Ўтган асрнинг 60-йилларидан сўнг оқбош ўрдак Ўзбекистонда учрамай қўйган. Аср охиригача турнинг Ўзбекистонда уялашига оид маълумотлар бўлмаган. Судочье кўлида 2000 йилда 2 мингтаси (Дунёдаги популяциясининг 15% и) уялаган ва ёзни ўтказган; учиб ўтишда –3 мингдан зиёд. Сўнгги йилларда Судочье кўлида бир неча ўнлаб жуфти уялаган. 2015 йилда Судочье кўллар тизимида кирувчи Қоратаранг кўлида уялаш бошида 38 та бўлган. Ушбу тур қушларнинг қишлови ҳам барқарор эмас. Денгизкўлда 2001-2005 йилларда 1107-5135 та қишлаган (дунёдаги популяциясининг 30% и). Жанубий сув ҳавзаларида жами 5144 таси қишлаган. Ўта совуқ келган қишдан сўнг 2009 йилдан 2012 йилгача қишлов учун қолишмаган. 2012 йилда яна қишлаш учун қолиб, жами 312 та қуш қишни шу ҳудудда ўтказган. Кейинги йилларда қишловчи қушлар сони ортган ва 2015 йилда уларнинг умумий сони 2236 тага етган. 2016 йили октябрь ойида Денгизкўл ва Еттиқўлдаги йирик галаларда 10 мингдан ортиқ экани кузатилди. Муҳофаза чоралари. Овлаш тақиқланган. Судочье, Денгизкўл ва Тузкон кўли буюртмахоналарида муҳофаза остига олинган.



37- Расм. Оқбош ўрдак *Oxyura leucoccephala*

Ўрта Осиё чўл тошбақаси – *Agrionemys horsfieldi*. Бухоро вилоятининг чўл зонасида кенг тарқалган. Бу турни овлаш 1990 йиллардан сўнг бошланган. Кейинги йилларда маҳаллий овчилар, чўпонлар, георазведка ишлари билан шуғулланувчи ходимлар бир

қаторда, уни экспорт қилиш ёки махсус питомникларда кўпайтириш мақсадида овланиши ҳам қайд этилмоқда. Жумладан, 2008-2015 йилларда Қорақўл туманининг Қандим массивида георазведка ишлари олиб борилган жойларда тошбақаларнинг жуда кўп косалари топилди. Худди шундай овчи ва чўпонларнинг ҳам тошбақани истеъмол қилиш учун овлаши аниқланди. Одатда, тошбақаларнинг оёқлари ва ичидаги тухуми истеъмол қилиниши, қолган қисмини ташлаб юборилиши кузатилди. Бундан ташқари, Ўрта Осиё чўл тошбақаси ва унинг тухумлари чорва молларининг оёқлари остида эзилиши, ва чўпон итлари томонидан нобуд қилиниши оқибатида ҳозирги вақтда унинг сони кескин камайган. Шу асосда мазкур турни Ўзбекистон Қизил китобиغا киритилган.



38 - расм. Ўрта Осиё чўл тошбақаси – *Agrionemys horsfieldi*

Қум бўғма илончаси – *Eryx miliaris*. Қум бўғма илончаси вилоятнинг чўл зонасида ҳамда чўл билан чегарадош бўлган агроценозларда тарқалган. Ҳозирги вақтда сони 2000 йиллардагига қараганда кескин камайган. Бу турнинг ҳам овланиш ҳажми тўғрисида маълумотлар йўқ, аммо маҳаллий аҳолининг айримлари унинг гўшти ва ёғини “шифобахш” деб ҳисоблаши сабабли кўп сонда овланиши қайд этилади. Жумладан, ҳар йили июнь ва июль ойларида Олот туманининг Туркменистон билан чегара ҳудудида жойлашган қум ва тузда даволаниш учун келган одамларга маҳаллий аҳоли томонидан *Eryx miliaris* дан тайёрланган таомни таклиф этиш деярли анъанага айланган. Бундай “анъана” мавсумига қадар ҳам кўплаб қум бўғма илончалари жамғариб қўйилиши ва мавсумда улардан таом тайёрланиши аниқланди.



39 - расм. Қум бўғма илончаси – *Eryx miliaris*

Юқорида қайд салбий таъсирлар оқибатида кўп сонда қирилиб кетишини, сонининг кескин камайиб бораётганлигини ҳамда Ўзбекистон Қизил китобига киритилганлигини ҳисобга олган ҳолда *Eryx miliaris*, *Varanus griseus* ҳамда *Agrionemys horsfieldi* каби судралиб юрувчиларнинг вакиллари самарали муҳофаза қилишга мўлжалланган тегишли мақомга эга муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни ташкил этиш мақсадга мувофиқ.

Бўз эчкемар – *Varanus griseus*. Бухоро вилоятининг чўл зонасида кенг тарқалган. Бўз эчкемарнинг гўшти ва суягининг шифобахшлиги тўғрисида аҳоли орасида тарқалган нотўғри тушунча мазкур турнинг кўплаб овланишига сабаб бўлмоқда.


Бўз эчкемарнинг биологик хусусиятлари яхши ўрганилмаган. Ўзбекистон “Қизил китоби”га киритилганлигига қарамай, ноқонуний равишда овлаш оқибатида сони кескин камайган. Келгусида бўз эчкемарни муҳофаза қилиш самарадорлигини ошириш мақсадида унинг биологик ва экологик хусусиятларини ўрганиш, махсус буюртмахоналар ташкил этиш, тутқунликда кўпайтириш ва табиатга қўйиб юбориш йўналишидаги чора-тадбирларни амалга ошириш зарур.



40 - расм. Бўз эчкемар – *Varanus griseus*

Биоэкологик хусусиятлари ўрганилган турлар турли мақсадларда овланади ва уларнинг айримларини (*Varanus griseus*-бўз эчкемар, *Eryx miliaris*-қум бўлма илдончаси, *Merops persicus*-кўк қурқунак) овланиши ҳайвонларни овлашдан кўзда тутилган мақсадларга мос келмайди

Туркистон мўйлабдори *Turkestan Barbel*. Амударё, Сирдарё, Қашқадарё, Сурхондарё ва Зарафшон дарёларининг ўрта оқимлари; ўтмишда – Орол денгизи ва унга қуйиладиган дарёларнинг қуйи оқимлари. Ўзбекистондан ташқарида: Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистон. Каспий денгизи ҳавзасида – бошқа кенжа тури. Яшаш жойлари. Оқар сув ҳавзаларининг чуқурлиги 2-3 м, туби қумли-тошли ёки қумли шағалли жойлари. Муҳофаза чоралари. Овлаш тақиқланган. Қизилқум, Сурхон, Зарафшон кўрикхоналарида ва Қуйи Амударё биосфера резерватининг кўриқланадиган ҳудудида муҳофаза қилинади. Яшаш жойларида кўпайтиришни ташкил қилиш ва махсус муҳофаза тартибини жорий қилиш лозим



41 Расм. Туркистон мўйлабдори *Turkestan Barbel*.

БУХОРО ВИЛОЯТИДА ОВ АҲАМИЯТИДАГИ БАЛИҚЛАРНИНГ БИОЭКОЛОГИК ТАСНИФИ

Бухоро вилояти сувликларида учровчи балиқларнинг келиб чиқиши асосан Зарафшон дарёси, Амударё дарёлари ва Орол денгизи сувликларидаги ихтиофауна таркиби билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, уларнинг сувликлар бўйлаб тарқалишини белгиловчи асосий омиллардан бири сувликларнинг туз таркиби ҳисобланади. Вилоят сувликларидаги балиқлар ўзининг ўлчами, гўшт таркибининг сифати ҳамда кўпаювчанлик имкониятларига қараб:

- овладидиган- саноат аҳамиятидаги балиқлар,**
- овланмайдиган хашаки ёки саноат аҳамиятига эга бўлмаган балиқлар,**
- сунъий сувликларда парваришладиган балиқлар гуруҳларига ажратилади.**

Оқ амур (Белый амур)— карпсимонлар оиласининг бир тури. Табиий тарқалган жойлари Амур дарёси, унинг ирмоклари ва Хитойнинг чучук сувли дарёларидир.



42 – расм. Оқ амур - *Ctenopharyngodon idella*

Оқ амур 1960-1961 йилларда Хитойдан келтирилиб, Амударёнинг сув ҳавзаларида иқлимлаштирилган. Кейинчалик Амударёдан Аму—Бухоро канали орқали Тўдакул сув омборига ўтган. Хоразм кўлларида кўплаб учрайди. Хозирги пайтда Амударё, Сирдарё, Зарафшон ва Қашқадарёнинг сув ҳавзаларида кенг тарқалган бўлишига қарамасдан сони унчалик кўп эмас. Амударё ва Сирдарёнинг айрим қисмларида табиий кўпайиш ҳоллари учрайди. Таллимаржон сув омборида ўлчамлари катта, узунлиги 67-87,3 см, оғирлиги 6-10 кг келадиган оқ амурларни кўплаб учратиш мумкин. Оқ амур тез ўсувчи балиқ бўлиб, Сирдарё сув ҳавзаларида оғирлиги 45 кг гача боради.

Оқ амур ватанида 7-10 ёшда жинсий вояга етса, бизнинг шароитда иқлимлашган балиқлардаги, бу кўрсаткич асосан 4-5 ёшни ташкил қилмоқда. Абсолют серпущтлилиги 100 мингдан 900 минггача увилдириқни ташкил қилади. Оқ амур асосан юқори сув ўсимликлари билан овқатланиб, канал ва коллекторларни сув ўтларидан тозалашда биомелиоратор ролини бажаради. Бундан ташқари, яхши ўсиш суръатига

ҳам эга. Шу сабабдан оқ амурни балиқчилик хўжаликларида кўпайтириш катта натижалар бермоқда.

Зоғора (Сазан) - Карп. Ўзбекистоннинг деярли барча сув ҳавзаларида шунингдек, Зарафшон дарёсида ҳам карп-зоғора-*Cyprinus carpio* балиғининг тарқалиш ареали деб қаралади. Жумладан, ушбу тур табиий ҳолатда Девхона кўли ихтиофаунаси таркибида учрайди. Шу билан бирга, ҳозирги пайтда ушбу турнинг республика сув омборлари, кўллар ва дарёларида тарқалиши нафақат табиий йўл билан дарё ҳавзаларида тарқалиши билан белгиланади, балки балиқ маҳсулдорлигини ошириш мақсадида сувликларга 1+ ёшдаги карп балиғи чавоқлари ўтказилиши ҳисобига ҳам карпни учраши қайд қилинади.

Зоғора балиқ табиий сув ҳавзаларида юксак яшовчанлик ва юқумли касалликларга чидамлилиги билан ажралиб туриб, унинг маданий формаси - карпнинг бир қатор устунликлари бор. Уларнинг тангача қоплами турлитуман бўлиб, тарқоқ тангача қопламли, чизиқли тангача қопламли, тангачасиз зотлари бугунги кунда етиштирилади. Ҳозирги зотларининг юқоримаҳсулдорлик кўрсаткичларига сабаб тез ўсувчанлиги, бериладиган озуқалардан самарали фойдаланиши, юқори серпуштлилик, қафас, бассейн ваҳовуз хўжаликларида анча барвақт жинсий вояга етилиши, сунъий урчитишда юқори кўрсаткичли уруғланувчанлик ва бошқалар билан таснифланади. Карп балиғи МДХ мамлакатлари балиқчилик хўжаликларида асосий боқиладиган балиқ зоти ҳисобланади. Шунингдек, Шарқий Европа ва Осиё (Хитой, Япония, Вьетнам ва бошқалар) мамлакатлари балиқчилигида ҳам кенг фойдаланилади.

Карп балиғи мамлакатимизга асосан Россия, Украина, Литва ва Венгрия давлатларидан XX асрнинг иккинчи ярмида зот сифатида олиб келинган. Республикаимизнинг турли ҳудудларидаги балиқчилик хўжаликларида карп балиғини боқиш, сунъий урчитиш ва кўпайтириш йўлга қўйилгандан кейин зот гуруҳларининг ўзаро ва маҳаллий табиий формаси билан бирга яшаши туфайли уларнинг ўзаро чатишиб кетиши содир бўлди. XX асрнинг 60

йилларида турли йўллар билан карп балиғи чавоқлари, личинкалари, бир ёзли индивидлари республикамиз балиқчилик хўжаликлари орасида тарқалган ва Ўзбекистон текислик қисмидаги балиқчилик ҳавзаларига ўтказилган. Карп балиғи юқори экологик пластикликка эга бўлиб, текислик сув ҳавзаларининг турли шароитларига тезмослаша олади ва барча сув ҳавзаларида овланиш аҳамиятига эга бўлган асосий объект саналади.


Ҳозирги вақтда карп балиғининг табиий ва маданий формаси ҳамда уларнинг чатишмаси Девхона кўлида учрайди. Бироқ кўпчилик балиқлар танасининг нисбатан баланд бўлиши, кейинги пайтда овларда учрайдиган индивидлар, аксарият ҳолларда карп зоти эканлиги ва бу зот кўлда анча мустаҳкам популяцияларни шакллантириб улгурганлигидан далолат беради. Девхона кўлида карп популяцияси асосан унинг чавоқларини сув ҳавзасига ўтказилиши ҳисобига шаклланган.



43 – расм. Зоғора *Cyprinus carpio*

Лаққа *Обыкновенный сом* балиғи кўлда жуда кам учрайди. Овланган балиқнинг узунлиги 29,6 - 80,5 см, оғирлиги 237 - 16048 г гача етди. Биз томондан лаққанинг кўлда урчиши қайд этилмади. Йирик лаққаларнинг кўлда овладиган асосий ҳудудлари кўлнинг энг чуқур бўлган ғарбий қирғоққа яқин бўлган ҳудудлари саналади. Айнан шу ҳудудларда ўрнатилган 80-100мм кўзли қўзғалмас тўрларга шундай йирик индивидлар тушганлиги гувоҳи бўлганлар.

Девхона кўлида балиқ овлаш 1999 йилда бошланган. "Бухоро-Риба" акциядорлик жамиятининг маълумотларига кўра 1999 йилдан 2002 йилгача кўлдан 32,5 тоннадан ортиқ балиқ овланган (М.А. Абдуллаев 2004). Бу йиллар давомида овланган балиқларнинг асосий қисмини орол чавоқ балиғи (61,6%) ва зоғора балиғи (24,7%) ташкил этган. Балиқ овлашда асосан курама тўрлардан фойдаланилган бўлиб, овланган балиқларда бошқа балиқ турларининг улуши жуда кам. 2002 йилнинг октябрь ойида Девхона кўли биринчи марта карп, оқ амур ва оқ дўнгпешона балиқларининг бир ёзли балиқчалари билан балиқлантирилган.



44 - расм. Лакқа *Silurus glanis* Linnaeus


Девхона кўлидаги ов аҳамиятига эга бўлган балиқ турлари зоғора-карп, оқ сла ва орол чавоқ балиғи бўлиб, балиқ маҳсулдорлигининг асосий қисмини ташкил қилади. Ҳозирги кунда фитопланктонофаглардан оқ дўнгпешона балиғи ҳам баъзида ов таркибида учрайди.

Орол мойбалиғи (Аральская шема) — карпсимонлар оиласининг бир тури бўлиб, Орол денгизи, Сирдарё, Амударё ва Зарафшон сув ҳавзаларида кенг тарқалган. У хонбалиқ ҳам деб юритилади. 1968 йили Жанубий Сурхон, Учқизил сув омборларига

Каттакўрғон сув омборидан карп балиғининг чавоқлари келтирилганда, улар билан тасодифан мойбалиқ ҳам келиб қолган. Мойбалиқ бу ерда табиий купайди ва икклимлашиб, Сурхондарё ҳавзаси буйлаб кенг тарқалди. Бундан ташқари, ҳозирда Чимкўрғон ва Талимаржон сув омборларида ҳам учрайди. Чимкўрғон сув омборига Зарафшон дарёсидан эски Ангор канали орқали, Таллимаржонга эса, Амударёдан Катта Қарши магистрал канали орқали ўтган. Ҳозирги пайтда Қашқадарё ва Сурхондарё сув ҳавзаларида яхши икклимлашиб, муҳим овланиш аҳамиятига эга бўлган балиқлардан бирига айланди.

Зарафшон дарёси мойбалиқнинг оналик сув ҳавзаси бўлиб, бошқа сув ҳавзаларига асосан шу ердан тарқалган ва икклимлашгандир. Орол мойбалиғи 2 ёшда жинсий вояга етади. Каттакўрғон сув омборида мойбалиқнинг узунлиги 14-15 см бўлганда жинсий вояга етса, Учкизил сув омборида эса, узунлиги 16-18 см га етганда биринчи бор увилдирик ташлайди. Урчиш даври апрел - май ойларига тўғри келади. Бу пайтда сувнинг ҳарорати 14-22° бўлади. Увилдирикларини қирғоқларга яқин тошли ва қумли жойларга қўяди. Урчиш даврида жуда кўп мойбалиқлар қирғоқда яқин, чуқурлиги 2-3 м бўлган жойларга чиқишади. Бу вақтда сувнинг юза қатлами худди қайнаётгандек кўринади.

Мойбалиқнинг серпуштлилиги турли сув ҳавзаларида турличадир. Масалан, Каттакўрғон сув омборидаги мойбалиқнинг узунлиги 13,5-23 см бўлганда, абсолют серпуштлилиги 2750-14630 дона, Тўдакўлда узунлиги 19,1-24 см бўлганда 10030-17800 дона, Учкизил сув омборида эса, узунлиги 29,6-33,4 см бўлганда 41960-59400 дона увилдирикни ташкил қилади.




45 – расм. Орол мойбалиғи - *Chalcalburnus chalcoides aralensis*

Ўсиш суръати жуда юқори бўлиб, деярли Орол денгизидан мойбалиқнинг ўсишига тенг. Мойбалиқнинг гўшти ёғли ва жуда мазали бўлиб, айниқса, унинг тузланган ва дудланганлари ниҳоятда лаззатлидир.

Кумуш товонбалиқ (Серебрянный карась) - карпсимонлар оиласининг бир тури. Амударё ва Сирдарёнинг қуйи оқимларида жойлашган кўлларда мавжуд бўлиб, 50-йилларга қадар Амударё ва Сирдарёнинг ўрта ҳамда юқори оқимларида, Зарафшонда, Қашқадарёда учрамаган.

Москва вилоятидаги Савин балиқчилик тажриба хўжалигида амур товонбалиғининг урғочиси билан амур зоғора балиғининг эркагини чатиштириш натижасида янги зот - кумуш товонбалиқ юзага келди. Бу балиқ ўзининг тез жинсий вояга етиши, серпуштлилиги, юқори ўсиш суръатига эга эканлиги ва касалликларга чидамлилиги билан олдинги формалардан кескин фарқ қилади. Шу ижобий сифатларини ҳисобга олиб, 1951 йили мазкур хўжаликдан 36 дона Кумуш товонбалиқнинг вояга етган урғочилари келтирилиб, Тошкент балиқчилик тажриба хўжалигининг ҳовузига уч ёшли кўзгусимон карпнинг эркаклари билан

бирга қўйиб юборилган. Натижада 1952 йилнинг май ойларида товонбаликлар табиий кўпаядилар ва июнь ойида 10 минг, 1953 йилда эса, 20 минг товонбалиқ чавоқлари Каттакўрғон сув омборига келтириб қўйилди. Натижада бу балиқ тез орада бутун Зарафшон воҳасидаги Қуйимозор, Тўдакўл, Денгизкўл, Шўркўл каби сув ҳавзаларига тарқалди ҳамда овланиш аҳамиятига эга бўлган балиқлар қаторига кирди.



46 – расм. Кумуш товонбалиқ - *Carassius gibelio*

70-йилларда товонбалиқ Қашқадарё воҳасидаги Чимқўрғон, Сурхон воҳасидаги Учқизил, Жанубий Сурхон сув омборларига муваффақиятли равишда иқлимлаштирилди. Бу албатта, балиқчилик хўжалиги соҳасида қўлга киритилган дастлабки ютуқларимиз эди. Ҳозирги пайтда Ўзбекистон шароитида товонбалиқ Амударё, Сирдарё, Қашқадарё, Сурхондарё ва Зарафшон дарёлари ҳамда уларнинг сув ҳавзаларига кенг тарқалган бўлиб, муҳим овланиш аҳамиятига эга бўлган балиқлардан бирига айланиб қолди.

Товонбалиқ бизнинг шароитда 2-3 ёшда жинсий вояга етади. Увилдириқларини сувнинг ҳарорати 16-19° бўлганда сочади. Биз текширишлар олиб борган Чимқўрғон, Учқизил, Жанубий Сурхон сув


омборларида, Арнасой кўллар системасида тоvonбалиқларнинг урчиш даври апрель ойининг иккинчи, учинчи декадаларига тўғри келади ва июнь ойларигача давом этади. Товонбалиқларнинг характерли томонлари шундаки, популяцияларда бу балиқлар фақат урғочилардан иборат бўлиб, эркаклари ниҳоятда камдан-кам ҳолларда учрайди. Товонбалиқларнинг увилдириқларини зоғора балиқларнинг эркаклари уруғлантиради. Бу хилдаги уруғланишдан дунёга келган балиқларнинг аксарияти урғочи бўлиб, она тоvonбалиққа ўхшаш бўлади.

Товонбалиқларнинг серпуштлилиги балиқнинг ёши ва узунлиги ошиши билан ортиб боради. Масалан, Каттакўрғон сув омборида 4 ёшдаги узунлиги 29 см ва оғирлиги 514 г келадиган тоvonбалиқ увилдириқла-рининг умумий сони 118474 донага тенг бўлган. Чимқўрғон сув омборидаги тоvonбалиқнинг узунлиги 15,7- 28,5 см ва оғирлиги 117-740 г бўлганда, абсолют серпуштлилиги 16968-121024 увилдириқдан иборат булган. Арнасой кўлида узунликлари 21,4-30,1 см ва оғирлиги 266-862 г бўлган тоvonбалиқларда бу кўрсаткич 36100-282448 увилдириқни ташкил қилган.

Товонбалиқнинг ўсишини кўриб чиқадиган бўлсак, Учқизил сув омборида 1-2 ёшдагиларининг узунлиги 19,8-27 см ва оғирлиги – 243-432 г, 3-4 ёшдагисининг узунлиги - 25-30 см ва оғирлиги 450-710 г дан иборат бўлган. Товонбалиқларнинг 3 ёшда ўсишининг сусайиши фикримизча, балиқларни биринчи марта увилдириқ ташлаши билан боғлиқдир. Жанубий Сурхон сув омборида 6 ёшли тоvonбалиқларнинг узунликлари 31,5—33,8 см, оғирликлари эса, 950-1100 г ни ташкил қилган. Товонбалиқлар ҳар хил сув ўтлари, сувда чириган ўсимлик қолдиқлари билан овқатланадилар. Товонбалиқ бизнинг шароитда тез иқлимлашди ва республика сув ҳавзаларига кенг тарқалди ҳамда муҳим овланиш аҳамиятига эга бўлган балиқлардан бирига айланди.

Одий дўнгпешона (Обыкновенный толстолобик) - карпсимонлар оиласининг бир тури бўлиб, баъзан хум-бош балиқ деб

ҳам юритилади. Хитойнинг марказий ва Шимолий сув ҳавзаларида кенг тарқалган. Унинг шимолий чегараси Амур дарёси ҳисобланади.



47 – расм. Оддий дўнгпешона - *Hypophthalmichthys molitrix*


Ўрта Осиёга 1960 йилларда келтирилиб Туркменистоннинг Қорақум каналида иқлимлаштирилган. Амударёдан Аму-Бухоро канали орқали Зарафшон дарёсининг сув ҳавзаларига ва Қарши магистрал канали орқали Таллимаржон сув омборига ўтган. Хозирги пайтда Ўзбекистоннинг барча сунъий ва табиий сув ҳавзаларида кенг тарқалган. Амударё ва Сирдарёда табиий ҳолда купаймоқда.

Дўнгпешонанинг узунликлари 5-6 ёшда 45-60 см га етади ва бу даврда жинсий жиҳатдан вояга етган ҳисобланади. Хитой дарёларида дўнгпешонанинг урчиш даври апрель ойининг иккинчи декадасига тўғри келади. Бу пайтда сувнинг ҳарорати 20° ни ташкил қилиб, дарё сувининг кўтарилиш даврига тўғри келади. Мана шу пайтда дўнгпешона 500 минггача увилдириқ ташлайди. Сирдарё ва Амударёда сув ҳажмининг кўтарилган ёки сув тошган пайтларида дўнгпешона увилдириғини сочади.

Ўзбекистон шароитида дўнгпешона 3-4 ёшда жинсий вояга етади ва узунликлари 65-70 см бўлганда абсолют серпуштлилиги 514-1610 дона увилдирикни ташкил қилади. Дўнгпешона яхши ўсади. Тўдакул сув омборида 1 - 2 ёшли дўнгпешонанинг узунлиги - 30,8-45,5 см ва оғирлиги – 437-1449 г ни, 3 ёшдагиси - 58 см ва 2860 г ни ташкил қилган. Амур дарёсида дўнгпешонанинг 1 м узунликка ва 16-20 кг оғирликка эга бўлганлари ҳам мавжуд. Таллимаржон сув омборида 10 кг ва ундан ортиқ оғирликдагилари учрайди. Чимқўрғон сув омборида эса, оғирлиги 15-20 кг келадиганлари танлаб овланилмоқда. Дўнгпешона фитопланктон, яъни майда сув ўтлари билан овқатланади ва сув ҳавзаларини гуллашдан сақлайди. Бу балиқнинг балиқчилик хўжаликларида кўпайтирилиши катта иқтисодий самара бермоқда. Унинг янги тутилганлари, тузланган ва дудланганлари халқимизга кўплаб етказиб берилмоқда.

Оқ сла (Судак) — олабуғасимонлар оиласининг бир тури бўлиб, Орол, Каспий, Болтиқ, Қора ва Азов денгизлари ҳавзаларида кенг тарқалган. Ўзбекистоннинг сув ҳавзаларига, хусусан Дегрез сув омборига оқ сла балиғини иқлимлаштириш Ўзбекистон Фанлар академияси Зоология ва паразитология институти ихтиология ва гидробиология бўлимининг илмий ходимлари томонидан тавсия этилган. 1963 йили 800 дона сла балиғи Урал дарёсидан балиқчилик хўжалигига аҳамияти бўлмаган, кам қимматли, овланмайдиган балиқларни йуқотиш мақсадида олиб келинган эди. Дегрез сув омборининг экологик хусусиятлари, емишнинг кўплиги иқлимлаштиришнинг дастлабки - биринчи йили ёш ва етук балиқларнинг сонини тез суръатлар билан ўсишига олиб келди. Сла Дегрез сув омборида табиий кўпайди ва Сурхондарё ҳавзаси бўйлаб, Жанубий Сурхон, Учқизил сув омборларига кенг тарқалди. Сла Сурхондарёдан Амударёга тушиши натижасида Қарши магистрал канали орқали Таллимаржон сув омборига ҳам ўтди. Сирдарёда, Чордара сув омборидан Арнасой кўллар системасига ҳам кенг тарқалди. Сла ҳозирда Ўзбекистон сув ҳавзаларида муҳим овланиш

аҳамиятига эга бўлган балиқлардан бирига айланди. Сланинг узунлиги бизнинг сув ҳавзаларимизда 2 ёшда 30-35 см бўлади ва бу даврда жинсий вояга етади. Орол денгизида эса, 3-4 ёшда, узунликлари 34-41 см бўлганда, увилдирик ташлайди.



48-расм. Оқ сла - *Sander lucioperca*

Урчиш даври феврал ойининг охирларидан то май ойининг бошларигача давом этади. Сланинг урчиш даври март-апрель, 'Жанубий Сурхон, Учқизил, Таллимаржон сув омборларида февралнинг охиридан апрель ойларигача, Арнасой кўллар системасида апрелнинг охириги декадаларига тўғри келади. Бу пайтда сувнинг ҳарорати 8-10° ни ташкил қилади. Сла Жанубий Сурхон сув омборида ва Арнасой кўллар системасида увилдирикларини қирғоқларга яқин 1-2 м чуқурликдаги сув остида қолган бута ўсимликлари бўлган жойларга қўяди. Учқизил ва Таллимаржон сув омборларида эса, қирғоққа яқин, чуқурлиги 2-4 м, сув остида қолган ўсимлилар ва шунингдек, қумлик, майда тошлик жойларга ўз увилдирикларини ташлайди. Сла экологик жиҳатдан жуда пластик хусусиятларга эга. Урчиш учун турли сув ҳавзаларида ўша жойнинг шароитига тез мослашиб олади. Сла бошқа балиқларга қараганда эрта урчийди, бу пайтда сув омборидаги сувнинг сатҳи доимий тинч туради


ва балиқ бу имкониятлардан тўла фойдаланади. Серпуштлилиги турли сув ҳавзаларида турлича бўлади ва балиқнинг ёшига қараб ортиб боради.

Арнасой кўллар системасида сланинг абсолют серпуштлилиги 37152-256800 увилдириғни ташкил қилади. Дегрез сув омборида 58 см узунликдаги сланинг серпуштлилиги 666000 увилдириққа тенг бўлган. Жанубий сув ҳавзаларимизда 1991 -1992 йилларда сланинг серпуштлилиги, ўсиш суръати, овқатланиши ҳақидаги маълумотлар қуйидагичадир. Жанубий Сурхон сув омборида сланинг абсолют серпуштлилиги балиқнинг узунлиги 29 см дан 60 см гача бўлганда 81090 дан 55145 дона увилдириқни ташкил қилган. Учқизил сув омборида узунлиги 30-55 см бўлган балиқларда 40200-302500 дона увилдириқдан иборат бўлган. Таллимаржон сув омборида бу кўрсаткич балиқ узунлиги 30-60 см бўлганда увилдириғининг сони 50154-394100 донага тенг бўлган. Сланинг ўсиши сув ҳавзасининг экологик шароитига, емишнинг кўп-озлигига боғлиқ. Жанубий Сурхон сув омборидаги сланинг ўсиш суръати Учқизил сув омборидаги слага нисбатан анча юқори. Жанубий Сурхон сув омборидаги 1-2 ёшдаги сланинг узунлиги 29,1-38 см ва оғирлиги 311-723 г ни, 3-4 ёшдагисининг узунлиги 45,2-52,9 см ва оғирлиги 1385-2082 г, 5-6 ёшдагисининг узунлиги - 59,2-68,5 см ва оғирлиги-3106- 4587 г ни ташкил қилади. Учқизилда бу кўрсаткич 1 - 2 ёшда - 28,6-35,1 см ва 289-514 г, 3-4 ёшда - 41,3-47,8 см ва 890-1445 г, 5 ёшда - 62 см ва 3000 г дан иборат. Учқизил сув омборидаги сланинг ўсиш пастлиги, сув омборида унинг емиши бўлмиш майда балиқлар сонининг ниҳоятда камлигидандир. Таллимаржон сув омборида ҳам сла Жанубий Сурхондаги каби яхши ўсиш суръатига эга. Унинг умумий узунликлари 22,3 дан 68,4 см гача ва оғирлиги 170 дан 3872 г гача боради. Шунингдек, Арнасой кўллар системасида ҳам сла юқори кўрсаткичларга эга. Масалан, Тузкон кўлида 2-3 ёшдаги сланинг узунлиги 41-47 см ва оғирлиги 1128-1540 г, 6 ёшдагиси эса, 63,2 см узунликка ва 48754 г. оғирликка эга. Айдар кўлидаги кўрсаткич ҳам Тузкон ва Жанубий

Сурхондаги сланинг кўрсаткичларига яқин: Сла тез ўсувчи балиқ бўлиб сув ҳавзаларида асосан. 2-4 кг гача бўлади. Ҳатто 8-10 кг келадиганлари Жанубий Сурхон сув омборида учрайди. Сла тортомоқли балиқлар каторига киради. Одатда, бел қисми унчалик- баланд бўлмаган хашаки балиқлар, икки хил тур бистрянклар, лойхурак, қиличбалиқ, ялангбалиқ ва қисман овланиш аҳамиятига эга бўлган мойбалиқ зоғораларнинг майдалари билан овқатланади. Орол депгизида сла асосан қиличбалиқ, қизилкўз ва кам миқдорда оқчанинг майдалари билан овқатланади. Урал дарёсида сланинг овқатини қиличбалиқ, қизилкўз, оқча ва дурдабалиқ ташкил қилади. Сла дастлабки ўсиш даврида ўзи иқлимлаштирилган муҳитда яшайдиган ҳар хил умуртқасиз жониворлар билан овқатланади ва узунлиги 15-20 см га етганда йиртқиқлик қилади, яъни кичик балиқлар билан овқатлана бошлайди. Дегрез сув омборида узунлиги 5,2-5,6 см бўлган сланинг чавоқлари асосан қисқичбақасимонлар билан овқатланади. Йирик сла балиқларнинг эса бистрянклар (86 фоиз), лойхўрак (9,3 фоиз), зоғора (4,1 фоиз) балиқлар емиши ҳисобланади. Сла сув ҳавзаларида ихтиофаунанинг муҳим занжирларидан бири сифатида балиқларнинг сони ва структурасини, шунингдек, ўзининг ҳам сонини тартибга солиб туради. Бу билан сла Ўзбекистоннинг жанубий сув ҳавзаларида биологик мелиоратор ролини бажарибгина қолмасдан, айна вақтда касалманд, кучсизланган, майиб балиқларни еб, табиий танланишга имконият яратади, ташқи таъсирларга чидай оладиган турларнинг яшаб қолишига шароит ҳозирлайди. Сланинг бу хусусиятлари ҳозирги пайтда сувларнинг ифлосланишининг олдини олишда ва балиқларнинг сифатини яхшиланишида муҳим аҳамиятга эга.

Оқ сла балиғининг республикамизнинг жанубий сув ҳавзаларида иқлимлаштирилиши овланиш аҳамиятига эга бўлган яна бир балиқнинг кўпайиши демакдир. Бунинг балиқчилик хўжалиги учун аҳамияти ниҳоятда каттадир.

Шарқ оқчаси – леш (*Abramis brama*) Амударё ва Сирдарё сув ҳавзаларида бор. Зарафшон дарёси ва Қашқадарёнинг текислик қисмида ҳозирги вақтда жуда кўп. 1963 йилда Урол дарёсидан келтирилган. Елка сузгич қанотида 3 та шохланмаган, 9-10 та шохланган, анал сузгич қанотида 3 та шохланмаган ва 23-28 та шохланган шуълалари бор. Ён чизигида 49-58 та тангачаси бор. Биринчи ойқулоқ ёйида устунчалар сони 22-30 та. Оғзи ярим пастда, кичкина. Ҳалқум тишлари бир қатор 5-5. Танаси ён томондан жуда кучли сиқилган, боши жуда кичик. Қорнинг қорин сузгичларидан бироз орқароғида тангачасиз қирра қил бўлади. Экологик пластик тур, яъни ўзгарган шароитга тез мослашувчан. Кўллар шароитини ёқтиради, аммо дарё, канал ва сув омборларида ҳам яшайди. Кўпгина сув ҳавзаларида 40-45 см узунликка, 3 кг вазнга этиши мумкин. Ҳаётининг 3 йили жинсий вояга этади. Урчиши асосан, апрелнинг иккинчи ярмидан, май ойларигача, сув ҳарорати 15-18° К бўлганда содир бўлади. Икриси ўсимликларнинг ўсаётган танасига, шунингдек, бошқа сув ости жисмларига ёпишади. Кўпайиш жойи саёз жойларда 1-3 м сув босган ўтлоқлардан иборат. Икра кўйиш вақтида шарқ оқчаси эрта тонгда сув юзасига кўтарилаб ёнлаб сузади ва бир қанча ҳаракатлар қилади. Серпуштлилиги 10-750 минг дона. Жинсий вояга этган икраларнинг диаметри 0,8-1,4 мм. Оқча бентофаг балиқ. Озиғининг асосий қисмини ниначилар личинкаси, мизитлар, хирономидларнинг ғумбаги ва личинкаси, моллюскалар, кам ҳолларда эшкак оёқли, шохдор мўйловли ва икки қанотлиларнинг личинкаларидан иборат. Муҳим овланадиган балиқ. Ўзбекистоннинг кўпгина сув ҳавзаларида саноат усулида овлаш ташкил қилинган.




49 – расм Шарқ оқчаси – лещ (*Abramis brama*)

Орол човоқ балиғи - вобла (*Rutilus rutilus aralensis*) Орол денгизида яшаган. Амударё, Сирдарё, Зарафшон дарёси (куйи оқимидан то юқори оқимиғача) ҳавзаларида кенг тарқалган. Ўзбекистон сув ҳавзаларида (қўллар, сув омбори, каналларларда жуда кўп учрайди. Елка сузгич қанотида 3 та шохланмаган, 8-12 та шохланган шуълалари, анал сузгич қанотида 3 та шохланмаган ва 9-12 та шохланган шуълалари бор. Ён чизигидаги тангачалари сони – 36-45 та. Биринчи ойқулоқ ёйидаги устунчалари 8-15 та. Ҳалқум тишлари бир қатор. Оғзи қийшиқ, сал пастда. Кўкрак ва қорин сузгич қанотлари (айниқса вояга етганларида) кўпинча тўқ сариқ рангда. Кўз камалаги – тўқ сариқ- қизил рангда, шунинг учун ҳам қизил кўз балиқ деб юритилади. Танаси ён томонидан сиқилган, қорин сузгич қанотларидан кейин тангачалар билан қопланган қирраси бор. Танасининг узунлиги 40 см гача ва оғирлиги 1200 гр гача этади.

Ҳаётининг 2-3 йилида, танасининг узунлиги 10-11 см, (баъзан каналларда ҳатто 6-7 см) ва оғирлиги 30-45 гр бўлганда жинсий вояга этади. Урчиши чучук ва қисман шўрланган (10-14 %) сувларда, март ойининг охирларидан май ойининг бошларигача, сув ҳарорати 12-16°К га етганда

бўлиб ўтади. Эркаларида кўпайиш даврида жинсий диморфизм яъни “никоҳ хашамати” кузатилади. Бошларида баъзан бутун танаси бўйлаб ғадур-будур доначалар пайдо бўлади. Серпуштлиги 4-150 минг дона. Икрасини 30-150 см чуқурликдаги ўсимликлар қолдиғига, бир вақтда қўяди. Овқат танламайди, ҳамма нарсани еяверади, кўпинча майда қисқичбақасимонлар, макрофитлар, яшил сув ўтлари, хирономид личинкалари, детритлар билан озиқланади.

Кўллар, сув омборларида овланадиган балиқ, бироқ, 90-йиллардан кейин унинг захирасидан етарли даражада фойдаланилмаяпти, натижада улар бошқа овланадиган балиқ турларининг камайиб кетишига сабабчи бўлиб қолмоқда.




50 – расм Орол човоқ балиғи - вобла (*Rutilus rutilus aralensis*)

Орол мой балиғи – селёдка (*Chalcalburnus chalcoides aralensis*) Орол денгизи, Сирдарё, Амударё ва Зарафшон сув ҳавзаларида кенг тарқалган. У хонбалиқ ҳам деб юритилади. 1968 йили Жанубий Сурхон, Учқизил сув омборларига Каттақўрғон сув омборидан карп балиғининг чавоқлари келтирилганда, улар билан тасодифан мойбалиқ ҳам келиб қолган. Мойбалиқ бу эрда табиий кўпайди ва иклимлашди. Бундан ташқари, ҳозирда Чимқўрғон ва Таллимаржон сув омборларида ҳам учрайди. Чимқўрғон сув омборига Зарафшон дарёсидан эски Ангор канали орқали, Таллимаржонга эса, Амударёдан Катта Қарши магистрал канали орқали ўтган. Зарафшон дарёси мойбалиқнинг оналик сув ҳавзаси бўлиб,

бошқа сув ҳавзаларига асосан шу эрдан тарқалган ва иқлимлашгандир.

Елка сузгич қанотида 3 та шохланмаган, 7-10 та шохланган, анал сузгич қанотида 3 та шохланмаган ва 14-17 та шохланган шуълалари бор. Ён чизигида 56–72 та тангачаси бор. Ҳалқум тишлари икки қатор 2,5-5,2. Ойкулоқ устунчалари узун, тигиз, биринчи ёйида уларнинг сони 19-25 та. Ҳавзанинг чуқур қатламларида яшайди. Оғзи қийшиқ юқорига йўналтирилган тешик шаклида. Остки жағи бироз чиқиб туради. Қорин ва анал сузгич қанотлари орасида фақатгина анал тешиги олдида тангачалар билан қоланмаган қирраси бор. Тошлоқ ва шағал тошли жойларнинг йўқлиги мойбалиқнинг тарқалиши ва сонини чегаралайди.

Асосан, планктон организмлари, сувўтлари, ҳашарот ва уларнинг личинкалари ҳамда балиқ чавоқлари билан озиқланади. Қимматли овланиш аҳамиятига эга бўлган балиқ. Ҳаваскор балиқ овловчилар объекти.



51 – расм Орол мой балиғи – (*Chalcalburnus chalcoides aralensis*)

Amur ilonbosh– (*Channa argus warpachowskii*) Узок шарқ фаунаси вакили. Табиий ареали: Корея, Россия, Хитой (Амур дарёсидан Янсзи дарёсигача). 1961 йилда Тошкент вилояти ҳозирги “Балиқчи” балиқчилик хўжалигига тасодифан Хитойдан амур илонбош балиқлари келтирилган ва улар бу эрда тез кўпайиб, 1964 йилда Сирдарёга тушган. Балиқ хўжалигидаги ўсимликхўр балиқларни Ўзбекистоннинг бошқа сув ҳавзаларига ўтказилиши

натижасида илонбош ҳам улар билан бирга тарқалган. Ҳозирда Ўзбекистоннинг текислик қисмидаги барча ҳавзаларида учрайди.

Танаси чўзилган, олдинги қисми деярли цилиндрсимон. Орқа томони ёнидан биров сиқилган. Калласининг устки қисми ясси. Оғзи катта. Елка ва анал сузгич қанотлари узун. Калласи ва танаси кичкина циклоид тангачалар билан қопланган. Елка сузгич қанотида 47-53 та шохланган, анал сузгич қанотида 30-38 та шохланган шуълалари бор. Йон чизигидаги тангачалар сони 60-75 та. Ойкулоқ устунчалари 9-12 та кислород танқислигига чидамли, туриб қолган сувларда ҳам яшаши мумкин. Кислород танқислиги даврида танасидан шилимшиқ модда ажралиб танасини қоплайди ва қуриб қолишдан сақлайди ўзи эса атмосфера ҳавосини бевосита биринчи ойкулоқ ёйи ўсимталари ва ойкулоқ усти бўшлиғининг махсус илгакларидан ҳосил бўлган ойкулоқ усти органи орқали олади. Шуниси эътиборга молики, илонбош балиғи тоза сувда бўлса ҳам у атмосфера ҳавосидан ҳаво олиб турмаса ўлади. Сувсиз 5 суткагача яшаши мумкин. Сув ҳавзалари орасида узоқ масофаларга ҳам ўрмалаб ўтади. Йирик, узунлиги 1 метргача, оғирлиги 12 кг ва ундан ортиқ бўладиган балиқ. Сув ҳавзаларининг саёз ўсимликлар кучли ўсиб кетган жойларда учрайди.



52- расм Amur ilonbosh— (*Channa argus warpachowskii*)

Йиртқич, ўлжасига панадан туриб қўққисдан ҳужум қилади. Балиқ ва бошқа сув ҳайвонлари билан озиқланади. Қимматбаҳо овланиш аҳамиятига эга балиқ. Ҳовуз балиқчилигини ривожлантириш учун истиқболли тур ҳисобланади.

Овчилик хўжаликлари ва уларнинг биологик хилма-хилликни сақлашдаги роли

Ҳайвонларни овлаш ҳайвонот дунёсидан фойдаланишнинг кенг тарқалган усули бўлиб, бу одатда овчилик хўжаликларида амалга ошади. Бундай хўжаликлар нафақат ҳайвонларни овлаш, балки уларни муҳофаза қилиш орқали биологик хилма-хиллигини сақлаб қолиш йўналишида ҳам фаолият юритади. Ов қилиш ва ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш бўйича Халқаро кенгашнинг (*CIC–Conseil International de la Chasse*) асосий мақсади барқарор овга кўмаклашишдан иборат бўлиб, у ҳайвонларни овлашни табиий ресурслардан фойдаланишнинг оқилона усулига айлантириш бўйича дунё миқёсида фаол ўрин эгаллайди. Ушбу Халқаро кенгаш ҳайвонлар сонининг камайишига олиб келмайдиган овни табиий ресурслардан барқарор фойдаланишнинг бир тури сифатида баҳолайди, овчиларга эса ҳайвонот дунёсини сақлаб қолишга ўз ҳиссасини қўшувчи сифатида қарайди.

Бугунги кунда ҳар қандай экотизимнинг барқарорлиги ундаги биологик хилма-хиллик ва уни сақлаб қолишга йўналтирилган чора-тадбирлар самарадорлиги билан ўлчанади. Зоогеографик хусусиятига ва овчилик соҳасидаги давлат сиёсатига боғлиқ ҳолда, овчилик хўжаликларининг ташкилий тузилмаси, уни юритиш тизими ва самарадорлик даражаси ҳам турлича бўлади.

Республикамизнинг чўл зонасида, жумладан Бухоро вилоятида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар майдонининг нисбатан камлиги, ҳайвон турларининг яшабини таъминловчи муҳитларнинг асосан сув ҳавзалари ва уларнинг қирғоқ зоналарида шаклланганлиги бу ерда биологик хилма-хилликни сақлашда овчилик хўжаликларининг аҳамиятини янада оширади. Вилоятда овладиган турлар орасида кум товушқонидан (*Lepus Tolai*)

ташқари деярли барча турларнинг ҳаёти овчилик хўжаликларидаги табиий ва сунъий яратилган шароитлар билан бевосита ва билвосита боғлиқ бўлиб, бу ўз навбатида, хўжаликлар фаолиятини тубдан қайта кўриб чиқиш зарурлигини кўрсатади.

Вилоятдаги овчилик хўжаликларининг иқтисодий самарадорлиги пастлигига қарамай, улар нафақат ов объектлари, балки минтақадаги фауна барқарорлигини таъминлашда муҳим ўрин тутди. Чунки бу ердаги биохилма-хилликнинг асосий қисми овчилик ва балиқчилик хўжаликлари эгаллаган майдонлар ҳиссасига тўғри келади. Тадқиқотлар жараёнида овчилик хўжаликлари жойлашган жойдаги кўлларда сув сатҳининг пасайиши бу ерда овладиган турлар билан бирга, бутун экотизимда турлар сонининг камайишига ва сонининг пасайишига олиб келиши қайд этилди. Шу асосда айтиш мумкинки, ов хўжаликлари ҳайвонлардан фойдаланиш билан бирга, улар яшайдиган муҳитни муҳофаза қилиш, ов жараёнини назорат қилиш ва бошқа биотехник тадбирлар орқали экотизимлар барқарорлигини таъминлашга хизмат қилади.

Бугунги кунда Ўзбекистонда, жамоат ташкилоти саналган “Ўзбекистон овчи ва балиқчилар спорт бирлашмаси” ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси Давлат қўриқхоналари, миллий табиий боғлари ва овчилик хўжаликлари бошқармаси тасарруфидаги давлат ўрмон-ов хўжаликлари ва хусусий овчилик хўжаликлари овчилик фаолияти билан шуғулланади. “Ўзбекистон овчи ва балиқчилар спорт бирлашмаси” тасарруфида 38 та овчилик хўжаликлари бўлиб, улар эгаллаган умумий майдон 673.950 га ни ташкил этади. Жойларда мазкур бирлашманинг вилоят бўлимлари ҳам фаолият юритади.

Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси Давлат қўриқхоналари, миллий табиий боғлари ва овчилик хўжаликлари бошқармаси тасарруфида 5 та давлат ўрмон-ов хўжаликлари (Кўнғирот, Қозоқдарё, Қорақўл, Далварзин, Қолгансир) фаолият юритади ва улар эгаллаган майдон 4 060 187 га ни ташкил этади.

Хўжаликлар ўзларининг уставлари асосида ов қилиш ва балиқ овлашни ташкил этиш, табиатни муҳофаза қилиш, ундан оқилона фойдаланиш, ҳайвонлар саноғини юритиш, биотехник тадбирларни амалга ошириш, ов қилиш учун рухсатнома (йўлланма)лар сотиш каби вазифаларни бажаради.

Бухоро вилоятида овчилик билан шуғулланувчи хўжаликлар сони 10 та бўлиб, умумий майдони 102324 га ни ёки вилоят умумий ер майдонининг (39 400 000 га) 2,5 % ни ташкил этади. Бухоро вилоятида Қорақир, Шўркўл, Қумсултон каби 3 та овчилик хўжалиги Ўзбекистон овчи ва балиқчилар спорт бирлашмаси, 2 та Қорақўл давлат ўрмон-ов хўжалиги ва Қоровулбозор ўрмон ов хўжалиги Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси тасарруфида ва 5 та “Peshku Qoraqir Qo`rg`oni”, “Нефтьгазмонтаж”, “Дамир султон файз”, “Бухоронептқурилиш-монтаж”, “Ғиждувон шўркўл” МЧЖ лари овчилик билан шуғулланади. Вилоятда қайд этилган хўжаликлар чегарасидан ташқарида ҳам ов қилиш жараёнлари амалга оширилади.

3 - жадвал

**Бухоро вилоятидаги ов хўжаликлари тўғрисида маълумот
(муаллифлар томонидан тўпланган маълумотлар асосида)**

Ов хўжаликлари	Майдони (га. ҳисобида)	Жойлашган жойи ва биотопи
Қорақир	14175	Пешку тумани, Қорақир кўли. Сув-ботқоқ.
Қумсултон	7.200	Қорақўл, Олот, Жондор туманлари.
Шўркўл	2000	Ғиждувон тумани, Шўркўл кўли. Сув-ботқоқ.
Қорақўл давлат ўрмон-ов хўжалиги	6473	Қорақўл тумани, Тузкон кўли ва чўл зонаси. Сув-ботқоқ, чўл
Қоровулбозор ўрмон ов хўжалиги	2000	Қоровулбозор тумани, чўл
“Peshku Qoraqir Qo`rg`oni” МЧЖ	10.000	Пешку тумани, Қорақир кўли. Сув-ботқоқ.
Бухоронептқурилиш-монтаж	40.000	Қоровулбозор тумани (хадича, зикри, девхона)
Нефтьгазмонтаж МЧЖ	8423	Пешку тумани, Қорақир кўли. Сув-ботқоқ
Дамир султон файз МЧЖ	7039	Пешку тумани, Қорақир кўли. Сув-ботқоқ

Ғиждувон шўркўл МЧЖ	5014	Ғиждувон тумани, Шўркўл кўли. Сув-ботқоқ
---------------------	------	--

Овчилик хўжаликларининг табиат ва инсон хўжалигидаги аҳамияти ундаги турлар хилма-хиллиги, сони ва хўжаликнинг иқтисодий самарадорлиги (рентабеллиги) билан белгиланади. Аммо, бугунги кунда хўжаликнинг иқтисодий самарадорлигини баҳолашнинг аниқ механизмлари жорий этилмаган. Тадқиқотларимиз давомида овчилик хўжалигининг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш формуласи ишлаб чиқилди. Унга кўра, бир йилда хўжаликда овланган турлар ва уларнинг овланиш ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар асосида иқтисодий самарадорликни аниқлаш мумкин (4-жадвал).

4 - жадвал

**Қоракўл ўрмон-ов хўжалигининг иқтисодий самарадорлигини
аниқлаш (2017 йилги ҳисобот муаллифлар томонидан тўпланган
маълумотлар асосида)**

Тур номи	Овланиш ҳажми	Хўжаликнинг майдони (га. ҳисобида)	ЭКОИХ (184300 сўм)нисбатан коэффициент	Иқтисодий самарадорлик (сўм ҳисобида)
<i>Lepus capensis</i>	100	8313	0,02	368.600
<i>Anser anser</i>	50	8313	0,015	138.225
<i>Ўрдақлар</i>	500	8313	0,01	921.500
<i>Fulica atra</i>	200	8313	0,01	368.600
Жами				1.796.925

Жадвалдан кўриниб турибдики, 2017 йилда Қоракўл давлат ўрмон-ов хўжалигининг овчилик соҳасидаги иқтисодий самарадорлиги 1.796.925 сўмни ташкил этади. Бевосита ов фаолиятдан шаклланадиган иқтисодий самарадорликни хўжаликлар кесимида қиёслаш учун овчилик хўжаликларининг майдонини ҳам ҳисобга олиш зарур. Бунинг учун иқтисодий самарадорлик натижалари 1000 гектарли ўлчовдош майдонга экстраполяция қилинади. Бизнинг мисолимизда бу 216.158 сўмни ташкил этади ($1.796.925 \times 1000 : 8313 = 216.158$).

Ҳозирги вақтда овчилик хўжаликлари ўзларининг молиявий аҳволини яхшилаш мақсадида ов фаолиятидан ташқари асаларичилик, чорвачилик ва бошқа шу каби бошқа фаолиятлар билан ҳам шуғулланади. Мазкур йўналишларнинг иқтисодий самарадорлигини аниқлаш ва таҳлил қилиш орқали хўжаликларнинг нафақат овчилик соҳасидаги, балки экотизим барқарорлигини сақлашдаги ўрнини аниқлаш мумкин.

Овчилик хўжаликларининг иқтисодий самарадорлиги хўжаликнинг географик жойлашуви, муҳитнинг антропоген омиллар таъсирига берилганлик даражаси, браконьерлик, амалга оширилаётган биотехник тадбирлар, ов қилиш меъёрларининг тўғри белгиланиши ва бошқа қатор омилларга боғлиқ ҳолда кечади. Юқорида қайд этилган йўналишларда олиб борилаётган илмий-тадқиқот ишлари ва амалий тадбирлар эса замон талабларига жавоб бермайди. Бунинг натижасида соҳада бир қатор муаммолар шаклланишига сабаб бўлади.

Юқорида қайд этилган турли идоралар тасарруфидаги овчилик хўжаликларининг мақсади, вазифалари, масалани ҳал этишга нисбатан муносабатининг хилма-хил бўлиши уларнинг биологик хилма-хилликни сақлашдаги иштирокининг ҳам турлича бўлишига ва фаолият самарадорлигининг пасайишига олиб келиши мумкин. Шунини инобатга олган ҳолда, овчилик билан шуғулланувчи барча ташкилотларни идора қилишни ягона ташкилотга бириктириш мақсадга мувофиқ бўлади.

Таъкидлаш лозимки, овчилик хўжаликлари фаолиятида муҳим аҳамиятга эга бўлган биотехник тадбирларнинг деярли амалга оширилмаслиги ёки талабга жавоб бермаслиги ҳам бу муносабатларни тартибга солиш механизмларининг етарли эмаслиги билан боғлиқ. Мазкур муаммо кўп ҳолларда ҳайвонларнинг ноқулай табиий шароитлар юз берганда кўплаб нобуд бўлишига олиб келмоқда. Жумладан, 2007-2008 йилларда қиш мавсумида қаттиқ совуқ ва қор қопламанинг узок туриши натижасида, вилоятдаги деярли барча сув ҳавзаларининг музлаши оқибатида сувда сузувчи қушлар ҳаёти учун хавфли вазият шаклланди. Бу даврда тегишли биотехник

тадбирларнинг амалга оширилмаганлиги оқибатида кўплаб сувда сузувчи кушларнинг музлаб нобуд бўлиши, йиртқичларга ўлжа бўлиши ва браконьерлар томонидан ноқонуний овланиши қайд этилди.

Ю.О.Митропольская қайд этишича, Ўзбекистонда биологик ресурслардан, жумладан, хайвонот дунёсидан барқарор фойдаланмаслик, ноқонуний ов қилиш ва ов хўжалигини юритишни самарасиз бошқариш оқибатида ҳудуд фаунасига хавф етказилади.

Ўрганишлар натижасида, овчилик хўжаликлари фаолиятининг асосини ташкил этувчи биотехник тадбирларни (махсус озиқланиш жойлари, сунъий уялар яшаш, йиртқичлардан ҳимоя қилиш, бошпаналар ташкил этиш, ем-хашак тайёрлаш ва бошқ.) амалга оширишнинг талабга жавоб бермаслиги хўжаликларнинг иқтисодий аҳволининг ёмонлашувига ва турларнинг етарли даражада муҳофаза қилинмаслигига сабаб бўлувчи асосий омиллардан бири эканлиги аниқланди. Овчилик хўжаликларда биотехник тадбирларни амалга оширишга ажратилаётган маблағ миқдорининг камайиш йилдан-йилга тенденциясига эгаллиги ҳам бундан далолат беради. Жумладан, Ўзбекистонда 2014 йилда овчилик хўжаликларида биотехник тадбирларни амалга ошириш учун ажратилган маблағ 53.132.000 сўмни, 2017 йилда эса 3.820.000 сўмни ташкил этган. 1988 йилда овчилик ва балиқчилик хўжаликларини юритишга сарфланадиган умумий маблағнинг 65 % биотехник тадбирлар учун ажратилган бўлса, 1998 йилда ушбу кўрсаткич 6,5 %, 2006 йилда атиги 4 % ташкил этган.


Маълумки, турлар асосан нооқилона фойдаланиш ва яшаш муҳитларининг деградацияланиши оқибатида ноёб ва йўқолиб кетиш хавфи остидаги мақомга эга бўлади. Овчилик хўжаликларида биотехник тадбирларнинг амалга оширилмаслиги ёки қониқарсиз бажарилиши, уларни амалга оширишнинг турли идоралар тасарруфида бўлганлиги сабабли мақсади, вазифаси, масалани ҳал этишга нисбатан муносабати ва масъулиятининг турлича бўлиши ва умуман фаолиятларининг ўзаро

мувофиқлашмаганлиги хўжаликларнинг биологик хилма-хиллигини сақлаш бўйича амалга ошираётган чора-тадбирлар самарадорлигининг пасайишига олиб келмоқда.

Вилоятдаги овчилик хўжаликларининг экологик жиҳатдан қулайлиги сабабли бу ерда Ўзбекистон Республикаси “Қизил китоби”га, Табиатни муҳофаза қилиш Халқаро иттифоқининг “Қизил рўйхати”га ва CITES (“Йўқ бўлиб кетиш хавфи остидаги ёввойи фауна ва флора турларининг халқаро савдоси тўғрисида”ги Конвенция)нинг иловаларига киритилган ноёб ва йўқолиб кетаётган турлар (*Barbus brachycephalus*-Орол мўйловдори, *Tratoscincus sciccus*-Цинк геккони, *Varanus griseus*-Бўз эчкемар, *Egretta garzetta*- Кичик оқ қарқара, *Platalea leucorodia*-Қошиқбурун, *Aythya nyroca*- Оқкўз ўрдак, *Gazella subgutturosa*- Жайрон, *Lynx caracal*- Қорақулоқ ва бошқ.) учрайди. Мазкур турларнинг хўжаликларда учраши уларнинг маълум даражада муҳофаза қилиниши билан бирга, баъзан антропоген омиллар таъсиридан нобуд бўлишига ҳам сабаб бўлмоқда. Шу асосда овчилик хўжаликларида йўқ бўлиб кетиш хавфи остидаги ноёб турларни муҳофаза қилиш бўйича алоҳида чора-тадбирларини ишлаб чиқиш тавсия этилади.

Маълумки, Орол денгизининг қуриши ва ирригация тизимидаги қатор ўзгаришлар сув ва сув олди қушларининг ҳавзалар бўйлаб қайта тақсимланишига, сув биоценозларини муҳофаза қилиш масалалари долзарблигининг янада ошишига сабаб бўлмоқда. Бу эса регионда сув ҳавзаларининг тирик организмлар ҳаётидаги ролини янада ошишига сабаб бўлади. Ўзбекистонда буюртмахона мақомига эга бўлган кўллар (Судочье, Қорақир, Арнасой, Денгизкўл, Хадича, Қумсултон) республикада муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар умумий майдонининг атиги 7,5 % ни ташкил этишини инобатга олганда, келгусида уларнинг майдонини янада кенгайтириш зарур. Бухоро вилоятидаги давлат буюртмахонаси мақомига эга бўлган Қорақир, Денгизкўл, Хадича ва Қумсултон кўллари учиб ўтувчи ва қишлоғчи қуш турларининг ҳаётида муҳим аҳамиятга эга. Шундай бўлишига қарамасдан, мазкур кўлларнинг деярли барчасида ов фаолиятининг амалга

оширилиши қушларнинг яшаши учун бир қатор ноқулайликлар туғдирмоқда. Бундай қўлларда ов қилиш бўйича мораторий (ов қилишни маълум муддат чеклаш) эълон қилиш мақсадга мувофиқ бўлади. Бугунги кунда шундай амалиёт Қозоғистон ва Қирғизистонда қўлланилмоқда. Шу билан бир қаторда, Тўдақўл ва Қуйимозор сув омборларини ҳам Рамсар рўйхатига киритиш ва уларга орнитологик буюртмахона мақомини бериш, нафақат мазкур қўлларда, балки вилоятдаги овчилик хўжаликларида ҳам биологик хилма-хилликни сақлашга хизмат қилади. Албатта, бу ўринда Рамсар рўйхатида киритилган қўллар билан бир қаторда, овчилик хўжаликларининг ўзаро мувофиқликда фаолият юритишини таъминловчи мукамал бошқарув режаларини ишлаб чиқиш, гидрологик режимнинг бир хилда сақланишини таъминлаш, маҳаллий аҳоли, хусусан, овчилар ва балиқчилар орасида тарғибот-ташвиқот ишларини тўғри йўлга қўйиш зарур.



53 – расм. Бухоро вилоятидаги буюртмахоналар

**Овланадиган турлардан барқарор фойдаланиш бўйича мавжуд
қонунчиликнинг таҳлили**

Бугунги кунда мамлакатимизда ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш соҳасидаги муносабатлар, жумладан, ов қилиш ва балиқ овлаш ҳуқуқий жиҳатдан қатор қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солинади. Ўзбекистон ўз миллий манфаатларини ҳисобга олган ҳолда, ушбу соҳада халқаро муносабатларга интеграллашув мақсадида 1997 йилда “Йўқолиб кетиш хавфи остидаги ёввойи фауна ва флора турлари билан халқаро савдо қилиш тўғрисида”ги Конвенция (CITES)га, 1998 йилда “Ёввойи ҳайвонларнинг кўчиб юривчи турларини муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Конвенцияга, 2001 йилда “Сувда сузувчи қушларнинг асосий яшаш манзили бўлган халқаро аҳамиятга эга сувли-ботқоқ ерлар тўғрисида”ги Конвенцияга қўшилган.

Ҳозирги вақтда ов қилиш ва овчилик хўжалигини юритишга тегишли муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги, ва “Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида”ги Қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 20 октябрдаги “Биологик ресурслардан фойдаланишни тартибга солиш ва табиатдан фойдаланиш соҳасида рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш тартиби тўғрисида”ги 290-сонли қарори ҳамда Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг 2006 йил 22 мартдаги “Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ов ва балиқ овлаш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида”ги 27-сонли буйруғи билан тартибга солинади.

Амалдаги қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиётининг таҳлили ов қилиш ва ов хўжалигини юритишни ривожлантиришга тўсқинлик қиладиган ҳамда бартараф этилиши зарур бўлган айрим бўшлиқлар, қарама-қарши ва ҳаволанки нормалар мавжудлигини кўрсатмоқда. Жумладан, соҳани тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг тарқоқлиги, ваколатли давлат органининг, шунингдек, овчилик хўжаликлари ва овчилар ҳуқуқ ва мажбуриятларининг ноаниқлиги соҳада кўплаб қонун бузилишларининг келиб чиқишига, ҳайвонлар сони ва овланиш ҳажмларининг ҳисобини юритиш, биотехник тадбирларни амалга ошириш ишларининг ижроси

кониқарсизлигига сабаб бўлмоқда. Қайд этилган муаммолар республикамизда саноат ва спорт овининг ҳамда ов туризмнинг ривожланишига тўсқинлик қилиши билан бир қаторда, овчилик хўжаликларининг иқтисодий аҳволи пасайишига олиб келмоқда. Мазкур ҳолатнинг айрим жиҳатлари бошқа давлатларнинг соҳа тармоқларида ҳам қайд этилади. Ушбу муаммоларнинг аксарияти соҳа қонунчилиги билан боғлиқ бўлиб, уни такомиллаштиришни тақазо этади.

Қуйида соҳани бевосита тартибга солувчи ва унга доир амалиётда қўлланилаётган айрим меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг таҳлил натижалари муҳокама қилинади. Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг 2006 йил 22 мартдаги “Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ов ва балиқ овлаш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида”ги 27-сонли буйруғи билан “Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ов ва балиқ овлаш қоидалари” тасдиқланган. Мазкур ҳужжатда овланадиган ҳайвон турларининг рўйхати берилган бўлиб, унда айрим турлар, жумладан, “ғозлар”, “ўрдаклар”, “балчиқчилар”, “заҳарли илонлар”, “калтақесаклар” ва бошқалар гуруҳ ҳолида келтирилган. Маълумки, уларнинг таркибида жуда кўп турлар учрайди, бироқ ҳужжатда улардан қайсиларини овлаш мумкин ёки мумкин эмаслигини аниқлашнинг имкони йўқ, бу гуруҳлар таксономик ва экологик гуруҳларга ҳам мос келмайди, уларнинг таркибида Ўзбекистон “Қизил китоби”га киритилган турлар ҳам учрайди. Рўйхатда берилган турларнинг айримлари (мусича, қумри ва бошқ.) миллий урф-одатларга кўра халқимиз томонидан муҳофаза қилинади ва овланмайди. Рўйхатда келтирилган “балчиқчилар”га мансуб 50 турдаги қушлар деярли овланмайди. Ўзбекистонда саноат ови йўқлигига қарамай, саноат мақсадида овланадиган турлар рўйхати алоҳида келтирилган. Алоҳида муҳофаза қилинадиган ҳайвонлар рўйхатида берилган турларнинг қандай мақомга эгалиги ноаниқ. Санаб ўтилган камчиликлар ушбу ҳужжатдан фойдаланувчиларни чалғишига ва овчиларнинг адашиш оқибатида муҳофаза қилинадиган турларни овлашига ва бошқа муаммоларнинг келиб чиқишига сабаб бўлади. Овлашга рухсат этилган турлар рўйхатининг номукамаллиги

хатто баъзи илмий мақолаларда ҳам айрим турларнинг ов объекти сифатида нотўғри кўрсатилишига олиб келган.

Халқаро амалиётни ўрганиш ва таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, ваколатли давлат органлари, овчилик хўжаликлари ва овчиларнинг ҳуқуқ-мажбуриятлари қонунчиликда аниқ кўрсатилиши ва унга риоя қилиш талаблари, овчилик хўжалигининг мукамал режа асосида фаолият юритиши ҳайвонлар сонининг ошишига олиб келади. Тадқиқот ўтказилган овчилик хўжаликларидаги ходимлари фикрини ўрганиш натижалари, статистик маълумотлар ва шахсий кузатувларимиз табиий ресурслардан ноқонуний фойдаланишга, жумладан, браконьерликка нисбатан миллий қонунчилигимизда қўлланиладиган санкцияларни ошириш зарурати борлигини кўрсатади. Жумладан, ҳайвонот дунёси объектларидан ноқилона фойдаланиш оқибатида содир бўлаётган ҳуқуқбузарликлар бугунги кунда ўсиш тенденциясига эга бўлиб, уларнинг аксариятини браконьерлик ташкил этади. Ҳуқуқбузарликларни фож қилиш ва унинг олдини олиш борасидаги профилактик тадбирлар, ов қилишга нисбатан белгиланган турли чеклашлар (ов муддатларини қисқартириш, квоталарни камайтириш ва бошқ.), ноқонуний ов фаолиятини амалга оширувчиларга нисбатан қўлланиладиган маъмурий ва жиноий жавобгарликлар ўзининг самарасини бермаяпти. Мазкур ҳолат соҳа қонунчилигини янада такомиллаштиришни тақазо этади.

Экспертларнинг фикрича, ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш соҳасидаги қонунчилик талабларининг бузилиши кенг тарқалган бўлиб, браконьерлик билан боғлиқ жиноятларнинг 65-70 фоизи аниқланмасдан қолади. Ўзбекистонда 2015 йилда жами 6016 та табиатни муҳофаза қилиш қонунчилигининг бузилиши аниқланган ва шундан 382 таси ёки 6,3 % овчилик соҳасига тегишли бўлган. Ушбу кўрсаткичлар мос равишда 2016 йилда 4.996, 113 (2,2%), 2017 йилда 4.285, 400 (9,3%) бўлган. Ўзбекистондаги овчилик хўжаликлари кесимида эса 2015 йилда 313 та табиатни муҳофаза қилиш қонунчилигининг бузилиши аниқланган бўлиб, шундан 108 таси (34,5%)

овчилик соҳасига тегишли бўлган. Ушбу кўрсаткичлар мос равишда 2016 йилда 402, 125 (31,1%), 2017 йилда 26599 (37,3%) бўлган.

Қадимдан Марказий Осиёда, жумладан, Ўзбекистонда айрим турлар (*Equus hemionus*-Кулон, *Sus scrofa-ёввойи чўчқа*) миллий урф-одатлар доирасида муҳофаза қилинган ёки уларнинг гўштини истеъмол қилиш гуноҳ саналганлиги учун овланмаган. Ҳозирги вақтда қайд этилган турларнинг турли мақсадларда (гўшти истеъмол қилиниши, тижорати, турли касалликларни даволашдаги ўрни туфайли ва бошқ.) баъзан кўплаб овланиши кузатилади. Ўзбекистон 2001 йилда қўшилган “Сувда сузувчи қушларнинг асосий яшаш манзили бўлган халқаро аҳамиятга эга сувли-ботқоқ ерлар тўғрисида”ги Конвенциянинг 4-моддасида ҳар бир аҳдлашувчи томон сувда сузувчи қушларни сувли-ботқоқ ерларида табиий резерватлар ташкил этиш йўли билан муҳофаза қилиши ҳамда бундай қушлар сонини кўпайтириш чораларини кўриши белгилаб қўйилган. Шунга қарамай, бугунги кунга қадар республикамиздаги Рамсар рўйхатига киритилган кўлларни бошқаришнинг аниқ режаси йўқ. Сувда сузувчи қушларни ва сув биоценозларини комплекс муҳофаза қилишга қаратилган мазкур Конвенция доирасида олиб борилаётган фаолият талабга жавоб бермайди.

Ҳолбуки, мазкур сув омборлари ва шу каби бошқа йирик сув ҳавзаларини Рамсар рўйхатига киритиш ҳамда қайд этилган Конвенция доирасида фаолият юритиш, асосан, сув ҳавзалари ва уларнинг қирғоқ зонасида ташкил этилган овчилик хўжаликларида ҳам турлар хилма-хиллиги ва сонининг ошишига ижобий таъсир кўрсатади.

Юқорида қайд этилганлардан кўриниб турибдики, Ўзбекистонда ов қилиш, овчилик хўжалигини юритиш ва овладиган турлардан барқарор фойдаланиш соҳаларидаги муносабатларни тартибга солувчи қонунчиликни такомиллаштиришга эҳтиёж бор. Ўрганишларнинг кўрсатишича, мазкур соҳалардаги муносабатлар қатор хорижий давлатларда, жумладан, Германия, Франция, Япония, Туркия, Венгрия, Россия, Польша, Беларуссияда алоҳида қонун билан тартибга солинади. Биологик ресурслардан, жумладан,

овладаниган турлардан барқарор фойдаланишни таъминлашда тадбиркорлик субъектларига шартнома асосида бириктирилган яйловлар ва сув ҳавзаларида турларни, уларнинг яшаш муҳитларини муҳофаза қилиш йўналишидаги тадбирларни амалга оширишнинг ва уни назорат қилишнинг қонуний асослари етарли даражада ишлаб чиқилмаган. Шу сабабли бундай ерлардан чорвачилик ёки балиқчилик соҳасида фойдаланиш ҳуқуқини қўлга киритган тадбиркорлар ўта муҳим бўлган биоценознинг барқарорлигини таъминлаш масаласига етарли эътибор қаратмайди. Келгусида тадбиркорларга беркитилган яйлов ва сув ҳавзаларидан оқилона фойдаланишни таъминлашга қаратилган нормаларни қонун ҳамда қонуности ҳужжатларида мустаҳкамлаш юқоридаги муаммоларни ҳал этишда муҳим аҳамиятга эга.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, ов хўжаликларида олиб бориладиган айрим биотехник тадбирларнинг илмий асосланмаганлиги, соҳадаги муносабатларни тартибга солувчи қонуности ҳужжатларида бўшлиқларнинг мавжудлиги, шунингдек, “Ўзбекистон овчи ва балиқчилар спорт бирлашмаси”, ўрмон-ов хўжаликлари ва масъулияти чекланган жамиятлар каби ов хўжаликларини юритувчи ташкилотларнинг мақсади, вазифалари, масалани ҳал этишга нисбатан муносабати ва масъулиятининг хилма-хиллиги каби муаммолар ҳудуд биологик хилма-хиллигини сақлаш борасидаги фаолият самарадорлигининг пасайишига олиб келмоқда.

Овчилик хўжаликларининг самарадорлигини ошириш йўллари

Ҳайвонот дунёси объектларидан турли мақсадларда фойдаланиш мумкин, аммо ҳайвонларни овлаш унинг асосини ташкил этади. Шу нуқтаи назардан қараганда, овчилик хўжалигини юритишни оптималлаштириш ҳайвонот дунёсидан фойдаланишнинг долзарб масалаларидан бири саналади.

Овчилик хўжалигининг молиявий барқарорлиги соҳа қонунчилик асосларининг такомиллашиш даражасига ва хўжалик юритишни тўғри ташкил этилишига, аҳолининг экологик онги ва маданиятининг тараққий этганлигига боғлиқ. Ҳозирги вақтда республикамиздаги овчилик хўжаликларининг бевосита ҳайвонларни овлашдан оладиган даромадлари ҳайвонларнинг

ҳисобини юритиш, биотехник тадбирларни амалга ошириш, ов жараёнини уюштириш ва бошқа шу каби тадбирларга сарфлайдиган харажатларини коплай олмайди. Оқибатда хўжалик юритишни оптималлаштириш учун ўта муҳим саналган мазкур тадбирларнинг ижроси етарли даражада бажарилмайди. Қайд этилган масалаларни ҳал этиш бўйича тегишли чора-тадбирлар ишлаб чиқиш долзарб вазифалардан ҳисобланади.

Браконьерликнинг олдини олиш овчилик хўжаликлари самарадорлигини таъминлашда алоҳида аҳамиятга эга. Бу ўринда овчилик хўжаликларида тарғибот-ташвиқот ишларини тўғри йўлга қўйиш, айниқса хўжаликлардан маданий-маърифий ва эстетик мақсадларда фойдаланиш (саёҳатлар уюштириш, видеофильмлар тайёрлаш, табиат музейларини ташкил этиш, таълим муассасалари учун зоология коллекциялари яратиш) бўйича олиб бориладиган ишлар яхши самара беради.

Тадқиқотлар давомида айрим турдаги (ёввойи чўчка, бўрсиқ) ҳайвонларни овлашда уларнинг ёш ва жинс нисбатлари эътиборга олинмаслиги аниқланди. Бунинг сабаби, биринчидан, овчиларнинг ҳайвонлардаги жинсий деморфизм тўғрисидаги тушунчаларга эга эмаслиги бўлса, иккинчидан қайд этилган турларнинг жуда кам сонда учраши, яъни уларни ёши ёки жинсига кўра танлаш имкониятининг чекланганлиги билан асосланиши мумкин. Мазкур муаммо популяцияда репродуктив вакилларнинг камайиб кетишига олиб келади ва оқибатда популяциянинг қайта тикланиши учун узоқ муддат зарур бўлади.

Халқаро амалиётнинг кўрсатишича, замонавий овчилик хўжаликлари хўжаликнинг мавқеини кўтарувчи ва овчилар томонидан қадрланувчи ов объектларини махсус кўпайтиришга ихтисослашган. Биз ўрганган хўжаликлар молиявий аҳволининг қониқарсизлигига мутахассислар етишмаслиги, тегишли кўргазмали методик қўлланмалар билан етарли даражада таъминламаганлиги сабаб бўлган. Уларда ов объектларини махсус кўпайтириш ва иқлимлаштириш тадбирлари амалга оширилмайди. Бухоро вилоятидаги овчилик хўжаликларида *Myocastor coypus* ва *Mustela lutreola* ни

иқлимлаштириш ҳамда *Ondatra zibethicus*- ондатрани кўпайтириш орқали саноат овини йўлга қўйиш иқтисодий жиҳатдан самарали саналади. Вилоятнинг овчилик хўжаликларидаги шароитлар ушбу тадбирни амалга ошириш учун етарли. Шу ўринда таъкидлаш ўринлики, қайд этилган ва бошқа кўпгина муаммолар айнан республикамизда овчилик хўжаликлари учун махсус мутахассислар тайёрлаш йўлга қўйилмаганлиги билан ҳам узвий боғлиқ.

Тадқиқотлар натижасида аксарият овчиларнинг овлашга рухсат этилмаган ва баъзан Ўзбекистон “Қизил китоби”га киритилган турларни овлаши уларнинг мазкур турлар тўғрисида етарли маълумотга эга эмаслиги оқибатида содир бўлиши кузатилди. Худди шундай, овчилик хўжаликларида сувда сузувчи қуш турларини кечқурун ва тунда ов қилиш бир қатор қулайликларга эга. Жумладан, сутканинг қоронғи даврида сувда сузувчи қушларнинг фаоллиги нисбатан пасаяди ва қушларнинг бир жойга йиғилиши овчиларнинг ов қилиши учун қулайлик яратади. Тунда ов қилишнинг салбий жиҳати қуйидагилардан иборатлиги аниқланди: ноёб ва йўқ бўлиб кетиш хавфи остидаги турларни адашиб отишнинг кўпаяди, яраланган объектларни топиш имконияти камаяди, қушларни ва бошқа ҳайвонларни безовта бўлиши, бошпаналаридан чиқиб кетишига сабаб бўлади. Қайд этилган ҳолатларнинг олдини олишда овчилик маданияти шакллантириш, овчиларни етарли услубий қўлланмалар билан таъминлаш, кечқурун ва тунда ов қилишнинг олдини олиш талаб этилади.

Овчилик хўжаликларининг тараққиётида ўтган асрнинг ўрталарида кенг миқёсда ривожланган ва бугунги кунда тугатилган саноат ови ўта муҳим ўрин тутган. 1950 йилларда МДХ миқёсида тайёрланадиган ондатра мўйнасининг 20% Амударё дельтасида етиштирилган ва шу каби қимматбаҳо мўйна берадиган бошқа ҳайвон турларини иқлимлаштириш ҳамда кўпайтириш йўналишидаги ишлар бажарилган. Саноат овининг йўқолиб кетиши мўйнага бўлган талабнинг камайиши, мўйна қабул қилувчи ташкилотларнинг тугатилиши ва бу соҳанинг ўз ҳолига ташлаб қўйилганлиги,

натижада ушбу мақсадда овладиган ҳайвонлар сонининг кескин камайиб кетганлиги билан боғлиқ. Келгусида халқаро амалиётни ўрганиш асосида овчилик хўжаликларида саноат мақсадларидаги ов турини йўлга қўйиш ва у билан шуғулланувчи овчилик хўжаликларини рағбатлантириш соҳа ривожиди муҳим аҳамият касб этади. Шу билан бирга, хўжаликнинг потенциал имкониятини мониторинг қилиш, баҳолаш ва прогнозлаш ҳам хўжалик фаолиятини оптималлаштиришга ҳамда биологик хилма-хилликни сақлашга хизмат қилади.

Табиий ресурсларни, жумладан, овчилик хўжаликларида ҳайвонот дунёсини тўлақонли муҳофаза қилишда жамоатчилик иштироки муҳим аҳамиятга эга. Ўрганишлар ва сўровномалар натижасида овчилик билан шуғулланувчилар, хўжаликлар атрофидаги аҳоли ва ҳатто жамоатчи инспекторлар Ўзбекистон “Қизил китоби”га киритилган ёки ов объекти саналмайдиган турлар ва умуман, ов қилиш тўғрисидаги билимларга эга эмаслиги аниқланди. Бу уларнинг тегишли методик қўлланмалар ва бошқа ахборот манбалари билан етарли даражада таъминланмаганлиги, баъзи қўлланмалардаги маълумотларнинг эскилиги ва ҳозирги талабга жавоб беролмаслиги билан изоҳланиши мумкин.

Овчилик хўжалигининг жойлашган ўрни, ов ресурсларининг сифати ва миқдори, овчилар сони, овчилик маданияти каби қатор ижтимоий-иқтисодий омиллар хўжалик фаолиятининг самарадорлигини белгилайди. Вилоятда овчилар сонини ошириш ва уларнинг ихтисослашувини таъминлаш ҳам хўжалик фаолиятини оптималлаштиришда алоҳида ўрин тутди. Ўзбекистонда 2018 йилнинг июнь ҳолатида расман рўйхатга олинган овчиларнинг умумий сони 38000 нафарни ташкил этган. 1990 йилда Бухоро вилоятида овчилар сони 4000 нафар бўлган бўлса, 2018 йилда бу кўрсаткич 20 % га камайган ва 3200 нафарни ташкил этган ёки 1000 кишига 1,7 та овчи тўғри келган. Қиёслаш орқали бу кўрсаткичларнинг ниҳоятда пастлигини кўриш мумкин. Жумладан, Россиянинг Олтой ўлкаси жанубий-ғарбида жойлашган 3 та районда (Волчихин, Михайлов, Углов) 2450 нафар овчи ёки 1000 та аҳолига

42 та овчи тўғри келса, бутун Олтой ўлкаси бўйича бу кўрсаткич 19 тани ташкил этади. Мазкур ўлкада овчиларнинг 95 %, хусусан, сувда сузувчи қушларни овлаш билан шуғулланади ва шу мақсадда сотиладиган чипталардан олинган даромад овчилик хўжаликларининг умумий йиллик даромадининг 62-70 %ни ташкил этади.

Таҳлилларнинг кўрсатишича, ов қуролларининг маълум муддатга олиб қўйилиши ҳамда қуроллар, ўқ-дори ва бошқа овчилик ашёларининг тақчиллиги ёки нархининг юқорилиги, ов қуролларига эгалик қилиш, ов қилишга рухсат бериш тартиб-таомилларининг етарли даражада такомиллашмаганлиги, айрим ов объектлари миқдорининг камлиги каби омиллар республикамизда овга қизиқувчилар сонининг ҳамда ов жараёнидан келадиган даромаднинг камайишига сабаб бўлади.

Ўрганилган овчилик хўжаликлари, асосан, ов қилишни уюштириш билан шуғулланади. Келгусида ўрганилган хўжаликларнинг молиявий аҳволини яхшилаш мақсадида уни комплекс тарзда бошқаришни жорий этиш жумладан, ов туризмини ва саноат овини йўлга қўйиш, ҳайвонлардан олинадиган мўйна ва пат-парларни қабул қилувчи ва ундан маҳсулот ишлаб чиқарувчи тадбиркорлик субъектларини шакллантириш масаласи долзарблигича қолмоқда. Ўрганишлар натижасида айрим овчилик хўжаликларида овланган қушлар ўша жойнинг ўзида тозаланиши ва уларнинг пат-парлари ўша ерда ташлаб юборилиши кузатилди. Республикамизда қимматбаҳо пат-пар берувчи қушлар кўплаб овланишини, барча овчилик хўжаликларида ондатра етиштириш имконининг мавжудлигини инобатга олган ҳолда, келгусида ушбу қимматбаҳо хом-ашёсидан тайёр маҳсулот ишлаб чиқарувчи тадбиркорлик субъектларини бевосита овчилик хўжаликлари қошида ташкил этиш ёки улар билан шартнома асосида ишлаш янги ишчи ўринлари яратилиши билан бирга, овчилик хўжалигининг иқтисодини кўтарувчи истиқболли лойиҳа ҳисобланади.

Хўжаликлар фаолиятини оптималлаштиришда овни уюшган ҳолда амалга ошириш ҳам алоҳида аҳамият касб этади. Кўпчилик ҳолларда, тегишли

тавсия ва бошқа ахборотларга эга бўлмаган овчилар томонидан овнинг тарқоқ ҳолда амалга оширилиши кузатилади. Тарқоқ ҳолда ов қилиш жараёни овланган турлар ҳисобини юртиш ва бошқа назорат қилиш ишларини қийинлаштиради.

Хўжаликлар фаолиятини оптималлаштиришда овчиларнинг тегишли стандартларга мос келадиган замонавий ов қуроллари ва ўқ-дорилар билан таъминланиши масаласи ҳам долзарблигича қолмоқда. Кейинги йилларда овчилар томонидан стандартларга жавоб бермайдиган қўлбола усулда тайёрланган сочма ўқ (питра) ва портловчи моддалардан тайёрланган порохлардан фойдаланиш ҳолатлари кузатилмоқда. Бундай қуроллар ва ўқ-дорилар овнинг самараси пасайишига, кўп сондаги яраланган ҳайвонларнинг қочишига, айниқса, қушларнинг узоқ масофага учиб тушишига ҳамда овчининг ўлжасиз қолишига сабаб бўлади. Мазкур масала ҳам соҳада тегишли ислохотларни ўтказишни тақазо этади.

Республикамиздаги овчилик хўжаликларининг иқтисодий манбаи, асосан, ҳайвонларни овлашни ташкил этиш хизматларини кўрсатишдан иборат. Овчилик хўжаликлари фаолиятини оптималлаштиришда ҳайвонларни кўчириш, иқлимлаштириш ва қайта иқлимлаштириш, сунъий кўпайтириш, улардан маданий-маърифий, эстетик, зоология коллекцияларини яратиш ва бошқа мақсадларда кенг фойдаланиш алоҳида аҳамиятга эга.

Республикимизда овчилик хўжаликларининг иқтисодий самарадорлиги ошишида муҳим ўрин тутган спорт ва саноат овини ҳамда бугунги кунда долзарб бўлган ов туризмининг йўлга қўйиш хўжаликларнинг иқтисодий аҳволини яхшилашга хизмат қилади. Бу мақсадда, аввало, хўжаликларга имтиёзли кредитлар ажратиш, солиқ юкини камайтириш ва бошқа имтиёзлар бериш орқали қайд этилган ов турларининг йўлга қўйиш учун зарур инфратузилмани шакллантириш ва қулай муҳит яратиш зарур.

Овчилик хўжаликларида ов туризмининг жорий этишнинг истикболлари

Туризм дунё иқтисодиётида, жумладан, кўпгина давлатлар ялпи ички маҳсулотининг шаклланишида етакчи ўринни эгалайди. Бугунги кунда биздаги анъанавий туризм ва кўрсатилаётган хизматлар истеъмолчиларнинг эҳтиёжларини тўлиқ таъминлаш учун етарли эмас. Бу ҳолат туризм бозорида истеъмолчининг талабларига мос туризм шакллари, жумладан, ов туризмини жорий этишни ҳам талаб этади.

Бугунги кунда дунё миқёсида ов қилиш ва балиқ овлашга йўналтирилган ов туризми кенг оммалашиб бормоқда. Ов туризмини ривожлантириш нафақат ов хўжаликларининг иқтисодий аҳволини яхшилашга, балки қўшимча ишчи ўринларини яратиш орқали аҳолининг бандлигини таъминлашда ҳам алоҳида аҳамият касб этиши билан долзарбдир. Ов туризми соҳасидаги муаммоларни ҳал этиш ва соҳани халқаро илғор тажрибалар асосида шакллантириш ов хўжаликларининг ривожланишига, овланадиган ҳайвонлардан барқарор фойдаланишга, ҳайвонлар популяцияси деградацияланишининг олдини олишга олиб келади.

Бухоро вилоятида овланадиган ҳайвонларнинг асосий қисми асосан кўлларда ва уларнинг қирғоқ зоналарида ташкил этилган ов хўжаликларида учрайди. Бундай хусусият ов қилиш ва балиқ овлаш туризмини бир жойда ташкил этиш учун жуда қулайлик яратади.

Ов туризми Австралия, Австрия, Руминия, Венгрия, Ботсвана, Аргентина, Қирғизистон, Тожикистон, Танзания, Канада, Африка ва Жанубий-Шарқий Осиёда ва бошқа қатор давлатларда ривожланган бўлиб, ушбу давлатлар ов қилиш ва балиқ овлаш туризми инфратузилмасининг шаклланиши ва ривожланиши жиҳатидан ўзаро фарқланади.

Ов қилиш ва балиқ овлаш туризмнинг асосий мақсади ёввойи ҳайвон турини қидириш, таъқиб қилиш, уни қўлга киритишдан иборат бўлиб, бунда спорт ови туридан фойдаланилади ва иқтисодий фойда олиш кўзда тутилмайди. Бундай туризм ихтисослашган овчилик ва балиқчилик хўжаликлари, туристик ташкилотлар томонидан пуллик хизмат асосида ташкил этилиши мумкин. Туризмнинг бу турида тегишли рухсатномаларга эга

бўлган сайёҳлар уларни кузатувчилар ҳамроҳлигида маълум муддатга овчилик ва балиқчилик хўжаликларига боради, у ерда ов қилиш ва балиқ овлаш билан бир қаторда, белгиланган маршрутлар бўйича саёҳат қилади.

Ўрганишлар натижасида Бухоронинг туристик салоҳияти юқорилигини ҳамда ов қилиш учун қулай бўлган жойларнинг мавжудлигини инобатга олган ҳолда, бу ерда ов туризмини йўлга қўйиш имкониятларининг кенглиги аниқланди. Ов туризмини ташкил этишда, биринчи навбатда, овчилик хўжалигида овчиларнинг маълум муддат яшашини таъминловчи инфратузилма зарурлигини, овланиши режалаштирилган турнинг хўжаликда учраши ва унинг овладиган турлар рўйхатига киритилганлигини эътиборга олиш муҳим аҳамиятга эга. Иккинчидан, тур операторлар ва овчилик хўжалигининг раҳбарлари белгиланган турни овлаш учун қулай бўлган маршрут ёки жойнинг олдиндан аниқланган режасини, овланиши режалаштирилган ҳайвонни овлаш сингари хизматлар учун тўладиган тўлов миқдорини, туристнинг ҳудудда бўлиш муддати билан ов қилиш муддатининг ўзаро мос келишини, ов жараёни ва техника хавфсизлиги учун зарур воситалар билан таъминланганлик даражасини ҳамда овнинг атроф- муҳитни муҳофаза қилиш соҳасига тегишли қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатлар асосида амалга ошишини ва умуман шу каби муҳим масалалар бўйича ўзаро келишиб олиб фаолият юритиши зарур.

Ов қилиш ва балиқ овлаш туризмининг бошқа туризмлардан фарқли томонларидан яна бири унинг мавсумий хусусиятга эгалигидир. Ўзбекистонда овлашга рухсат этилган Бухоро вилоятида учрайдиган ов ҳайвонларини овлаш 15 августдан (*Columba livia-ёввойи каптар, Coturnix coturnix-бедана*) бошланади ва 1 февралгача (сувда сузувчи қуш турлари ва бошқ.) давом этади. Бу муддат тўлиқ куз ва қисман қиш мавсумига тўғри келади. Одатда, бу мавсумда Ўзбекистон, жумладан, Бухорога анъанавий туризм иштирокчиларининг оқими нисбатан камаёди ва ов туризмига хизмат кўрсатиш учун имкониятлар кенгаяди. Шу билан бирга, вилоятдаги овчилик хўжаликлари замонавий меҳмонхоналарга эга бўлган шаҳар ва туман

марказларидан узоқ масофада жойлашмаганлиги учун хўжаликларга кунлик қатнаш ҳам мумкин.

Ҳар бир давлат ўзининг ҳайвонот дунёсининг хилма-хиллиги, турларнинг муҳофазаланиш мақоми, иқтисодий ҳолатидан келиб чиққан ҳолда, ов туризми қизиқувчилари учун ҳар хил турларни таклиф қилади. Европада оммабоп бўлган ов объекларига айрим буғу турларини, айиқларни, ёввойи чўчқаларни, Россияда товуқсимонлар, лось ва ёввойи чўчқани, Марказий Осиёда, ёввойи қўйлар ва ёввойи эчкиларни киритиш мумкин. Ов туризми ривожланган давлатлар овчиларни жалб қилиш учун ов объектлари ва уларни овлаш ҳамда хизмат кўрсатиш учун сарфланадиган маблағлар тўғрисидаги маълумотлардан иборат рекламалар эълон қилиб боради. Бухоро вилоятидаги овчилик хўжаликларида ов туризми учун етарли шароитлар яратилмаганлиги сабабли, бундай рекламалар ва таклифлар амалиёти йўлга қўйилмаган.

Бугунги кунда ов туризми овчидан профессионал ов қуроллари, тегишли лицензия, рухсатномалар ва хизматлар кўрсатиш учун кўп маблағ сарфлашни талаб этадиган ривожланиб бораётган соҳа бўлиб, у жаҳонда дам олишнинг элитар тури саналади. Жумладан, Ғарбий Сибирда туристик ов иштирокчиси бир бош сибир буғусини овлаши учун ташкил қилинадиган бир ҳафталик ов учун ўртача 36.000.000 сўм, каркур ва ғозлар учун 7.440.000 сўм сарфлайди. Нархлар ов объектларининг тури, миқдори, кўрсатиладиган хизматлар шакли, ўлжаларни олиб чиқиб кетиш ва бошқа кўрсатиладиган хизматларнинг тури ҳамда сифатига белгиланади ва ўзгариб туради. Шундай имкониятлар республикамиздаги қатор овчилик хўжаликларида, жумладан, Бухоро вилоятида ҳам мавжуд. Вилоятда ов туризмини жорий этиш ва уни ривожлантириш натижасида: овчилик хўжалигининг иқтисодий самарадорлиги ошади; турларни муҳофаза қилиш, қайта тиклаш, барқарор фойдаланиш ва маҳсулдорлигини оширишга йўналтирилган биотехник тадбирлар ўз муддатида ва етарли даражада ўтказилади; браконьерликнинг олдини олиш ва назорат қилиш бўйича фаолият кучаяди; овчилик

хўжаликлари ҳудудида чорва молларини боқиш, ўсимликларни пайҳон қилиш ва бошқа антропоген таъсирларнинг олди олинади; овни илмий асосда ва тегишли режа асосида амалга оширишга эришилади; хўжаликнинг атрофини чегаралаш, тегишли тартибда кардонлар ўрнатиш ва бошқа шу каби масалалар ҳал этилади.

Маълумотларга қараганда, Ўзбекистонга ов туризми билан шуғулланиш мақсадида 2015-2018 йилларда жами 27 та чет эллик фуқаролар ташриф буюрган ва улардан кўрсатилган хизматлар учун жами 9799 млн сўм тўлов ундирилган.

Мамлакатимизда табиий кўлларнинг балиқчилик соҳаси билан шуғулланувчи тадбиркорлик субъектларига бириктирилиши, балиқ ови туризми йўналишини ривожлантиришда муҳим ўрин эгаллайди. Тадқиқотлар ўтказилган овчилик хўжаликларининг сув ҳавзалари, уларнинг қирғоқ зонасида жойлашганлиги ва асосий ов объектлари сувда сузувчи қушлардан ташкил топганлиги ҳам балиқ ови билан бирга, бир қанча турдаги қушлар овини биргаликда олиб бориш учун қулайлик яратади.

Ов қилиш ва балиқ овлаш туризмнинг самарадорлиги овчилик хўжаликларининг жойлашган ўрни, уларга бориш йўлининг қулайлиги, у ерда мавжуд шароитлар ва яратилган қўшимча имкониятлар, хўжаликдаги турларнинг хилма-хиллиги каби омилларга узвий боғлиқ. Мазкур омилларни максимал 3 баллик тизимда баҳолаш орқали вилоятдаги овчилик хўжаликларининг ов туризмидаги самарадорлигини ҳисоблаш мумкин

Бир пайтлар овчи қуш иштирокида амалга ошириладиган спорт ва ҳаваскорлик ови Венгрияда оммалашган бўлиб, бу йўналиш кейинги йилларда қатор давлатларда янада ривожланиб бормоқда. Марказий Осиёнинг айрим ҳудудларида кундузги йиртқич қушлардан (*Aquila chrysaetos*, *Accipiter nisus*, *Accipiter gentiles*) ов мақсадида фойдаланиш бугунги кунгача сақланиб қолган. Аниқланишича, вилоятдаги овчилик хўжаликларида йиртқич қушлар иштирокида ов уюштириш амалиётини

йўлга қўйиш мумкин. Бунда овни амалга ошириш учун ҳудуд рельефининг текистлиги, ҳамда қушлар билан овлаш мумкин бўлган ов объектларининг мавжудлиги (тулки, чиябўри, қум товушқони, қирғовул, қорабовур, йўрға тувалоқ ва сувда сузувчи қуш турлари) каби омиллар қулайлик яратади. Жумладан, йиртқич қуш турлари билан ов қилиш амалиёти, ҳозирда вилоятнинг чўл зонасида йўлга қўйилган йўрға тувалоқларни овлаш мақсадида амалга оширилмоқда ва бундай овни тўлиқ ов туризми сифатида тавсифлаш мумкин.

Н.А. Боровая таъкидлашича, орнитологик туризмга ихтисослашган туристик фирмаларни ташкил этиш овчилик хўжаликларида 4-5 ой давом этадиган ов мавсумидан ташқари, йил бўйи қушларни кузатиш имконини беради. Ўзбекистонга, жумладан, Бухоро вилоятига 1990 йиллардан буён орнитологик туризм йўналишида хорижий сайёҳлар маҳаллий орнитологлар билан биргаликда келиши кузатилади. Уларнинг асосий мақсади, ўз мамлакатада учрамайдиган ва ўзларини қизиқтирган қуш турларини суратга олиш, уларнинг овозларини ёзиш, экологиясининг айрим жиҳатларини ўрганишдан иборатдир. Шу асосда қушларнинг кўпайиши, айниқса, уларнинг миграция даврида орнитологик туризмни амалга ошириш ва туризмнинг бу турини ҳам вилоятдаги овчилик хўжаликларига уюштириладиган ов туризми соҳасига уйғунлаштириш мумкин.

Вилоятдаги барча овчилик хўжаликларида уюштириладиган ов кўпроқ, ҳаваскорлик ови бўлиб, бу жараёнда, асосан, сувда сузувчи қушлар овланади. Шу нуқтаи назардан қараганда, халқаро амалиётнинг илғор тажрибаларини жорий этиш орқали овчилик хўжаликларининг ихтисослашувини таъминлаш масаласи ҳам долзарблигича қолмоқда.

Ҳозирги вақтда вилоятидаги чўл зонасида хорижий овчилар учун йўрға тувалоқ (*Chlamydotis undulate*) ови амалга оширилади. Келгусида кафолатли овлаш имкониятларининг кенглиги ва овлаш жараёнида бошқа

турларга қараганда, таваккалчиликнинг нисбатан камлигини инобатга олган ҳолда, вилоятда “Товушқон ови”, “Ғоз ва ўрдак ови” “Ёввойи чўчка ови”, “Йўрға тувалоқ ови” каби алоҳида ов турлари билан шуғулланишга ихтисослашган овчилик хўжаликларни ташкил этиш тавсия этилади. Худди шундай, муайян турларни овлашга ихтисослашган хўжаликларни балиқчилик соҳасига ҳам татбиқ этиш мақсадга мувофиқ бўлади. Овчилик хўжаликларининг ихтисослашуви овчиларнинг қизиқишларини ва ўз олдига қўйган мақсадининг амалга ошишига бўлган ишончини ошириши билан бирга, хўжаликнинг иқтисодий самарадорлигини яхшиланишига хизмат қилади.

Овчилик хўжаликларида ҳайвонларни озиқлантиришнинг янги имкониятлари

Азолла ва ряска сув бетида қалқиб ўсувчи, кўп йиллик ўсимликлар бўлиб, тропик ва субтропик минтақаларда кенг тарқалган. Ҳозирги пайтда мазкур ўсимликлар Ўзбекистон шароитига муваффақиятли интродукция қилинган. Ряска ва азолла ёрдамида тозаланган сувни техник мақсадларда, қишлоқ хўжалик экинларини суғоришда, каноп поясини ивитишда ёки балиқчилик ҳовузларига ва очиқ сув ҳавзаларига чиқариб юбориш мумкин. Юксак сув ўсимликларининг кўчатларини дастлаб лаборатория шароитида кўпайтириш учун тайёрланган турли озуқа муҳитларида, шарсимон аквариумларда, сўнгра кристаллизаторларда ҳамда катта миқдорда бетонланган ҳовузлардан фойдаланилади.

Поликультура усулида боқиладиган балиқларга азолла ряска ўсимлиги билан озиқлантирилган балиқларнинг ўсиш кўрсаткичлари ва маҳсулдорлиги юқори бўлган.

Ҳозирги кунда ўсимликларини кўпайтиришда асосан органикўғитлар катта аҳамиятга эга, айниқса қўй, мол, товуқ гўнглари 1 литр сувда 3-3,5 г ҳисобига қўшилса ва унга бир оз аммоний сульфат ўғити қўшилса, жуда тез кўпаяди. Мўл ҳосил олиш учун фақатҳафтасига 2 кун фойдаланиш мумкин,

чунки ҳар кун биомасса олинса, унинг ўсиши қийинлашади.

Тажрибалар шуни кўрсатадики, ўсаётган ўсимликлар ичида қарилари ўсиши секинлашади. Шунинг учун биомасса олишда ёш ряскаларни қолдириб қариларини олишга ҳаракат қилиш керак. Рясканинг чуқурлиги 15-20 см бўлган ҳар қандай тиниқ ва чучук сувда кўпайтириш мумкин.



54 – расм Азолла (*Azolla caroliniana*)

Шунингдек, каналларда, ботқоқликлар ҳосил қилган чуқур ва траншеяларда ўстириш мумкин. Балиқчилик сув ҳавзаларида ряскани кўпайтириш муҳим аҳамиятга эга. Айниқса, чашма сувларида ряска яхши ўсади. Шунинг учун чашма сувлари оқаётган сувларда ряскани учратиш мумкин. Ўрдақлар учун ряска яхши озуқа ҳисобланади. Шунинг учун уларни ўрдақлар яшайдиган жойларда ўстириш мумкин. Бу сувларда азолла ва ряскага ўғит берилмаса ҳам ўсади. Молчилик ва паррандачилик хўжалигида алоҳида чуқурлиги 20-25см, кенглиги 3-4 м бўлган бассейнларда ўстирилади ва кўпайтирилади. Бундай бассейнларнинг атрофи бетондан қилиниб майда гил тупроқ солинади.

Ряска ўсимликхўр балиқлар учун жуда яхши озуқа ҳисобланади. Ф.М.

Суверхова 2 йиллик карп балиғига бериладиган ряска рацион 4 % га оширганда балиққа бериладиган озуқа 24,7 % камайишини кузатган. Балиқларнинг 1 кг ўсиши учун уларни боқадиган комбикормининг овқатлантириш коэффициенти 5 бўлганда унга азолла ва ряска ўсимлигидан қўшилганда овқатлантриладиган аралашманинг баҳоси анча камаяди.

Ўзбекистон шароитида бу ўсимликлардан бутун йил давомида ҳосил олиш мумкин. Уларнинг тез ўсишига ҳар куни эрта билан салқин водопоровод сувини сепиш ҳам катта аҳамиятга эга. Барглари ҳар қандай ифлосликлардан тозаланади, сувни кислородга бойитади, фотосинтез ва газ алмашилини хусусиятларига эга бўлади. Сув ҳавзасидаги ряска қаватидаги чуқурлиги 16-18 см бўлиши керак. Сув хавзаларини участкаларга бўлиниши биомасса йиғилишини енгиллаштиради. Вегетатив ўсиш даврида рясканинг кундалик ҳосилдорлиги 1 м² да сув юзасида 100 г биомассада 30-40 г гача ўсиши мумкин ўсиши мумкин.

Ряска культурасининг кўпайтиришга унчалик меҳнат сарф қилинмайди. Уни йиғиб олиш учун агротехника зарур бўлмайди. Ряска ўсимлигининг биокимёвий таркиби ўрганилган. Унинг таркибидаги ҳўл протеин 20-38 %, ёғлар 5%, таркибида азот бўлмаган бирикмаларининг миқдори 36,7 % клетчатка 17,5 % ва кўл моддалари йўқ. Рясканинг биокимёвий таркиби бошқа ўсимликлар билан солиштириб кўрилган.



55 - Расм ўрдак ўт – ряска (*lemna minor*)

Ряска ва азолла ҳовуз балиқчиликда муҳим рол ўйнайди. Бу ўсимлик орқали энг кам харажат билан балиқ ишлаб чиқаришни кўпайтириш мумкин. Ўсимликнинг ўсиши жуда тез тахминан икки уч кунда икки баробар ўсади. Ряска ва азолла ўсимлигининг ўстириш ва ундан самарали фойдаланиш борасида ҳозирги кунда бир қанча чет эллик олимлар ҳам тажриба синовларини ўтказган. Таркибида физиологик фаол моддалар кўп бўлганлиги ва бошқа ўсимликларга нисбатан кўпроқ учраганлиги сабабли балиқларга кўшимча озуқа сифатида беришни тавсия этмоқдалар. Монокультура усулида боқиладиган оқ дўнгпешона балиғига кўшимча озуқа қилиб берилган. Тажриба 75 кун 6 та ҳовузда ўтказилган. Асосий озуқаси фитопланктонлар бўлган балиқларни ряска кукуни билан озиқлантирилган. Тажриба давомида балиқларнинг ўсиш кўрсаткичи 0,49 % дан 0,98 % гача ўзгарган. Ряска ва азолла кукуни таркибий қисми физиологик фаол моддаларга бой бўлганлиги учун ҳам балиқларнинг ўсишига сезиларли даражада таъсир кўрсатган. Бу усул иқтисодий жиҳатдан кам харажатлилиги билан бошқа усуллардан фарқ қилади. Кукун ҳолатида берилган ряскани оқ дўнгпешонабалиғи осонлик билан ўзлаштирган. Ряскадан фойдаланишнинг монокултурадаги балиқлар учун озуқа сифатида фойдаланиш бўйича баъзи тадқиқотлар мавжуд, аммо поликультурада бу борада жуда кам ишлар бажарилган. Ряска ва азолладан фойдаланишнинг аҳамияти ва келажакда тадқиқотларни ривожлантириш учун ушбу тадқиқот полкультурада 5 турдаги балиқларнинг ўсиши, сақланиб қолиши ва кўпайишига таъсири ҳамда экспериментал ҳовузларнинг лимнологик шароитларига таъсирини баҳолаш учун қўллаш бўйича тадқиқотлар олиб борилган. Бундан ташқари, оқ амур балиғининг ҳазм қилиш даражаси таҳлил килинганда балиқнинг озуқа объекти бўлган азолла ва ряска ўсимликлари солиштирилганда ряска ўсимлигининг ҳазм бўлиш жараёни, таркибидаги биологик моддаларни ўзлатирилиш кўрсаткичи бошқа ўсимликларга нисбатан юқори бўлган.



БАҚОЕВ САВРИДДИН БАҚОЕВИЧ

(Устоз хотирасининг 80 йиллигига бағишланади)

Бақоев Савриддин Бақоевич 1943 йил 12 январда Бухоро вилояти Шофиркон тумани Қумбости қишлоғида колхозчи оиласида туғилган. Ибн сино номли ўрта таълим мактабини 1959 йилда тугатиб, шу йили Бухоро давлат педагогика институти Табиатшунослик факультетининг Биология ва

кишлоқ хўжалиги асослари бўлимига ўқишга киради. Илмга тиришқок бўлганлиги учун 1964-йилда Бухоро Давлат Педагогика институти (ҳозирда БухДУ) табиатшунослик факультетини имтиёзли диплом билан тугатгач, Зоология кафедрасида асистент лавозимида ишга қолдирилди. У 1966-йилнинг декабрида А.Навоий номи Самарқанд Давлат Университети умуртқали ҳайвонлар зоологияси кафедрасига асперантурага ўқишга юборилади. 1970-йилда биология фанлари номзоди илмий даражасини олди. 1972-йил декабрида зоология кафедраси доценти илмий унвонида тасдиқланди. 1994-йил декабрида Бақоев С.Б ЎзРФА зоология институти қошида ихтисослаштирилган илмий кенгашида "Ўзбекистон чул зонаси антропоген ландшафтлари қушлари (экологияси, амалий аҳамияти муҳофазаланиши)" мавзусида докторлик диссертациясини мувофақиятли йўқлади ва биология фанлари доктори илмий даражасини олди.

Бақоев С.Б. 1992-1996-йилларда БДУ кимё ва биология факултети декани, 1996-йил декабридан то 2011-йил июл ойига қадар зоология ва экология (биология) кафедрасининг мудирси сифатида фаолият кўрсатди.

Бақоев С.Б. 2002-йилда зоология ва экология профессори илмий унвонида тасдиқланди. 2012-2013-йили Бухоро давлат тиббиёт институтида Гистология ва тиббий биология кафедрасида профессор лавозимида ишлайди, талабаларга тиббий биология ва генетика фанидан дарс берди. 2013-2018-йилларда БДУ ҳузуридаги халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази аниқ ва табиий фанлар методикаси кафедрасининг профессори. 2018-2019-йилларда эса ушбу кафедранинг мудирси бўлиб ишлайди. Бақоев С.Б. талабаларга экология ва табиат муҳофазаси, биология ва экология асослари, генетика ва селекция асослари орнитология махсус курсларидан маъруза лаборатория ва амалий машғулотларни олиб борди. Дарсларнинг савияси олий таълим талабларига тўла жавоб берарди. Кейинги йилларда Бақоев С.Б. биология ўқитувчиларини малакасини ошириш курслари тингловчиларига биологияни ўқитиш методикаси, биологияни ўқитишда хориж тажрибаларидан фойдаланиш,

замонавий ёндашувлар ва инновациялар, биология тараққитининг ҳозирги тенденциялари каби йўналишлар, модулларидан дарс берган.

Бақоев С.Б. доимо ўз малакасини ва илмий назарий савиясини ошириш устида қатъият билан мунтазам ишлайди. Унинг илмий тадқиқоти ҳайвонлар (қушлар) экологияси ва муҳофазаси, биологияни ўқитиш самарадорлигини ошириш соҳасига бағишланган.

Бақоев С.Б. илмий тадқиқот ишлари натижалари юзасидан тегишли конгресс, халқаро, Республика ва минтақавий илмий амалий анжуманларда маърузалари билан иштирок этмоқда. Унинг илмий изланишлари 250дан ортиқ илмий мақолаларда, маъруза тезисларида, 5та монография сифатида эълон қилинган. У Ўзбекистон Республикаси "Қизил китоби" (1983) кўп жилдли. "Ўзбекистон қушлари" (1995). Каби фундаментал китобларнинг муаллифларидан бири. Ўзининг илмий изланишлари натижа, хулосаларини замонавий тадқиқот усуллари ёрдамида асослашга ҳаракат қилади. Бу усулларни ёш тадқиқотчи-изланувчиларга, магистр, докторантларга, тингловчиларга ҳам ўргатмоқда. Унинг раҳбарлигида 3та фан номзоди 1та фан доктори тайёрлади, яна 2 нафар мустақил тадқиқотчилар магистрлар билан ишлаган.

Бақоев С.Б. Республика олий ўқув юртларида бажарилган энг яхши илмий тадқиқот ишлари танловининг ғолиби (1985,1987). Унинг ташаббуси билан Бухоро давлат университетида "Ўрта Осиё ва Қозоғистон, арнетологлариининг конференсияси (1990)," ҳамда "Ўрта Осиё Амударё региони экологик муаммолари " мавзусида халқаро илмий конференциялар (1992,1995 ва б.) бўлиб ўтди. Кейинги йилларда ҳудудий марказда Республика доирасида "Интерфаол илмий муаммо ва ечимлар", "Педагогик маҳоратни оширишда таълим инновациялари хорижий тажрибалар ва баҳолаш тизимларидан фойдаланиш муаммо ва ечимлар" (2018, 2020) мавзуларида бўлиб ўтган Республика илмий амалий конференцияларини ўтказилишида фаол қатнашди. Унинг 15 та ўқув, ўқув-услубий қўлланмалари чоп этилган.

Бақоев С.Б. илмий ва ўқув - услубий соҳадагина эмас балки ижтимоий фаолиятда ҳам намунали, камтарин инсон. Узоқ йиллар у ЎзРФА зоология институти ҳузуридаги Д.015.10.21 ихтисослаштирилган илмий кенгашининг аъзоси бўлган. Кейинги даврда илмий даражалар берувчи СамДУ ҳузуридаги PhD 30.08.2018 В.02.08 рақамли илмий кенгашнинг Бухоро давлат университети қошидаги PhD 28.06.2018 В.72.02 PhD 30.03.2019 В.70.04 илмий кенгашларида аъзо, (Раис ўринбосари, Илмий семинар раиси) сифатида фаолият кўрсатган. Ўзбекистон қушларини муҳофаза қилиш жамиятининг ижро қўмитаси аъзоси, жамият блютенида таҳририят аъзоси бўлган. Бухоро ВХТХҚТУМОХМда чоп этиладиган "Инновацион таълим" журнали редколлегиясининг аъзоси бўлган. Бухорода орнитология мактабининг шаклланишига катта ҳисса қўшган олим саналади. Ўзбекистонда биология таълим йўналишида биология фани ўқитувчиларини тайёрлашда катта ҳисса қўшган. Бақоев Савриддин Бақоевич оиласида 3 нафар фарзанд ва 5 нафар неваралар бўлиб келажакда биолог олим издошлари бўлишига ишонамиз.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва методологик аҳамиятга молик нашрлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармони.
2. Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 19 сентябрдаги “Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида”ги ги 545-І-сон Қонуни.
3. Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 3 декабрдаги “Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида”ги 710-II-сон Қонуни.
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 7 ноябрдаги “Ҳайвонот ва ўсимлик дунёси объектларининг давлат ҳисобини,

улардан фойдаланиш ҳажмлари ҳисобини ва давлат кадастрини юритиш тўғрисида”ги 914-сон қарори.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 19 июлдаги “Ўрмон хўжалигини бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 530-сон қарори.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 11 июндаги “2019-2028 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасида биологик хилма-хилликни сақлаш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги 484 сон қарори

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 20 октябрдаги “Биологик ресурслардан фойдаланишни тартибга солиш ва табиатдан фойдаланиш соҳасида рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш тартиби тўғрисида”ги 290-сонли қарори.

8. Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг 2006 йил 22 мартдаги “Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ов ва балиқ овлаш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида”ги 27-сонли буйруғи.

9. Андреев М.Н. и др. Государственная политика в сфере охоты и охотничьего хозяйства: История и современность. – Киров, 2013. – С. 16-132.

10. Гаврин В.Ф. Задачи научного охотоведения в развитии охотничьего хозяйства // Охотоведение. – Москва, 1972. – С. 15-32.

11. Гракова Н.Н. Охотничье хозяйство СССР. –М.: Лесная промышленность, 1973. – 406 с.

12. Дементьев В.И. Основы охотоведения. – Л., 1965. – 270 с.

13. Захидов Т.З., Мекленбурцев Р.Н., Богданов О.П. Природа и животный мир Средней Азии (позвоночные животные). – Т.П. – Т.: Ўқитувчи, 1971. – С. 277-282.

14. Кашкаров Д.Ю. Отряд Гусеобразных – Anseiformes: Птицы Узбекистана. Т. 1. – Т.: Фан, 1987. – С. 57-121.

15. Красная книга Республики Узбекистан. Птицы. Т. II. Животные. – Т.: Чинор, 2009. – С.120-203.

- 16 Кузякин В.А. Учёт численности охотничьих животных. – М.: Товарищество научных изданий КМК, 2017. – С. 84-250.
17. Машкин В.И. Методы изучения охотничьих и охраняемых животных в полевых условиях. – Санкт-Петербург: «Лань», 2013. – 432 с.
18. Медведев Н.В. Методы количественного учета птиц. – Петрозаводск, 2013. – 32 с.
19. Международной совет по охоте и охране животного мира (*CIC–Conseil International de la Chasse* – www.cic-wildlife.org).
20. Новиков Г.А. Полевые исследования по экологии наземных позвоночных. –М., 1953. – 502 с.
21. Сагитов А.К., Бакаев С.Б. Экология гнездования массовых видов птиц Юго-Западного Узбекистана. – Т.: Фан, 1980. – 133 с.
22. Песенко Ю.А. Принципы и методы количественного анализа в фаунистических исследованиях. –М., 1982. – 284 с.
23. Чашухин. В.А. Человек и охотничьи животные: развитие отношений. – Киров: ВНИИОЗ, 2006. – 207 с.

Монография, илмий мақола, патент ва илмий тўпламлар

24. Азимов Д.А. и др. Биологическое разнообразие: стратегия сохранения // Узбекский биологический журнал. –Ташкент, 1998. –№2. – С. 55-61.
25. Бакаев С.Б. Видовой состав гнездящихся птиц Бухарской области. Метод. пособие. – Бухара, 1987. – 20 с.
26. Бақоев С.Б., Рахмонов Р.Р. Қорақир кўлида уя қилувчи қушлар биологиясига доир маълумотлар // Биология ва экологиянинг ҳозирги замон муаммолари: Халқаро илмий конференция материаллари. – Самарқанд, 1999. –Б. 48-49.
27. Бақоев С.Б., Рахмонов Р.Р. Чернологовый Ремез в зоне Аму Бухарского канала // Актуальные проблемы изучения и охраны птиц Восточной и Северной Азии: Материалы международной конференции - Казань, 2001. –Б. 59-60.

28. Бақоев С.Б., Рахмонов Р.Р. Бухоро вилояти сувликларида яшовчи айрим кушларнинг биологиясида доир маълумотлар // Ижодкор ёшлар ва фан-техника тараққиёти: Илмий маърузалар тўплами. – Бухоро, 2003. – Б. 109-112.

29. Бақоев С.Б., Рахмонов Р.Р. Кўк ғоз (*Anser-anser*)нинг биологиясига доир маълумотлар // Биология ва уни ўқитишнинг долзарб муаммолари: Республика илмий-амалий конференцияси материаллари –Тошкент, 2009. – Б. 208-210.

30. Бақоев С.Б., Рахмонов Р.Р. Гнездование птиц в водоемах г.Бухары // Наземные позвоночные животных аридных экосистем: Материалы международной научной конференции. – Ташкент, 2012. – С. 48-51.

31. Лановенко Е.Н. и др. Последствия влияния экстремально холодной зимы 2008 г. на зимовки водоплавающих птиц на водоемах Узбекистана // Экологический вестник. –Ташкент, 2009. –№ 5 (98). – С. 21-24.

32. Лановенко Е.Н., Шерназаров Э.Ш., Филатов А.К. Планы действий по сохранению глобально угрожаемых видов птиц в Узбекистане. Среднеазиатский регион. Кудрявый пеликан (*Pelicanus crispus* Buch.). – Ташкент, 2014. – 36 с.

33. Лановенко Е.Н., Шерназаров Э.Ш., Филатов А.К. Численность зимующих водно-болотных птиц на озере Денгизкуль в Узбекистане за последние 30 лет // Тезисы XIV Международная орнитологическая конференция Северной Евразии. Т.І. – Алматы, 2015. – С. 288-289.

34. Ларин С.А. Охотоведение как наука, ее содержание и история развития // Материалы Всесоюзная конференция Современное состояние и пути развития охотоведческой науки в СССР. – Киров, 1974. – С. 54.

35. Рахмонов Р.Р. Бухоро вилоятида айрим гидрофил кушлар биологиясига доир маълумотлар // Истедодли ёшлар фан-технологиялари тараққиёти: Илмий-амалий анжуман материаллари. –Бухоро, 2008. – Б. 17-18.

36. Рахмонов Р.Р., Раҳимова С.К., Тоҳиров Б.Б. Бухоро вилоятидаги овладиган кемирувчилар туркуми вакиллари ҳақида маълумот // Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш

ва уларни қайта тиклаш: Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. – Бухоро, 2018. – Б. 415-417.

37. Рахмонов Р.Р., Райимов А.Р., Собирова Ў.О. Бухоро вилоятидаги овладиган каптарсимонлар туркуми вакиллари ҳақида маълумот // Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва уларни қайта тиклаш: Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. – Бухоро, 2018. – Б. 231-233.

38. Рахмонов Р.Р., Рахимов Ж.Р. Ўзбекистон “Қизил китоби”га киритилган Бухоро вилояти сувликларида учрайдиган қушлар биологияси // Профессор-ўқитувчилар ва талабаларнинг 59-илмий-назарий анжумани материаллари тўплами. – Бухоро, 2015. – Б. 87-89.

39. Рахмонов Р.Р., Райимов А.Р. Антропоген омилларнинг овладиган ҳайвон турларига таъсирини баҳолаш // Хоразм маъмун академияси ахборотномаси. –Хива, 2019. –№2. –Б. 27-29.

40. Рахмонов Р.Р., Райимов А.Р., Ярашева .М.Я. Бухоро вилоятидаги овладиган товуксимонлар туркуми вакиллариининг экологияси ва аҳамияти // Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва уларни қайта тиклаш: Республика илмий-амалий конференция материаллари. –Бухоро, 2018. –Б. 108-111.

41. Рахмонов Р.Р., Холбоев. Ф.Р. Овчилик тарихига оид маълумотлар // Ҳайвонлар экологияси ва морфологияси: Илмий-амалий конференция материаллари. – Самарқанд, 2018. – Б. 79-83.

42. Рахмонов Р.Р., Тўраев М.М. Бухоро вилоятида (*Sus scrofa*)нинг экологияси ва ҳудудий тарқалиши // Ўзбекистон биохилма-хиллиги, уни сақлашда ўсимлик ва ҳайвонот дунёсининг роли: Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. – Жиззах, 2018. – Б. 67-70.

43. Рахмонов Р.Р., Ражабова У.Ф. Бухоро вилоятида овладиган айрим ҳайвон турларининг экологик хусусиятлари ҳақида маълумотлар // Минтақада юзага келган экологик муаммоларни юмшатиш омиллари: Республика илмий-амалий анжумани материаллари. – Бухоро, 2019. –Б.64-66.

44. Рахмонов Р.Р., Шодмонов Ф.Қ. Ўзбекистонда овчилик хўжаликлари ва уларнинг биологик хилма-хилликни сақлашдаги роли // Минтақада юзага келган экологик муаммоларни юмшатиш омиллари: Республика илмий-амалий анжумани материаллари. – Бухоро, 2019. – Б. 66-68.
45. Рахмонов Р.Р., Жабборов Б.И., Ёркулов Ж.М. Бўрсик (*Meles meles*)нинг экологик хусусиятлари ҳақида маълумотлар // Минтақада юзага келган экологик муаммоларни юмшатиш омиллари: Республика илмий-амалий анжумани материаллари. – Бухоро, 2019. – Б. 93-95.
46. Султанов Г.С., Персианова Л.А. Зоологические исследования в Средней Азии (1820–1975 гг.). –Ташкент, 1982. –240 с.
47. Султонова М.М. Вариацион статистика. – Тошкент: Ўқитувчи, 1977. – Б. 140-143.
48. Тураев М.М., Бақоев С.Б., Шерназаров Э., Рахмонов Р.Р. Новые материалы о гнездовании некоторых гидрофильных видов птиц на водоёмах Бухарской области // Современные проблемы орнитологии Сибири и Центральной Азии: Материалы II Международная орнитологическая конференция. –Улан-Удэ, 2003. –С. 101-104.
49. Тўраев М.М., Рахмонов Р.Р., Райимов А.Р. Бухоро вилоятидаги ташлама кўлларнинг ҳудуд биохилма-хиллигини шакллантиришдаги ўрни // Қишлоқ хўжалик экинлари маҳсулдорлигини ошириш ва етиштиришнинг замонавий технологиялари: Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. – Бухоро, 2013 – Б. 197-199.
50. Холбоев Ф.Р., Рахмонов Р.Р. Ов хўжалигини юритишнинг биологик хилма-хилликни сақлашдаги ўрни // Проблемы рационального использования и охрана природных ресурсов Южного Приаралья: Материалы VII Международной научно-практической конференции. – Нукус, 2018. – С. 34-35.



Рахмонов Рашит Рахимович 1973 йил 10 мартда Бухоро вилояти Вобкент тумани Хайрабод МФЙ Сараосиё қишлоғида туғилган. “Бухоро вилоятидаги овладиган ҳайвон турлари: фаунаси экологияси ва барқарор фойдаланилиши” мавзусида 2020 йил 27 январда Ўзбекистон Фанлар Академияси Зоология институтида диссертация ишини мувофақиятли ҳимоя қилган. Биология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD). Ҳозирги кунда Бухоро давлат педагогика институти Табиий фанлар кафедраси доценти 100 дан ортиқ илмий мақола ва тезислар, 1 та ўқув қўлланма, 1 та монография, 2 та илмий услубий қўлланма, 3 та ўқув услубий қўлланма, 2 та атлас альбом китоблари нашрдан чиққан. Оилали 3 нафар фарзанднинг отаси.

Мундарижа

Кириш	3
Бухоро вилоятлари ўсимликлари	5
Ўзбекистонда овчилик ва ов хўжалиги тўғрисидаги қонун	7
Бухоро вилоятининг сув таъминоти	9
Бухоро вилоятидаги кўллар характеристикаси	11
Ўзбекистонда овчилик соҳасининг ривожланиш тарихи	14
Қорақир кўлида жойлашган овчилик хўжаликлари	18
Хадича, Зикри ва Девхона кўллар тизимидаги овчилик хўжаликлари	22
Шўркўл сув омборида жойлашган овчилик хўжаликлари	28
Қорақўл давлат ўрмон ов хўжалиги	29
Қумсултон кўлидаги овчилик хўжалиги	32
Ўзбекистонда овлашга рухсат этилган ҳайвон турларининг бухоро вилоятида учраши ва овланиши	34
Бухоро вилоятида овладиган ҳайвон турларининг биоэкологик хусусиятлари	35
Тегишли рухсатномаларсиз овладиган ҳайвон турлари	60
Бухоро вилоятидаги ов аҳамиятидаги балиқларнинг биоэкологик таснифи	84
Овчилик хўжаликлари ва уларнинг биологик хилма - хилликни сақлашдаги роли	103
Овладиган турлардан барқарор фойдаланиш бўйича мавжуд қонунчиликнинг таҳлили	110
Овчилик хўжаликларининг самарадорлигини ошириш йўллари	115
Овчилик хўжаликларида ов туризими жорий этишнинг истиқболлари	120
Овчилик хўжаликлари ҳайвонларни озиқлантириш янги имкониятлари	126
Бақоев Савриддин Бақоевич (устоз хотирасининг 80 йиллиги)	130
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	133